

# Намознинг кайфияти (китоб)

09:50 / 29.03.2017 7615

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

### Муқаддима

Бизларни Ўзига ибодат қилиш бахтига лойиқ кўрган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! Аллоҳга қуллик энг буюк мақом эканини инсониятга билдирган саййидимиз Муҳаммад Мустафога битмас туганмас саловоту саломлар бўлсин! Инсониятни зулматлар қаъридан нур сари чиқишда қарвонбошилиқ қилган саҳобаи киромлардан Аллоҳнинг Ўзи рози бўлсин. Шундай шарафли йўлда қиёматгача уларнинг изидан эргашганларга Аллоҳнинг нусрати ва раҳмати бўлсин!

Аммо баъд:

Мустабид тузум даврида миллатимиз ўзининг қадриятлари қаторида муқаддас динимиз таълимотларидан мосуво бўлар экан, намоз каби улуғ ибодатни ошкора қилиш у ёқда турсин, Ислом ва Иймонга тегишли калималарни ҳам ошкора айтиши кишининг ҳаётига таҳлика туғдирар, аксари мусулмон бўлган миллатимиз диний вожиботларини махфий ҳолда бажаришга мажбур эди.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, Коммунистик тузумнинг сиёсати демократик ислохотлар, қайта қуриш жараёнларида охириги кунларини яшаётганини кўпчилик озми кўпми фараз қилиб қолган эди. Айниқса, миллатнинг маънавий бўшлиғини тўлдиришда, унинг қадриятларини қайта жонлантиришда муҳим омил вазифасини ўтовчи Ислом дини ҳам ота-боболари мусулмон бўлган халқлар томонидан оммавий тарзда ўрганила бошланди. Ўша кезлари Ислом динига оид ҳар қандай маълумот ким томонидан тақдим этилишидан қатъий назар қабул қилинар, унга муқаддас дин таълимоти ўлароқ муносабатда бўлинарди. Натижада кўп соҳада бўлгани каби намоз ибодатида ҳам ихтилофлар кўзга кўрина бошлади...

Аллоҳнинг инояти ила юртимиз истиқлолга эришгач қадриятларимиз тикланиб, динимиз таълимотлари олимларимиз томонидан секин-аста ёритила бошланди. Хусусан Ислом динининг рукнларидан бири бўлмиш

намоз борасида ҳам она тилимизда бир неча китоблар тасниф қилинди. Намозни янги ўрганувчилар учун бағишланган “Мен ҳам намоз ўқийман”, “Намоз ўқишни ўрганамиз” каби номлар билан ўнлаб рисолачалар бин неча минг нусхаларда нашр қилиниб, кўпчилик улардан фойдаланди. Буларда одатда намознинг ўқилиши содда услубда баён қилинади. Далиллар эса келтирилмайди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Ҳадис ва Ҳаёт” номи билан катта илмий меросни халқимизга ўз она тилимизда тақдим қилар эканлар бу силсиланинг 5-6-7-жузлари “Намоз китоби” бўлиб, уларда намозга тегишли ҳукмларнинг далиллари ҳадислар орқали ажойиб услубда баҳс қилинади ва ўқувчи бу илмий меросдан намознинг илмий асосларини ўрганади.

Бундан ташқари шайх ҳазратлари ҳанафий уламоларимиз наздларида мўътабар, бизнинг ўлкаларда жуда машҳур ҳисобланган матнлардан бири бўлмиш “Мухтасарул Виқоя” китобининг таржима ва шарҳини ҳам “Кифоя” номи билан уч жилдда халқимизга тақдим қилдилар. Ҳанафий мазҳаби ижтиҳоди асосида қилинадиган ибодатларнинг далилларини шу китобда кўришимиз мумкин. Бу китоблар мусулмон халқимизни ташвишга солган турли ихтилофларнинг бартараф бўлишида асосий омиллардан бири бўлди. Лекин шунга қарамасдан ҳозирда ҳам айрим ўзини билмаганлар томонидан, ҳанафийларнинг намоzlари хатодир, ҳадислар асосида эмасдир, дейилаётганини эшитиб қоламиз. Ижтимоий тармоқларда шу каби иддаоларни кўрганимда ҳанафий мазҳаби усулларига кўра намознинг кайфияти далилларини баён қилиш кераклиги ҳаёлимдан ўтарди.

Устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бир куни менга Абдулваҳҳоб Машҳадонийнинг «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоzlарининг Ҳанафий мазҳаби ижтиҳоди ёғдусига кўра кайфияти» номли китобини қўлимга тутқазиб, уни таржима қилишимни таклиф этдилар ва мен уни улкан ҳаяжон билан таржима қилишга киришдим.

Ушбу китобда муаллиф ҳанафий мазҳабидаги намоз ўқиш суратининг далилларини келтирган. У киши китобни таълиф қилиш сабабини баён қилар экан, баъзи кишиларнинг «Ҳанафий мазҳаби ижтиҳодидаги намоз кўриниши кўп ҳолларда ҳадисга асосланмаган, ҳадислар эътиборсиз қолдирилган», деган гаплари ушбу асарни ёзишига туртки бўлганини айтади. Дарҳақиқат, ҳанафий мазҳабининг далилларидан у қадар яхши хабардор бўлмаган, уларни илмий асосда яхши ўрганмаган, билими саёз кишилар тарафидан ёки ноҳолис кимсалар томонидан шу маънодаги

даъволарнинг бўлиб туриши бор гап. Улар одатда илмий далилларни ўрганиб, солиштириб чиқишдан кўра бошқаларни айблашни ўзларига маъқул кўришади. Лекин инсоф билан, чуқурроқ ўрганилса, тўрт мазҳаб далиллари, хусусан ҳанафий мазҳаби ижтиҳодлари ҳам етарли равишда илмий асосга эга экани, бу матнлар ортида албатта оят ва ҳадислар ётгани равшанлашади.

Барча мужтаҳидларнинг мазҳаблари қатори ҳанафий мазҳабининг ҳам ўзига хос усуллари мавжуд. Уларни ўқиб, ўрганмай туриб, юзаки маълумотлар асосида таъна қилиш инсофсизликдан бошқа нарса эмас. Бу усулларни ўрганиш учун мавзуга оид мўътабар китобларга мурожаат қилиш лозим. Мен шу ўринда бир кичик мавзунинг баҳсини келтириб ўтаманки, ўқувчи мужтаҳидларимизнинг нақадар илмий таҳқиқотларда ҳассос эканларини кўрсин!

Аслини олганда, ҳанафий мазҳаби усулида гарчи заиф бўлсада ҳадис қиёсдан устун туради. Ҳатто бошқа мазҳаблардан фарқли ўлароқ, ҳанафийларда заиф бўлсада ҳадис бор ўринда қиёсга ўтилмайди. Ҳанафий азизларимиз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, бажардилар ёки у кишининг ҳузурида бундай қилинди», деган сўзнинг ҳиди бўлса ҳам қиёсга ҳожат йўқ», дейишади. Шу ўринда бир мисол келтирсак:

Имом Молик, Шофеъий ва Аҳмад ибн Ҳанбал роҳматуллоҳи алайҳимларнинг наздида қаҳқаҳа таҳоратни синдирмайди. Бу азизларимиз ушбу ижтиҳодларига қуйидаги далилларни келтиришади.

نُبِّدَّمَ حُمُّ اَنْتَدَحَ دَمَّحْ اَنْبُ بَجَاحِ اَنْ رَّبَّحَ اِىضَ اَقْلَلِ اَنْ سَخَلْ اَنْبُ رَكَبَ وُبَا اَنْ رَبَّحَ اَوْ-۱  
لُجَّ رَلْ اَلْحَضْ اِذَا: لَاقِدْرَبَ اَجْ عَنَ اَيْفُسْ اِبَا نَعَشَمَّ اَلْ اَنْعَ وَاَعْمُ وُبَا اَنْتَدَحَ دَمَّحْ  
عَوْضُ وُلْدِ اِدْعِي مَلَوَةَ اَلْ اَلْ صَلَا دَاغَةَ اَلْ صَلَا اِى

1-далил ҳадисдан:

Бизга Абу Бакр ибн Ҳасан Қозий хабар берган: "Бизга Ҳожиб ибн Аҳмад хабар берган: "Бизга Муҳаммад ибн Ҳаммод ҳадис айтиб берган: "Бизга Абу Муовия Аъмашдан, у Абу Суфёндан, у эса Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Киши агар намозда кулса намозни қайтариб ўқийди, таҳоратни қайтариб қилмайди». Байҳақий ривояти. Ҳадиснинг санади

саҳиҳ.

2-далил қиёсдан:

Кулги таҳоратни синдирувчи нажосатлардан эмас. Агар кулги намозда таҳоратни синдирса, намоздан ташқарида, шу билан бирга жаноза намозида ва сажда тиловатида ҳам таҳоратни синдириши керак бўлади. Шу қиёсга кўра, кулги таҳоратни синдирмайди.

Ҳанафийларда қаҳқаҳанинг таҳоратни синдириши қиёсга кўра эмас, балки ҳадиси шарифда келган матнга кўрадир.

1-далил ҳадисдан:

Имом Дороқутний Абу Ҳурайра ва Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳумолардан, Табароний Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

“Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга намоз ўқиб бераётган эдилар. Бир киши кириб, тўсатдан масжиддаги чуқурчага тушиб кетди. Унинг кўзида хасталик бор эди. Қавмдан кўпчилик намозда турган ҳолида кулиб юборди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ким кулган бўлса уни таҳорат ва намозини қайтадан қилишига буюрдилар».

Бу ҳадис мурсал\*дир.

\*Мурсал ҳадис деб, ровийлар силсиласидан саҳобанинг исми тушуб қолган ҳадисга айтилади. Бунда тобеъий тўғридан тўғри Расулуллоҳдан, деб ривоят қилади.

Мурсал ҳадис (санади ва матни) саҳиҳ бўлса жумҳурнинг наздида ҳужжат бўла олади. Ҳанафийлар бу борада, яъни мурсалнинг ҳужжат бўла олиши борасида жумҳурнинг орасидадир. Баъзи уламоларимиз, хусусан Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ мурсал ҳадисларнинг саҳиҳ бўлиши учун унда айрим шартлар топилиши лозимлигини айтган. Ушбу шартлардан бири мурсал ҳадис бошқа бир йўл билан муснад шаклда, яъни санади кесилмаган тарзда ривоят қилинган ҳадис билан қувватланган бўлиши лозим. Қаҳқаҳа таҳоратни синдириши борасида бир неча саҳобалардан муснад ҳадислар ҳам ривоят қилинган. Ибн Умар, Маъбад Хузойй, Абу Мусо Ашъарий, Абу Ҳурайра, Анас, Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳумлар шулар жумласидандир.

Буларнинг барчасини келтирсак гап чўзилиб кетади. Шунинг учун Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисни ўрганиш билан сўзни қисқа қиламиз.

عن ، اعطع ن ع ، ينون و ك س ل ا س ي ق ن ب و ر م ع ان ث د ح : ي ب ا ان ت ح ح : ع ي ق ب ن ب ع ط ع ل ا ق  
ة ال صل ا ي ف ك ح ض ن م : م ال س ل ا و ة ال صل ا ه ل ل ل ا ل و س ر ل ا ق : ل ا ق ر م ع ن ب ا  
ة ال صل ا و ء و ض و ل ا د ع ي ل ف ة ه ق ه ق

Атия ибн Бақийя айтади: «Бизга отам сўзлаб берди: “Бизга Амр ибн Қайс Сакуний Атодан, у Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилиб, сўзлаб берди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким намозда қаҳқаҳа отиб кулса, таҳорат ва намозини қайтадан қилсин»**, дедилар».

Тўғри, баъзилар бу ҳадисдаги Атийя ибн Бақийяни мудаллис дейишган. Яъни уни заиф ровийдан ҳадис эшитиб, унинг исмини яширганликда айбалашади. Лекин Атийя ибн Бақийянинг «ҳаддасанаа» – «бизга сўзлаб берди», деган лафзи ундан бу ривоятда мудаллисликни кетказади. Шу жиҳатдан Бақийянинг ушбу ҳадиси ровийнинг шахсан ўзидан ривоят қилинган ҳисобланади.

Қаҳқаҳанинг тугал – рукуъ-саждали намозларда таҳоратни синдиришига айнан ушбу ҳадис далил бўлади.

Кулги уч турдир:

1. Қаҳқаҳа отиб кулиш;

– Бу тугал намозларда таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузади. Бунга ҳанафийларимиз келтирган юқоридаги ҳадислар далилдир. Жумҳурнинг қиёси бу ҳадислардан муқаддам тура олмайди.

2. Қиқирлаб кулиш;

– «Қиқирлаб кулиш» деганда кишининг фақат ўзи эшитадиган даражада кулиши тушунилади. Рукуъ-саждаси бор намозда қиқирлаб кулса, намози бузилади, лекин таҳорати синмайди. Жумҳурнинг кулги таҳоратни синдирмаслиги борасидаги келтирган далили шу кулгига тегишлидир.

3. Табассум;

– Бу овоз чиқармай кулиш, жилмайишдир. У таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузмайди.

Жумхурнинг далили ҳам инкор қилинмайди, балки у ҳадисдаги кулги қаҳқаҳадан бошқа кулгига тегишли дея тушунилади. Ҳанафийларимизнинг далили эса қаҳқаҳага оид бўлиб, тугал намозларда балоғатга етган киши қаҳқаҳа отса таҳорати бузилади. Шу қадар қувватга эга ҳадис бор ўринда қиёсга ҳожат йўқ.

Бирор мазҳаб аҳлининг усулларини пухта ўрганмай туриб, уларнинг ижтиҳодларини тушуниб бўлмайди. Бунинг умуман иложи йўқ. Аксинча йўл тутганлар эса мазҳабга билиб-билмай таъна тошини отишади, ўйламай-нетмай «Ҳадис турганда мазҳабга эргашамизми?», дейишга ўтишади. Гўё бу гаплари билан мужтаҳидлар ўз ижтиҳодларини ҳадисдан олишмаган, демоқчи бўлишади! Бу эса илмдан йироқ, ноҳолис тушунчалар тўплами холос!

Мазҳабимиз уламолари ҳеч қачон ўз фикрларини ҳадисдан устун қўйишмаган. Ҳадис турганда бошқа гапга ҳожат йўқлигини доимо таъкидлаб келишган. Ҳар бир масалада ўзларига етиб келган ҳадисларнинг умумий далолатига кўра, ўз усуллари асосида ижтиҳод қилишган. Бунга биз ушбу китобни ўқиш жараёнида яна бир бор гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга ҳанафий мазҳабига кўра намоз ўқиётган ҳар бир кишининг намози айнан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозлари каби эканига ишонч ҳосил қиламиз. Зотан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг муборак ҳадисларида: **“Менинг қандай намоз ўқиганимни кўрган бўлсанглар шундай намоз ўқинглар!”** деганлар. Бухорий ривояти.

Хулоса қилиб айтганда мазҳабларга эргашиш, уларнинг ижтиҳодлари билан амал қилиш айнан Суннатнинг маъзига эргашишдир! Шошқалоқлик билан, ўзбошимчалик қилиб ҳадисларнинг ўзидан ҳукм олаверамиз, дейдиганларнинг гапига учмаслик лозим. Зотан, ўшалар ҳам ҳадислардан ўз "фиқҳ"ларини айтаётган бўлишади. Шундай экан мужтаҳидларимизнинг фиқҳи анави нотаъйинларнинг "фиқҳ"идан кўра афзалроқ ва эргашишга лойиқроқдир!

Аллоҳ таоло бу ишимизни ёлғиз Ўзининг розилиги йўлида бўлишини насиб этсин. Хато ва нуқсонларимизни фазли карами ила авф қилсин. Агар У Зот ҳидоят қилса, ҳеч ким адаштира олмайди, мабодо адаштириб қўйса ҳеч ким тўғри йўлга сола олмайди!

\*Мурсал ҳадис деб, ровийлар силсиласидан саҳобанинг исми тушуб қолган ҳадисга айтилади. Бунда тобеъий тўғридан тўғри Росулulloҳдан, деб

ривоят қилади.

### **Таржима жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилди:**

1. Дастлаб намоз кўринишига оид матнни алоҳида рақамлаб чиқилди.
2. Рақамланган матнларни бирин-кетин келтириб, уларнинг ортидан ушбу матнларга далил бўлган ҳадисларни араб алифбосида берилди. Бунда ҳар бир ҳадиснинг матнини тўққиз мўътабар ҳадис тўпламларидан забт қилинди.
3. Матннинг таржимаси унинг остидан берилди.
4. Ҳадисларнинг таржимаси арабча матндан кейин берилди.
5. Ҳанафий мазҳабига хилоф далиллар зикр қилинганда, кўрсатгич белгиси ( → ) билан унга ишора қилинди. Ҳанафий мазҳабининг жавоблари эса унинг остидан берилди.
6. Ҳадис истилоҳига тегишли атамаларнинг айнан ўзи бериб борилди. Чунки муҳаддислар истелоҳида бу жумлаларнинг ўзига хос маънолари бўлиб, агар уларни таржима қилсак ҳадис истелоҳидаги маъносини ифода этмай қолиши мумкин. Шунинг учун таржимада буларнинг аслини берилди.
7. Ушбу китобчада ишлатилган илмий ҳадис истилоҳларининг деярли барчасини ажратиб олиб, муқаддимада ўша истелоҳларнинг қисқача таърифи бериб ўтилди. Бу борада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Мусталаҳул ҳадис» китобларини асос қилиб олдик ва имкон қадар истилоҳий таърифларнинг ўзи билан кифояландик. Батафсил маълумотлар учун ушбу асарни албатта ўрганиб чиқишни тавсия этамиз.

Ҳадис истилоҳларининг таърифи:

1. Жарҳ - ровийнинг жароҳатли, ҳадис ривоят қилишга яроқсиз эканини аниқлаш.
2. Таъдил - ровийнинг адолатли, ҳадис ривоят қилишга яроқли эканини аниқлаш.
3. Саҳиҳ ҳадис - санади бошидан охиригача адолатли ва забтли киши ўзига ўхшаган адолатли ва забтли кишидан муттасил (узлуксиз) санад ила

нақл қилган ҳамда шозз ва иллатли бўлмаган ҳадисдир.

4. Машхур - ҳар бир табақада уч ва ундан ортиқ одам ривоят қилган, аммо тавотур даражасига етмаган ҳадис «машхур» дейилади.

5. Ҳасан - санади муттасил бўлиб, забти енгилроқ одил киши ўз мислидан охиригача ривоят қилган ҳамда шузуз ва илллати бўлмаган ҳадис ҳасан ҳадисдир.

6. Заиф - ҳасан сифатини унинг шартларидан бирининг йўқолиши туфайли ўзида тўлиқ жамламаган нарсага айтилади.

7. Мутавотир - у кўпчилик томонидан ривоят қилинган хабар бўлиб, одатда мазкур ровийларнинг ёлғонга келишиб олишлари мумкин эмас

8. Оҳод - ўзида мутавотир хабарнинг шартларини жамламаган хабар «оҳод хабар» деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, мутавотир даражасига етмаган хабар оҳод хабардир.

9. Марфуъ - бевосита Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига нисбат берилган сўз, феъл, тақрир ёки сифатдан иборат ҳадис.

10. Мурсал - санаднинг охирида тобеъийдан кейин бирорта ровий тушиб қолган ҳадис мурсалдир.

11. Сиқа ва заифнинг таърифи: «Сиқа» сўзи луғатда «ишончли» деган маънони билдиради. «Заиф» эса «қовий» (кучли)нинг зиддидир. Заифлик ҳиссий ёки маънавий бўлиши мумкин. «Мусталаҳул ҳадис» уламоларининг истилоҳида: «Сиқа» деганда, адолатли ва забтли бўлган ровий эътиборга олинади. «Заиф» деганда эса, бу умумий исм бўлиб, забтида ва адолатида таъна етган кишиларни ўз ичига олади».

12. Содуқ - таъдилнинг тўртинчи мартабасидаги ровий сифати.

13. Санади олий - ривоят қилган ровийларнинг сони бошқа санаддагига қараганда оз бўлади. Ҳадис битта бўлади, лекин икки йўл билан ривоят қилинган бўлиб, бир йўлнинг ровийларининг сони иккинчисиникидан оз бўлса, оз ровийлар билан қилинган ҳадиснинг санади олий бўлади.

14. Мудаллас - санаддаги айби махфий тутилган ва сиртдан кўринишини яхшилашга уринилган ҳадис.



15. Ҳадиси изтиробли - турли йўллар ила баён қилинган ва қуввати тенг бўлган ривоят изтиробли ҳадис бўлади.
16. Ваҳм - ривоят қилишда ўта эътиборсизлик, хаёли қочганлик, унутиб қўйишдир.
17. Шоз - ҳадиси мақбул бўлган одам ўзидан кўра яхшироқ ровийга муҳолиф равишда ривоят қилган ҳадис «шозз ҳадисдир»
18. Маҳфуз - шознинг муқобилидаги ҳадисдир. Бунда сиқалиги ўта кучли одам оддий сиқа одамга хилоф равишда ҳадис ривоят қилади.
19. Матрук - санадида ёлғончиликда айбланган ровийси бор ҳадис матрук ҳадисдир.
20. Таҳмид - намозда «Роббанаа ва лакал ҳамд», калимасини айтиш.
21. Тасмиъ: «Самиъаллооҳу лииман ҳамидаҳ», калимасини айтиш.
22. Басмала - «Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳиим», калимасини айтиш.
23. Тааввуз - «Аъузу биллааҳи минашшайтоонир рожиим», калимасини айтиш.

Шу ўринда жарҳ ва таъдилнинг мартабаларини билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шундай ёзадилар:

### **Жарҳ ва таъдилнинг мартабалари**

Ибн Абу Ҳотим ўзининг «Ал-жарҳ ват-таъдил» деб номланган китобининг муқаддимасида жарҳ ва таъдилнинг ҳар бирининг мартабалари тўрттадан эканини таъкидлаган. Шу билан бирга, ҳар бир мартабанинг ҳукмини ҳам баён қилган. Сўнгра ибн Абу Ҳотимдан кейин келган уламолар унинг тақсим қилган мартабаларидаги жарҳ ва таъдилларнинг ҳар бирига иккитадан қўшганлар. Шундай қилиб, жарҳ ва таъдилнинг мартабалари сони олтитадан бўлган. Келгуси сатрларда ана шу мартабаларни ўз лафзлари билан кўриб чиқамиз.

### **Таъдилнинг мартабалари ва баъзи лафзлари**

1. «Сиқа» – «ишончли» деб баҳолашда муболағага далолат қилувчи ёки «афъала» вазнида келган лафз бўлса, энг юқори мартаба ҳисобланади.

Масалан, таъдил қилувчи олим: «تَبَّتْ لِي فِي عَتَمُنْمَلِي لِي الْفُ», яъни «Собитликнинг интиҳоси (ниҳояси, энг охири, энг юқори даражаси) фалончидир», дейди ёки «سَانِلِي تَبَّتْ الْفُ» - «Фалончи одамларнинг энг собитдир», деб «афъала» вазнини ишлатади.

2. Ишонч сифатларидан бири ва бир нечтаси таъкидланади. Мисол учун, «تَبَّتْ عَقْتُ الْفُ» - «фалончи сиқадир, сиқадир» ёки «تَبَّتْ عَقْتُ الْفُ» - «сиқадир, собитдир» деса, ровийнинг мартабали экани маълум бўлади. Бу даража аввалгидан бир поғона паст ҳисобланади.

3. Ишончга далолат қилувчи биттагина сифат таъкидсиз айтилади. Мисол учун, «عَقْتُ الْفُ» - «фалончи - сиқа (ишончли)» дейилади ёки «عَقْتُ الْفُ» - «ҳужжат» деб айтилади, холос. Бу даража учинчи поғона ҳисобланади.

4. Таъдилга далолат қилувчи, лекин забтнинг тугаллигига ишора бўлмаган сифат билан сифатланган шахслар. Мисол учун, «قَوِّصُ الْفُ» - «фалончи - содиқ (ростгўй)», «قَوِّصُ الْفُ» - «унинг жойи - ростгўйлик» ёки «الْوَبَسُ» - «ҳечқиси йўқ» - «бўлаверади» каби лафзлар билан бўлади. Фақатгина «ла баъса биҳи»ни ибн Маъийндан бошқалар айтса, шундай бўлади. Ибн Маъийннинг китобида «ла баъса биҳи» дейилган бўлса, сиқа назарда тутилган бўлади.

5. Бировни баҳолаш пайтида ишончли эканини тасдиқловчи ёки жароҳатли эканига далолат қилувчи ишора бўлмайди. Мисол учун, «خَيْشُ الْفُ» - «Фалончи шайх», деб қўяди ёки «سَانِلِي عَوْرُ الْفُ» - «Фалончидан одамлар ривоят қилган», дейди. Бу ҳам адолатга далолат қилади. Лекин жуда паст ўринда бўлади.

6. Баҳолаш жароҳатга яқинроқ эканига далолат қилади. Мисол учун, «تَبَّتْ لِي حِلْمُ الْفُ» - «Фалончининг ҳадиси дуруст» ёки «تَبَّتْ لِي حِلْمُ الْفُ» - «Унинг ҳадисини ёзса бўлади», деб қўйилади. Бу «сиқа» деб баҳолашнинг энг паст даражаси бўлади.

### **Ушбу мартабаларнинг ҳукми:**

А. Юқорида зикр қилинган биринчи уч мартабани эгаллаган одамларнинг ҳаммаси, гарчи баъзилари баъзиларидан кучли бўлсалар ҳам, ҳужжат ҳисобланади.

Б. Тўртинчи, бешинчи мартабаларга келадиган бўлсак, бу мартабадаги кишилар ҳужжат деб қабул қилинмайди. Лекин ҳадисларини ёзиб олиб, синаб кўрилади. Яъни, бошқа ҳадисларга солиштириб кўрилади. Агар

бошқа ҳадислар уларни қўллаб-қувватласа, олинади, бўлмаса, тарк қилинади.

Шу билан бирга, тўртинчи даража билан бешинчининг орасида фарқ бўлиб, тўртинчининг устунлиги бор.

В. Олтинчи мартабага эга бўлганлар ҳужжат бўлмайдилар. Ҳадислари эътибор (бошқалар ҳам ривоят қилганми, йўқми, деб, йўлларини излаш) учун ёзилади, синаш учун ёзилмайди. Бу мартабадаги ровийларнинг забти собит бўлмаганлиги учун шундай қилинади.

### **Жарҳнинг мартабалари ва лафзлари:**

1. Юмшоқликка далолат қилувчи лафзлар.

Бу жароҳатлашнинг энг енгили ҳисобланади. Мисол учун, «**نُيْلُ نَالِفٍ**» – «Фалончининг ҳадиси юмшоқ» ёки «**لِاقَمِ هَيْفُ نَالِفٍ**» – «Бу ровий тўғрисида гап бор», деб қўйса, «жароҳатли-ю, аммо жароҳати енгил» деган маънони билдиради.

2. Уни ҳужжат қилиб олмаслик очиқ-ойдин айтилади ва шубҳаси ҳам айтилади.

Мисол учун, «**وَبُجْحُ خِيَالِ نَالِفٍ**» – «Фалончини ҳужжат қилиб бўлмайди», «**فِي غَضِّ نَالِفٍ**» – «Фалончи – заиф», «**رِيكَانَمُ هَلٍ**» – «Унинг мункар ҳадислари бор», деб айтиб қўйилади.

3. Унинг ҳадисини ёзмаслик ва шунга ўхшаган гаплар очиқ-ойдин айтилган бўлади.

Мисол учун, «**هُتَيْ دَحُّ بَتُّ كَيْ آلِ نَالِفٍ**» – «Фалончининг ҳадиси ёзилмайди», «**هُنَعُ هَيْ أَوْرُلِ آلِ نَالِفٍ**» – «Ундан ривоят қилиш ҳалол бўлмайди», «**أَدِحُ فِي غَضِّ**» – «Бу жуда ҳам заиф одам», «**هَرَمِبِ هَاوٍ**» – «Бу жуда ҳам бўш», деб айтилади.

4. Ровий ёлғончиликда айбланади ва шунга ўхшаган сифатлари айтилади.

Мисол учун, ровий «**بِدَكِّ لِابِ مَهْتُمْ نَالِفٍ**» – «Фалончи ёлғончиликда айбланади» ёки «**غَضُّ وَ لِابِ مَهْتُمْ نَالِفٍ**» – «Ёлғон ҳадис тўқишда айбланади» ёки «**تَيْ دَحُّ لِقُرْسِي**» – «Ҳадисни ўғирлайди», «**طِقَاسٍ**» – «Соқит», «**كُورُتَمٍ**» – «Тарк қилинган», «**هَقْتَبِ سَيْلٍ**» – «Сиқа эмас» каби сўзлар билан баҳоланади.

5. Ровий «ёлғончи» ёки шунга ўхшаган лафзлар билан васф қилинади.

Мисол учун, «بَادِكُ نَالُف» - «Фалончи - каззоб» ёки «دَجَالٌ» - «Дажжол» ёки «عَاضَوْ» - «Ваззоъ (ҳадисларни тўқийдиган)» ёки «بِدْكِي» - «Ёлғон гапиради» ёки «عَضَيْ» - «Ҳадисларни тўқийди» каби сифатлар билан эсланади.

6. Ровийнинг ёлғончилиги муболаға билан зикр қилинади.

Мисол учун, «سَانِلَا بَدِكُ نَالُف» - «Фалончи одамларнинг энг ёлғончиси» ёки «بِدْكِي لِي فَتَوْتُنْمَلِ هَيْلِ!» - «Фалончи ёлғончиликнинг чўққисига чиққан» ёки «بِدْكِي لِي نَكْرَهُ» - «Бу киши ёлғончиликнинг суянчиғидир, устунидир», деб, бўрттириб кўрсатилади. Мана шуниси жарҳнинг энг оғири, энг ёмони, энг паст нуқтаси ҳисобланади.

### **Ушбу жароҳат мартабаларининг ҳукми**

А. Биринчи ва иккинчи мартаба аҳлининг ҳадислари ҳужжат бўлмайди. Лекин бошқалардан кўра булар енгилроқ бўлганлиги учун эътибор (бошқалар ҳам бу ҳадисни ривоят қилганми, йўқми деб, йўлларини излаш) жиҳатидан ҳадисини ёзиш мумкин. Шу билан бирга, айтиш керакки, биринчи даража билан иккинчининг орасида фарқ бўлиб, биринчиси енгилроқ, иккинчисининг жароҳати оғирроқ бўлади.

Б. Кейинги тўрт мартабага аҳл бўлган кишиларнинг ҳадисларини ҳужжат қилиб ҳам олиб бўлмайди, ёзиб ҳам олинмайди, эътибор ҳам қилинмайди... Иқтибос тугади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, «Мусталаҳул Ҳадис» Учинчи фасл, 249 саҳифа.

Энди Аллоҳнинг изни билан китобнинг таржимасини сиз азиз китобхоннинг эътиборига ҳавола қиламиз.

### **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг ҳанафий мазҳаби ижтиҳоди ёғдусига кўра кайфияти**

**МАТН**

**1-Матн: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга киришишни хоҳласалар ният қилардилар.**

**2-Матн: Кейин аввало икки қўлларини токи икки қулоқлари юмшоғи баробаригача кўтариб,**

**3-Матн: Кейин такбир айтар эдилар.**

**4-Матн: Қўллари кўтарилган ҳолда бармоқлари орасини очар эдилар. Лекин мутлақ очиқ ҳам ва мутлақ ёпиқ ҳам бўлмай балки уларни ўз ҳолига қўяр эдилар. Кафтларининг ичини қиблага қаратардилар.**

**5-Матн: Сўнг ўнг қўллари билан чап қўллари устига,**

**6-Матн: (иккисини) киндик остига қўярдилар.**

**7-Матн: Бу ўнг кафтларини чап кафтлари устига қўйиш ва чимчалоқ ва бошбармоқ билан кафт бўғинини ҳалқа қилиб ушлаш билан бўлар эди.**

**8-Матн: Сўнгра: “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”, дердилар.**

**9-Матн: Сўнгра “тааввуз” ва “басмала”ни махфий ўқирдилар.**

**10-Матн: Сўнгра у зот алайҳиссалом Китобнинг Фотиҳасини ва унга қўшиб бир сурани ёки хоҳлаган сурадан уч оятни ўқир эдилар.**

**11-Матн: “Фотиҳа”ни ўқигандан сўнг махфий ҳолда “Омин” дердилар.**

**12-Матн: Сўнгра рукуъ қилган ҳолда такбир айтардилар.**

**13-Матн: Икки қўллари билан тиззаларига суянардилар. Бармоқларининг орасини очардилар.**

**14-Матн: Белларини текис тутган ҳолда, бошларини кўтариб ҳам, тушуриб ҳам юбормас эдилар**

**15-Матн: Ва уч марта “Субҳана Роббиял Азийм”, дердилар. Энг ками шунча бўларди.**

**16-Матн:** Сўнгра тик турган ҳолда фақат “Самъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”нинг ўзини айтардилар.

**17-Матн:** Агар қиёмга турсалар такбир айтардилар ва сажда қилардилар. Бунда қўлларини кўтармас эдилар.

**18-Матн:** Аввал икки тиззаларини

**19-Матн:** Кейин икки қўлларини сўнгра пешоналарини ерга икки кафтлари орасига қўярдилар. Билаклари кўриниб турар,

**20-Матн:** Қоринлари сонларидан узоқлашган бўларди.

**21-Матн:** Саждалари камида уч марта: “Субҳана Роббиял Аълаа”, дер эдилар. Сўнгра бошларини биринчи саждадан кўтарар эдилар. Ростланиб ўтирардилар ва: “Роббиғфирлий, варҳамний, важбурний, варфаъний, варзуқний, ваҳдиний”, дердилар.

**22-Матн:** (Ўтиришлари) чап оёқларини тўшаган ҳолда, ўнг оёқларини тик қилган ҳолда бўларди.

**23-Матн:** Қачон хотиржам ҳолда ўтириб, аъзолари таскин топгач такбир айтиб иккинчи бор сажда қилардилар. Қачан (саждадан) фориғ бўлсалар икки оёқларида турардилар, ўтирмас эдилар. Туриш пайтида қўллари билан ерга суянмасдилар, балки тиззаларига суянардилар.

**24-Матн:** Иккинчи ракатда биринчи ракатда қилган сўз ва феълларга ўхшашини амалга оширардилар. Фақат у зот иккинчи ракатда биринчи ракатдаги киришишни қилмас, тааввузни айтмас ва намозларининг дастлабки такбирларидан бошқа бирор жойда икки қўлларини кўтармас эдилар.

**25-Матн:** Агар иккинчи ракатда иккинчи саждадан бошларини кўтарсалар, чап оёқларини тўшаб унинг устига ўтирар эдилар, ўнг оёқларини тик тутган ҳолда унинг бармоқларини қиблага юзлантирардилар.

**26-Матн:** Ташаҳҳуд ҳолатида икки қўлларини икки сонларига қўярдилар ва: “Аттаҳийяту лиллааҳи вас солаваату ват тоййибаат, ассалааму ъалайка айюҳан набийю ва роҳматуллооҳи ва барокаатуҳ. Ассалааму ъалайнаа ва ъалаа ъибаадиллааҳис соолиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду анна

**Муҳаммадан ъабдухуу ва росуулух”, дердилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам аввалга қаъдадаги ташаҳхудда ушбу миқдордан зиёда қилмас эдилар.**

**27-Матн: У зот соллаллоху алайҳи васаллам чимчалоқ ва унинг ёнидаги бармоқларини букиб, ўрта бармоқ билан бошбармоқни ҳалқа қилардилар ва кўрсатгич бармоқни “нафий” да (яъни, “ла илааҳа” калимасида) кўтариб, “исбот” да (яъни, “иллаллоҳ” калимасида) тушуриб ишора қилардилар. Шаҳодат калимасини айтиш пайтида кўрсатгич бармоқни кўтариш нафий учун, тушуриш эса исбот учун бўлар эди.**

**28-Матн: У зот соллаллоху алайҳи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантормас эдилар.**

**29-Матн: Назарлари ҳам ишораларидан ўтиб кетмасди.**

**30-Матн: У зот соллаллоху алайҳи васаллам аввалги қаъдада бунга зиёда қилмас эдилар.**

**31-Матн: Набий соллаллоху алайҳи васаллам намоз ўртасидаги ташаҳхуддан фориғ бўлганларида учинчи ракатга турардилар. Бунда ҳам ерга қўллари билан суюнмас эдилар. Қолган икки ракатда “Фотиҳа”нинг хос ўзини ўқирдилар.**

**32-Матн: Агар у зот соллаллоху алайҳи васаллам намозларининг охирида ўтирсалар худди аввалги ўтиришлари каби ўтирардилар, ташаҳхудни ўқирдилар. Набий соллаллоху алайҳи васалламга саловат айтардилар.**

**33-Матн: Ўзлари учун, ота-оналари учун, мўъмин ва мўъминалар учун истиғфор айтардилар.**

**34-Матн: Сўнгра маъсур дуолар ила дуо қилардилар.**

**35-Матн: Қуръони Карим лафзларига ўхшаш лафзлар билан дуо қилардилар.**

**36-Матн: Одамларнинг каломларига ўхшаш калом билан дуо қилмас эдилар.**

**37-Матн: У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ташаҳҳуддан кейинги дуоларини ўқиб бўлгач ўнг томонларига қараб “Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ” дея салом берар эдилар. Чап томонларига қараб ҳам худди шундай салом берардилар. Матн тугади.**

## **МАТННИНГ ДАЛИЛЛАРИ**

### **1-Матн:**

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга киришишни хоҳласалар ният қилардилар.**

### **1-Матннинг далиллар:**

لُوقِي دِيغَس نَبِّي حَيَّي تَعَمَّسَ لَاقِبَاهُ وَلَا ذَبَعَ أَنْ تَدَّحِ دِيغَس نَبِّي تَقُ أَنْ تَدَّحِ-١  
رَمَعُ تَعَمَّسَ لُوقِي يَثِي لَلِصَّاقِ وَ نَبِّي تَعَمَّسَ عَمَّسَ نَبِّي هَارِبِ نَبِّي دَمَّحُم يَنْ رَبَّحِ أ  
مَّ لَسَ وَ هِي لَعَلَّ لَ صَّ لَلِ لُوقِي تَعَمَّسَ لُوقِي هُنَّ لَلِ لَ يَضَّرُّ بِاطَّحَلِ نَبِّي  
هَلْ وُسَّرَ وَ هَلَّ لَ لَ لَ تَرَجَّ هَ تَنَّا كَ نَمَّ فَي وَ نَ أَمَّ رَمَّ أَلَّ أَمَّ نَبِّي لَ L  
أَهْجَّ وَ زَتِي هَ أَرَمَّ وَأَهْ بِي صِي أَيُّ نَدَّ لَ L  
هَلَّ لَ L

1. Умар розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолда ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим:

«Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар бир одамга ният қилгани бўлади. Кимки дунё учун ҳижрат қилса, унга эришади. Хотин учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Бас, унинг ҳижрати – нима учун ҳижрат қилса, шунинг учун бўлади».

Бу ҳадисни “Сихоҳ” соҳиблари келтиришган. Имом Молик, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан ва Имом Аҳмад ривоятида ҳам келган. “Назм ул умаат”. 2/87.

شَمَّعَ أَلَّ نَعُ، هَدَّئِ أَزَّ أَنْ تَدَّحِ، وَرَمَّعَ نَبِّي هَيَّ وَأَعَمَّ أَنْ تَدَّحِ، يَدَّرَّ أَلَّ رَضَّ نَبِّي دَمَّحُم أَنْ تَدَّحِ-٢  
هَدَّعَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ لَ L  
هَلَّ لَ لَ لَ L

2. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “**Яхшиликка одатланинглар, албатта яхшилик одат биландир. Намозда ниятларингизни муҳофаза қилинг**”, дедилар”. Бу ҳадисни



Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Унинг риждоллари саҳиҳдир.  
“Мажмаъуз завоид” 1/181.

Чунки намоз ибодатдир. Ибодат Аллоҳ учун мутлақ ихлос билан амал қилишдир. Ихлос эса фақат ният билан ҳосил бўлади. Демак, намоз учун ниятнинг шарт бўлиши вожибдир. “Эълоус Сунан” 2/149.

Қўшимча:

Ҳанафийларнинг усулига кўра намоз ибодатидаги ниятнинг фарз экани ушбу ҳадис орқали юзага чиқмайди. Чунки бу ҳадис оҳод бўлиб, у зонни ифода қилади. Зонний хабар эса амалнинг фарзлигига далолат қила олмайди. Намозда ниятнинг фарз экани қуйидаги оят асосида юзага чиқади:

اُوْتُوْا وَيَوْمَ الْعَالِيْنَ اُوْمِي قِيَوْمَ اَفَنْحُ نِيْدِلْ اَهَلَّ نِي صِلْ حُمْ مَّ لَل اُوْدْبَعْي ل اِل اُوْرْمُ اَمَو  
مَّ مَّ قِي ل ا نِي د ك ل دَو ا ا ك ز ل

**5. Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка, намозни тўлиқ ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар. Ана шу тўғри миллатнинг динидир.** (Баййина сураси)

Ниятнинг фарз амал эканига далил ушбу ояти каримадир. Юқоридаги ҳадиси шариф эса буни қўлловчи вазифасини ўтайди.

Ниятнинг фарз эканида ихтилоф йўқ. Аммо ниятни тил билан талаффуз қилиш борасида турли фикрлилик мавжуд.

→ Эътироз:

Ҳофиз ибн Қаййим Жавзийя роҳимаҳуллоҳ айтади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан хоҳ саҳиҳ йўл билан бўлсин ва хоҳ заиф йўл билан бўлсин у зотнинг намозга киришиш олдидан **“ушбу намозни ўқийман”** дейишлари саҳобаларнинг ва тобеъийларнинг бирортасидан ҳам собит бўлмаган. Балки у зот соллalloҳу алайҳи васаллам қачон намозга турсалар такбир айтишлари нақл қилинган. Бу эса (яъни тилда фалон намозни ўқийман дейиш) бидъатдир”.

Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: “Ниятни тил билан талаффуз қилиш ақл ва диндаги нуқсон ҳисобланади. Бунинг диндаги нуқсон экани бидъатлиги

бўлса, ақлдаги нуқсон экани, бу худди овқат емоқчи бўлган кишининг: “Ният қилдим, қўлимни ушбу идишга солишга ва ундан бир луқма олиб оғзимга қўйишга, кейин уни чайнаб тўйиш учун ютишга”, дейишига ўхшайди. Бу аҳмоқликдан бошқа нарса эмас!”

Эътирозга жавоб:

Айнан намозга киришишда ниятни тил билан талаффуз қилиш борасида Набий саллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор ҳадис ривоят қилинмагани тўғри. Лекин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг умра ва ҳаж ибодатларида тил билан талаффуз қилиб, талбия айтганлари ривояти машҳурдир. Мужтаҳид уламоларимиздан, Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофеъий ва Имом Аҳмад розияллоҳу анҳумларнинг бир гуруҳ асҳоблари худди ўша ривоятларни бошқа ибодатлар учун, шу ўринда алоҳида намоздаги ният учун ҳам қиёс қилишиб, ниятни тил билан талаффуз этишнинг яхши амал эканини таъкидлашган. Чунки бунда қалб амалининг рўёбга чиқиши ва васвасанинг олди олиниши мавжуд. Ниятда қалбнинг ёлғиз ўзидан кўра тил ҳам иштирок этиши афзал, дейишган. Умар розияллоҳу анҳунинг ниятни овоз чиқариб қилаётган кишига танбеҳ беришлари ривояти ниятни жаҳрий қилаётган кишига зажр, дея ҳамл қилинади. Аслида тил билан ниятни зикр қилишнинг ҳечқиси йўқдир. Хусусан тобеъий розияллоҳу анҳумларнинг замонларидан кейинги даврларда инсонлар қалби кўп нарсалар билан машғул бўлиб қолди. Шундай вазиятда қалбдаги ниятни тил билан тасдиқлаб олишнинг зарари йўқ, балки бу истехсон, яъни яхши саналган амал ҳисобланади.

**2-Матн:**

**Кейин аввало икки қўлларини токи икки қулоқлари юмшоғи баробаригача кўтариб.**

**2-Матннинг далиллар:**

يَفْلَحُ مَنْ دَنَى حَيْثُ دَنَى دَيْعَ فَرَمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّ النَّبْلِ إِذَا رُؤِيَ نَزَّحُ حَبْلًا وَأَوْعَى ١-  
مُسْمُومٌ دَمَحٌ أَوْرَ (هِيَ نَذَا لَيْحِ مَامِحِ فَصَوِّ رَّبَّكَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ

1. Воил ибн Ҳужрдан ривоят қилинади. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламини намозга киришаётганларида икки қўлларини кўтариб такбир айтаётганларини кўрган экан. (Ровийлардан Ҳаммом икки қўлини қулоғи баробаригача кўтариб сифатлаб берди). Аҳмад ва Муслим ривояти 1/173.

عَنْ مِصْعَبِ بْنِ رِصَنْدٍ، عَدَاتُ قَوْعَ عَدَاوَةَ وَبِأَنَّ تَدَحَّيْ رَدَّ حَجَّ لِمَا كُتِبَ فِي نَتِّدَحِّ-٢  
عَنْ أَبِي دِيَّانٍ عَفَرَ رَبِّكَ إِذْ أَنْكَرَ مَلِكُ سَوْهَلِ لِي لِمَا لَوَّسَرَّ أَنْ تَرِي وَجْهَ لِي أَنْ بَكَّرَ لِمَا  
عَنْ نُدَا عُرْفِ أَمْرٍ بِدَاخِي تَحَّيْ عَفْرِ أَوْ رِي فَوَ عَفْرِ نُدَا أَمْرٍ بِدَاخِي تَحَّيْ

2. Молик ибн Хувайрисдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон (намозга киришишда) такбир айтсалар икки қўлларини икки қулоқлари баробаригача кўтарар эдилар”. Бошқа ривоятда: “Иккисини икки қулоқларининг бўлақларигача кўтарар эдилар” дейилган. Имом Молик ривояти 4/168. (Осорус Сунан 1/163да ҳам келтирилган).

Қйшимча:

→ Эътироз:

Икки бош бармоқни қулоқ юмшоқларига текказишнинг асли суннатда собит бўлмаган амал, яъни бидъатдир. Менимча бу иш васваса келтириб чиқараган ишлардан биридир.

Шайх Албоний раҳимаҳуллоҳ бу маънони “Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти” 35-матн изоҳида ва “Мишкот” даги (1/252) 802 ҳадис остида айтган.

Эътирозга жавоб:

Шайх Албоний нима сабабдан бу амални васваса келтириб чиқарадиган ишлардан бири, демоқда?

Бу ибора остида кимга ишора бор?

Намозда қулоқларининг юмшоғига қўлларини текказётган мусулмонлар асосан ҳанафийлардир. Шунга кўра Шайх Албоний раҳимаҳуллоҳ бу ерда очикчасига ҳанафийларга ишора қилмоқда.

Ҳанафийлар бу борада нима дейди?

Уларнинг мўътабар манбаларида бу амалнинг асли нима эканини билиш учун, келинг масалага илмий жиҳатдан ёндашиб кўрамиз.

Тўғри, айнан икки бош бармоқни қулоқ юмшоғига текказиш ҳадиси шарифларда собит бўлмаган. Ҳанафий уламоларимиз ҳам бу масалада қулоқ юмшоғига икки бош бармоқни текказиш суннат амал, дейишмайди. Аммо ҳадисларда ворид бўлган "وَدَحَّ" (тенглашиш, яқинлаштириш, баробар

қилиш) калимасининг кайфияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилар экан айрим ҳанафий китобларимизда бунинг икки бош бармоқни қулоқ юмшоқларига текказиш билан юзага чиқиши айтилган. Яъни қўллар қулоқ баробарига тенг келганини аниқлаш бош бармоқларни қулоқ юмшоғига тегиши билан маълум бўлади, дейилган. Лекин буни айтганлар ҳам ҳанафийларнинг матнларида бош бармоқларни қулоқ юмшоқларига текказиш маъноси у қадар кенг тарқалмагани алоҳида таъкидлашган.

Аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил Таҳтовий Ҳанафий (1231 ҳижрийда вафот топган) ўзининг “Мароқул фалоҳ”га ёзган ҳошиясида шундай дейди:

- Матн: Ҳатто икки бош бармоғини қулоқлари юмшоғига яқинлаштиради.

- Шарҳ: Бош бармоқларнинг қулоқлар юмшоғига текказиш маъноси у қадар кенг тарқалмаган. Буни фақат Қозийхонда, Зоҳирийяда кўриш мумкин. Бу маъно Кўҳистонийда ҳам мавжуд. "Ниқоя"нинг соҳиби бунинг иллатини зикр қилиб: “Бош бармоқларни қулоқ юмшоғига текказиш аслида қўлларнинг аниқ қулоқ баробарида кўтарилишини юзага чиқариш учундир. Шундай экан “текказиш” калимасидан кўзланган мурод бу ерда унинг ҳақиқий маъноси эмас, балки бу калима билан қўлларнинг қулоқлар баробарига аниқ кўтарилганини ифодалаш кўзда тутилган. Шундай экан уни нафий қилиш шартмас”. (Нурул ийзоҳнинг шарҳи Мароқул фалоҳнинг ҳошияси, 1/186)

Аслида мўътабар ҳанафий манбаларнинг аксари шу ўринда қўлни қулоқ юмшоғи баробарига кўтаришга урғу беришган ва уларда айнан "وَدَّحٌ" (тенглашиш, яқинлаштириш, баробар қилиш) калимаси ишлатилган. Ҳанафий уламоларимизнинг машҳур матнларидан мисоллар келтирсак масала янада равшанлашади:

1. Шайх Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд Муслиий Ҳанафий раҳимаҳуллоҳ ўзининг “Ал Ихтиёр литаълилил Мухтор” асарида (1/53) шундай ёзади: “Ва икки қўлини бош бармоқлари қулоқлари юмшоғи баробарига тенглаш учун кўтаради. Бунга Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Воил ибн Ҳужрга айтган ушбу гаплари далилдир: “Қачон намозга киришсанг, икки қўлингни қулоқларинг баробарида кўтар!”...

2. Муҳаммад Алоуддин ибн Алий Ҳаскафий раҳимаҳуллоҳ (1088 ҳижрийда вафот топган) “Дуррул Мухтор”да (1/482) ёзади: “Ва икки қўлини кўтаради”, яъни такбирдан олдин икки қўлини кўтаради. Бу матн билан

бирга шундай ҳам дейилган: “Икки бош бармоғини қулоқлари юмшоғига теккизган ҳолда”. Ушбу ўриндаги “теккизиш” калимасидан мурод қўлларни қулоқларга яқинлаштиришдир. Зотан яқинлаштиришнинг аниқ бўлиши уларни текказиш билан юзага чиқади”.

3. Шамсул Аимма Сарахсий раҳимаҳуллоҳ (483 ҳижрийда вафот топган) “Мабсут” да ёзади: “Бизнинг наздимизда икки қўлини қулоқлари юмшоғи баробаригача кўтариш ва бармоқлари учини қулоқлари бўлагига баробар қилиш суннатдандир. Бу Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу таоло анҳунинг сўзидир”.

4. Абу Ҳасан Алий ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Риштоний Марғиноний раҳимаҳуллоҳ (593 ҳижрийда вафот топган) “Ҳидоя” да (1/46) ёзади: “Ва икки қўлини ҳатто икки қулоғи юмшоғи баробаригача кўтаради”.

5. Акмалуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бебартий “Ҳидоя”нинг шарҳи “Иноя” да (1/457) ёзади: “Машойхларимизнинг аксари айтган гап шуки, дастлаб икки қўлини кўтаради, қачон (икки қўли) баробар ўринда қарор топса такбир айтади”.

6. Имом Зайлаъий раҳимаҳуллоҳ (743 ҳижрийда вафот топган) “Табйинул ҳақоик шарҳи Канзил дақоик” да (2/35) ёзади: “Унинг кайфияти, икки қўлини қулоқлари юмшоғи баробаригача кўтариш ва бармоқлари учини қулоқлари бўлагига баробар қилишдир”.

7. Шайхизода номи билан маъруф Абдурраҳмон Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ (1078 ҳижрийда вафот топган) “Мажмаъул Анҳар” да (1/272) ёзади: “Ривоят қилинишича, Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам қачон такбир айтсалар икки қўлларини кўтарар ҳатто икки бош бармоқлари қулоқлари юмшоғига яқин келарди. (Айтилишича) бу гапни айтувчи “Виқоя”нинг соҳибидир: “Икки бош бармоғини қулоқлари юмшоғига текказади. Бу гап “Хония” да ҳам мавжуд. “Ниқоя”нинг соҳиби бунинг иллатини шундай келтирган: “Бу икки қўлини қулоқлари баробарига келганини аниқ билиш учун қилинган амал бўлиб, у ҳеч нарса эмасдир. Буни тадаббур қил!” Яъни қўлларни қулоқ юмшоғига текказиш суннат амал эмас, балки суннатни юзага чиқариш учун қилинадиган амалдир, бундан бошқа нарсамас, дейилмоқда.

Демак ушбу матнлардан маълум бўладики, ҳанафий уламоларимиздан ҳеч бирлари бош бармоқларни қулоқлар юмшоғига текказишни суннат амал, дейишмаган. Балки улардан аксарлари бош бармоқларни қулоқлар юмшоғи баробарида кўтаришни айтишган. Текказишни айтганлар ҳам

қўлларнинг қулоқлар баробарида бўлганини аниқлаш учун теккизилади, дейишган. Шайх Албоний мана шу мулоҳазани “васаваса келтириб чиқарадиган амал” дея номлаётган бўлиши мумкин. Лекин аслида қўлларнинг қулоқлар баробарида кўтарилганини билиш учун бармоқларни қулоқ юмшоғига текказиш айнан васвасани кетказишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ҳанафий уламоларимизнинг аксарлари: “Теккизиш” калимасинидан мурод баробар қилишдир, бу ердаги “текказиш” калимаси асл маъносида эмас, балки яқинлаштириш маъносидадир”, дейишганини ҳам юқоридаги матнларда кўрдик. Шундай экан ҳанафий уламоларимизнинг ижтиҳодларини васвасага тенгламаслик лозим. Шу билан бирга бу амални ҳанафий уламоларимиздан бирорталари суннат амал, дея даъво қилишмайди. Намозхон инсон қўлларини кўтаришда икки бош бармоғини қулоқлари юмшоғига текказар экан, уни суннат амал деб эмас, балки суннатни юзага чиқариш учун восита сифатида қабул қилса ҳеч қандай зарари йўқ эканини Аллома Шайхи Зода алоҳида таъкидламоқда.

Зотан жуда кўп амаллар борки улар Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бўлмаган. Кейинроқ ўша амаллар вожиб ёки фарзларга эришиш учун восита сифатида юзага чиққан. Сарф, наҳв, луғат, мантиқ, балоғат, усул каби илмлар Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни тўғри англаш учун восита сифатида қабул қилинган ва асрлар давомида бу илмларни зарурий илмлар қаторида ўрганиб келинган. Бу илмларни ҳеч ким васваса ёки ёмон кўрилган бидъат илмлар, деб номламаган. Шундай экан қўлларни қулоқлар баробарига тенглашиши суннатини юзага чиқариш учун бош бармоқларни қулоқлар юмшоғига текказишнинг, модомики уни суннад дея ҳеч ким айтмаётган экан, ҳеч қандай зарари йўқ. Валлоҳу Аълам!

Мулоҳаза:

Шу ўринда яна бир муҳим англашилмовчиликни ҳам алоҳида таъкидлаб қўйиш лозим. Кўпчилик намозхонларимиз қўл кўтаришларида асосий эътиборни бош бармоқларини қулоқлари юмшоғига текказишга қаратиб, кафтларнинг ичини қиблага юзлантириш амалини эса зое қилаётганларини кўрамиз. Юқорида кўриб ўтганимиздек, бош бармоқларни қулоқ юмшоғига текказиш аслида қўлларни қулоқ баробарига кўтарилганини юзага чиқариш учун қўлланилган амал холос. Лекин кафтларни қиблага юзлантириш, бармоқларни тик ҳолда тутиш суннат амал ҳисобланади. Суннатга эришиш учун қилинадиган амалга урғу бериб, асл суннатни тарк

қилиш тўғри бўлмайди. Бунга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

### 3-Матн:

**Кейин такбир айтар эдилар.**

### 3-Матннинг далиллар:

دَّمَخُمُ نَعْلِي قَعْنُونَ عَنِ النَّبِيِّ سَوْسُ نَعْلِي كَوَّوْا نَتَدَحَّ عِبَّيْ شِ بَابُ نَبْنَامُ ثُعَانَتْ دَح-١  
هِيَ لَعْلَلِ لِي ص- لَلِ لُؤْسَرَلِ لَقَلِ لَق هِنَع لَلِ لِي ضِرِّي لَعْنَعِي فَنَحْلَلِ لِنَبِ  
«مِي لَسْتِ لَاهُ لِي لِحَتَوْ رِي بَكَّتِ لَاهُمِ يَحَتَوْ رُوهُ طَلِ لَهَالِ صِلِ لِحَاتِ فَم-» -ملسو

1. Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Намознинг калити таҳоратдир. Унинг таҳримаси такбирдир. Таҳлили эса саломдир”**, дедилар”. Термизий ривояти. Ҳоким ва Ибн Сакан бу ҳадисни саҳиҳ дейишган.

نَبْنَدَّمَخُمُ نَبْنَسَحْلَلِ لَانَرَبْحَأ-٢  
نَعْبُغَشِ أَنْتَدَحَّ رَمْعُ نَبْ صُفَحِ أَنْتَدَحَّ يَضِاقُ لِبِ وُقْعَيْ نَبْ فُسُؤِي أَنْتَدَحَّ قِاحِ سِ  
رِي بَكَّتِ لَهَالِ صِلِ لِحَاتِ فَم- : لَلِ لَقِ لَاهُ لِي دَبَعْنَعِ صَوَّحِ لِي بَابُ نَعْنَعِ قِاحِ سِ لِي بَابُ  
مِي لَسْتِ لَاهُ وَاضَقْنِ أَوْ

2. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Намознинг калити такбирдир. Уни адо қилувчиси саломдир”. Буни Абу Нуъайм “Намоз китоби”да ривоят қилган. Ҳофиз “Талҳис”да ҳадиснинг санадини саҳиҳ деган. (Осорус Сунан 1/63).

### 4-Матн:

**Қўллари кўтарилган ҳолда бармоқлари орасини очар эдилар. Лекин мутлақ очик ҳам ва мутлақ ёпиқ ҳам бўлмай балки уларни ўз ҳолига қўяр эдилар. Кафтларининг ичини қиблага қаратардилар.**

### 4-Матннинг далиллар:

أَنْتَدَحَّ بِ وُقْعَيْ نَبْنَدَّمَخُمُ : سَابَعُ لَلِ وَبَابُ أَنْتَدَحَّ ظِفَاحِ لَلِ لَاهُ لِي دَبَعُ وَبَابُ أَنْرَبْحَأ-١  
بِبْئِذِي بَابُ أَنْتَدَحَّ يَدَقُ لَلِ لِرْمَاعِ وَبَابُ أَنْتَدَحَّ رِصْمِ بِي رِصَبِ لَلِ لِقِ وُزْرَمُ نَبْنَمِي هَارِبِ  
ثَالِثَ : لَلِ لَقِ فِقْيَرُزِي نَبْنَبِ دِجْسَمَ رِي رُهُ وَبَابُ أَنْيَلَعِ لَحَدَّ : لَلِ لَقِ نَاعْمَسَ نَبْنَبِ دِي عَسْ نَع  
مَاقِ إِذِنْ أَكْ ، سَانِ لَلِ لَانْهَكَرَتَّ نَبْنَبِ لَمْعَيْ -ملسو هِيَ لَعْلَلِ لِي ص- لَلِ لُؤْسَرَلِ لَقَلِ لَق  
أَهْمُضِي مَلَوْ هُوَ بَأَصَأ نَبْنَبِ جَرَفِي مَلَوْ هُوَ دِي بَرْمَاعِ وَبَابُ رَاشِ أَوْ ، أَدَكَهَ لَلِ لَقِ لَهَالِ صِلِ لِي لَلِ

1. Саид ибн Самъон айтади: “Бани Зурайқ масжидида бизнинг олдимизга Абу Ҳурайра кириб келиб шундай деди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амал қилиб юрадиган учта нарса бор эди, одамлар уни тарк қилишмоқда: “Қачон у зот намозга турсалар шундай дердилар”. Абу Омир қўли билан кўрсатди. Бармоқлари орасини очиб ҳам юбормади, ёпиб ҳам олмади. Ҳоким “Мустадрок”да ривоят қилиб, шундай деган: “Санади саҳиҳдир. Буни икки шайх келтиришмаган. Имом Заҳабий ҳам шуни тақрир қилган. (Ал-Мустадрок ала саҳиҳайн 1/234). Саид ибн Самъон Мадина аҳлидан бўлган тобеъийлардандир.

دبعو يمرضح ل ا رفع ج وب ا ن ث ي ن ز م ل ل ه ل ل ا د ب ع ن ب د م ح ا د م ح م و ب ا ه ا ن ر ب خ ا م- ٢  
ن ب ن ع ن ا م ي ل ل ا ن ب ي ح ي ا ن ث ج ش ا ل ا د ي ع س ن ب ه ل ل ا د ب ع ا ن ث ا ل ا ق ا م ا ن غ ن ب ه ل ل ا  
م ل س و ه و ي ل ع ل ل ا ل ل ا ل ص ي ب ن ل ل ا ن ا ك ة ر ي ر ه ي ب ا ن ع ن ا ع م س ن ب د ي ع س ن ع ب ئ ذ ي ب ا  
" ا ر ش ن ة ا ل ص ل ا ي ف ه ع ب ا ص ا ر ش ن ي "

2. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда бармоқларини ўз ҳолида ёярдилар”. Ҳоким “Мустадрок”да ривоят қилган 1/235.

## 5-6-Матн:

**Сўнг ўнг қўллари билан чап қўллари устига, (иккисини) киндик остига қўядилар.**

## 5-6-Матннинг далиллар:

ا ن ث د ح ، ي ي ح ي ن ب ة ل م ح ي د ج ا ن ث د ح ، ي ي ح ي ن ب ة ل م ح ن ب ر ه ا ط ن ب د م ح ا ن ث د ح - ١  
ت ع م س : ل ا ق ا ح ا ب ر ي ب ا ن ب ا ط ع ت ع م س : ل ا ق ا ح ا ر ا ح ل ن ب و ر م ع ي ن ر ب خ ا ب ة و ن ب ا  
ر ش ع م ا ن ا ل و ق ي ، م ل س و ه و ي ل ع ل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ل ا ي ب ن ت ع م س : ل و ق ي ي س ا ب ع ن ب ا  
ا ن ل ئ ا م ش ي ل ع ا ن ا م ي ا ل ع ض و و ، ا ن ر و ح س ر ي ح ا ت و ، ا ن ر ط ف ل ي ج ع ت ب ا ن ر م ا ا ي ب ن ا ل ا  
ة ا ل ص ل ا ي ف

1. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **“Биз анбиёлар жамоаси ифторни тезлатишга, саҳарликни кечиктиришга ва намозда ўнг қўлларимизни чап қўлларимиз устига қўйишга буюрилганмиз”**. (Табароний “Кабир”да ривоят қилган). Рижоллари “Саҳиҳ”нинг рижолларидир. (Мажмаъуз завоид 1/83).

و ا ز ل ج م ا ب ا ت ع م س : ل ا ق ا ن ا س ح ن ب ج ا ح ل ا ا ن ر ب خ ا ل ا ق ن و ر ا ه ن ب د ي ز ي ا ن ر ب خ ا - ٢  
ه ل ا م ش ف ك ر ه ا ط ي ل ع ه ن ي م ي ف ك ن ط ا ب ع ض ي ل ا ق ع ض ي ف ي ك : ت ل ق ه ت ل ا س  
ة ر س ل ا ن ع ل ف س ا م ه ل ع ج ي و



2. Бизга Язид ибн Ҳорун айтиб берди, бизга Ҳажжож ибн Ҳассон айтиб берди: “Абу Мужалласдан эшитдим ёки: “(Икки қўлни) қандай қўяди”, деб сўрадим. У: “Ўнг кафтининг ичини чап кафтининг устига қўяди ва иккисини киндик остига қўяди”, деди. Ибн Абу Шайба ривоят қилган 1/390, 391. Буни Байҳақий ҳомишида “Китобул Жавҳар ан Нақий” да ҳам зикр қилган 2/21.

ثَلَاثَةٌ مِنْ مَيِّمَةِ غَضِي: لَأَقِ ، مَيِّمَةَ أَرْبِئِ نَعْنِ ، رَشَعَمَ يَبْأُ نَعْنِ ، عِي بَرَّ نَعْنِ ، عِي كَوَانَتْ دَح-٣  
رَسُولَاتُ حَتَّ الْعَالِّ ص ل ل ي فِ ه ل م ش

3. Бизга Вакиъ Робеъдан ривоят қилиб айтиб берди. У Абу Машъардан, у Иброҳимдан (бу киши Иброҳим Наҳайй номи билан машҳур бўлган тобеъийдир) ривоят қилади: “У намозда ўнг қўлини чап қўли устига, (иккисини) киндик остига қўярди”. Ибн Абу Шайба ривояти. Ҳадиснинг санади ҳасандир. Осорус Сунанда ҳам келтирилган 1/71.

نَعْنِ عَقَاقِ س ل ن ب ن م ح ر ل ل د ب ع ن ع ث ا ي غ ن ب ص ف ح ا ن ت د ح ب و ح م ن ب د م ح م ا ن ت د ح-٤  
ف ك ل ل ا غ و و ن س ل ل ا ق - ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر - ا ل ع ن ا ة ف ي ح ج ي ب ا ن ع د ي ز ن ب د ا ي ز  
رَسُولَاتُ حَتَّ الْعَالِّ ص ل ل ي فِ ه ل م ش

4. Бизга Муҳаммад ибн Маҳбуб айтиб берди, бизга Ҳафс ибн Зиёд айтиб берди, у Абдурраҳмон ибн Исҳоқдан ривоят қилган, у Зайёд ибн Зайддан ривоят қилган, у Абу Жухайфадан ривоят қилади: “Алий розияллоҳу анҳу айтади: “Намозда кафтни кафтнинг устига қўйиб (иккисини) киндик остига қўйиш суннатдандир”. Абу Довуд ривояти 1/201.

Маълумки, саҳобийнинг: “Шунга буюрилганмиз” ёки “Шундан қайтарилганмиз” ва ёки саййидимиз Алий розияллоҳу анҳу айтганларидек: “Шу суннатдандир”, каби сўзларнинг барчаси жумҳурнинг саҳиҳ сўзига кўра марфуъ ҳисобланади.

نَعْنِ عِي ف و ك ل ل ا ق ا ح س ل ن ب ن م ح ر ل ل د ب ع ن ع د ا ي ز ن ب د ح ا و ل ا د ب ع ا ن ت د ح د د س م ا ن ت د ح-٥  
ي ف ف ك ل ل ا ل ا ي ل ع ف ك ا ل ا د ح ا ة ر ي ر ه و ب ا ل ل ا ق ل ا ق ل ا ق ل ا و ي ب ا ن ع م ك ح ل ل ي ب ا ر ا ي س  
ن ب ن م ح ر ل ل ا د ب ع ف غ ض ي ل ب ن ح ن ب د م ح ا ت ع م س د و ا د و ب ا ل ل ا ق رَسُولَاتُ حَتَّ الْعَالِّ ص ل ل ا  
ي ف و ك ل ل ا ق ا ح س ل

5. Бизга Мусаддад айтиб берди, бизга Абдулвоҳид ибн Зайёд айтиб берди, у Абдурраҳмон ибн Исҳоқ Куфийдан ривоят қилади, у Сайёр Абул Ҳакамдан ривоят қилади, у Абу Воилдан ривоят қилади: “Абу Ҳурайра шундай деди: “Намозда кафтларни кафтларнинг устида ушлаш, киндик остида (бўлади)”. Абу Довуд ривояти 1/201. Абу Довуд айтади: “Аҳмад ибн Ҳанбалдан эшитдим. У Абдурраҳмон ибн Куфийни заиф деган”.

Ҳақиқатда эса бу ва бундан олдинги ҳадиснинг ровийларидан бири Абдуррахмон ибн Исҳоқга бирор киши ёлғонни нисбат бермаган. Унинг ҳоли Ибн Абу Лайло, Ибн Луҳайъа ва бошқаларнинг ҳоли кабидир. “Таҳзиб ат-Таҳзиб”га қаранг 2/137.

Баззор: “Унинг ҳадиси Ҳофизнинг ҳадиси эмасдир”, деган.

Ажмий: “У Заифдир. Ҳадиси эса жоиздир. Унинг ҳадиси ёзилади”, деган. Демак, шундай экан, ҳадис ҳасандир.

لَا أَقْبَلُ مِنْ هَيْبِ مَنْ عَرَفَ حُجْرَةَ بَلِّ لِيْ أَوْ نَبَا مَقْلَعِ مَنْ عَرَفَ رِيْمَةَ نَبَا سَوْمِ مَنْ عَرَفَ كَوَانَتْ دَح-ح-٤  
تَحْتِ الْعَالِ الصَّلَاةِ وَالْمَشَى عَلَى عُنُقِ نَيْمِ غَضَّوْا لِسُورِهِ لَعَلَّ يَصِلُ إِلَى بَلِّ نَلَا تِيَّ أَرْ  
رَسَلَا

6. Бизга Вакиъ айтиб берди, у Мусо ибн Умайрдан, у Алқама ибн Воил ибн Хужрдан, у отасидан ривоят қилган. У айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни намозда ўнг қўлларини чап қўллари устига қўйганларини, (иккисини) киндик остига қўйганларини кўрдим”. Буни Ибн Абу Шайба чиқарган. Ҳадиснинг рижоллари сиқалардир. (Ибн Абу Шайба, “Мусаннаф” 1/390).

Термизийни шарҳ қилувчи Шайх Абу Тийб айтади: “Бу ҳадис санад жиҳатидан ҳам матн жиҳатидан ҳам саҳиҳдир. Бу билан ҳужжат қоим бўла олади”. Шайх Обид Сундий “Тавомул Анвар”да айтади: “Бу ҳадиснинг рижоллари сиқалардир”.

Шайх Зафар Аҳмад Усманий ўзининг “Эълоус Сунан” китобида шундай дейди: “Ҳадиснинг рижоллари Муслимнинг рижолларидир. Фақат Мусо ибн Умайр Насайининг рижолларидан бўлиб у сиқадир. Алқама ибн Воил ибн Хужр ал-Куфий Муслимнинг рижолларидан бўлиб, у сиқа содуқдир”. 2/171.

Танбеҳ:

→ Эътироз:

Абу Тоҳир ривоят қилган ҳадис ҳақида:

بَلِّ لِيْ مَصَاعِنَ نَيْمِ نَايْفِ سَانِ لِمَوْمَانِ سَوْمِ وَبِأَنْ رَكِبَ وَبِأَنْ رَهَاطَ وَبِأَنْ رَخَّ  
لَعَلَّ يَصِلُ إِلَى لُؤْسِ رَعَمِ تِيْلَصِ " : عَنْ هَلَلِ يَضْرِبُ حُجْرَةَ بَلِّ لِيْ أَوْ عَوَّ هَيْبِ مَنْ  
هَرَدَصَ عَلَى رِسْنِيْ لَعَلَّ يَصِلُ إِلَى نَيْمِ الْهَدِي عَضُوفَ مَلَسَ وَهَيْلَعِ

“Бизга Абу Тоҳир айтиб берди, бизга Абу Бакр айтиб берди, бизга Абу Мусо айтиб берди, бизга Муаммал айтиб берди, бизга Суфён айтиб берди. У Осим ибн Кулайбдан, у отасидан, у эса Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим. У зот ўнг қўлларини чап қўллари устига (иккисини эса) кўксиларига қўйдилар”. Ибн Хузайма ривояти. “Саҳиҳ Ибн Хузайма”. 1/242. Аъзамий таҳқиқ қилган.

Эътирозга жавоб:

Шайх Носириддин Албоний Ибн Хузайманинг “Саҳиҳ”ига ёзган таълиқида ушбу ҳадиснинг остида шундай дейди: “Ҳадиснинг санади заифдир. Чунки Муаммал ибн Исмоилнинг ҳифзи ёмон эди. Лекин бошқа йўлдан келган шу ҳадиснинг маъносида саҳиҳ ҳадис бор. Қўлни кўкракка қўйишга бир неча ҳадислар шоҳид бўлади”.

Мен Шайх Носирнинг бу ҳадисга нима учун саҳиҳ ҳукмини берганини била олмадим. У киши айтган ушбу заиф ҳадисни қувватлайдиган бошқа йўл билан келган ривоятларни ҳам топа олмадим. Шайх бизга шу ҳадисни қувватлайдиган бирор дона ҳадис ёки туруқ бўлса ҳам келтириб берса яхши яхши бўларди.

Менимча, Ибн Абу Шайбанинг бунга хилоф ривоятни зикр қилганини била туриб бундай ҳадис ёки туруқни келтира олмаса керак.

لَا أَقْبَلُ هَذَا عَنْ أَبِي حَنْظَلَةَ بْنِ أَبِي أَسَدٍ عَنْ أَبِي مُعَاوِيَةَ بْنِ عَمْرِو بْنِ عَدُوٍّ وَعَنْ أَبِي كَبْشَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي سَعْدٍ عَنْ أَبِي بَكْرٍ  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ بْنِ أَبِي عُرَيْبَةَ عَنْ أَبِي سَعْدٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ بْنِ أَبِي عُرَيْبَةَ عَنْ أَبِي بَكْرٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

Ибн Абу Шайба роҳимаҳуллоҳ айтади: “Бизга Вакиъ айтиб берди, у Мусо ибн Умайрдан, у Алқама ибн Воил ибн Хужрдан, у отасидан ривоят қилган. У айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни намозда ўнг қўлларини чап қўллари устига қўйганларини, (иккисини) киндик остига қўйганларини кўрдим”.

Ушбу санад жайиддир. Вакиъ аъломларнинг биридир. Мусони Абу Ҳотим сиқа, деган. Насайи ундан (ҳадис) чиқарган. Алқамадан Бухорий “Рофъул ядайн”нинг бир жузъида ҳадис чиқарган. Муслим ҳам ўз саҳиҳида ва тўрт муҳаддис ҳам ундан ҳадис чиқаришган. Ибн Ҳиббон уни сиқа, деган. Ибн Хузайма ўз “Саҳиҳ”ида зикр қилган ҳар бир ҳадисни саҳиҳ деб ҳукм қилинавермайди. Фақат унинг шартига кўра саҳиҳ деб, билинади. Аммо агар ҳадисда бирор мушкул бўлса, албатта уни баён қилади. Шунда ҳам у

Ўз олдидаги мавжуд нусханинг шаънига ва унинг муражаатига кўра саҳиҳ бўлади. Агар саҳиҳлиги рўёбга чиқмаса ушбу лозим тутиш саҳиҳ бўлмайди ва уни асос қилиб (ҳукм) ҳам чиқариб бўлмайди.

Ибн Қаййим Жавзийя роҳимаҳуллоҳ ўзининг “Эълумул муваққиъийн” номли китобининг 2-жуз 400-саҳифаси 62-мисолда “кўксига қўйиш”ни Муаммал ибн Исмоилдан бошқа ҳеч ким айтмаганини келтирган.

Шунга кўра ҳадисдаги “қўлни кўкракка қўйиш” қўшимчасини ёлғиз Муаммалнинг ўзи айтгани собит бўлади. Муаммал ибн Исмоил тўғрисида ихтилоф бор. Муҳаддислардан уни сиқа, дейганлари ҳам бор. Лекин алоҳида танқид қилганлар ҳам мавжуд.

Абу Ҳотим роҳматуллоҳи алайҳ: “У содуқ, суннатга маҳкам, лекин хатоси кўпдир”. деган.

Ҳадисда мўминларнинг амири бўлган Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ уни: “Мункарул ҳадисдир”, деган.

Баъзи муҳаддислар шундай дейишган: “Унинг ёзганлари беркитиб қўйилганда, ҳадисни ёддан айтди ва хатоси кўпайиб кетди”.

Ёқуб ибн Суфён роҳимаҳуллоҳ айтади: “Муаммал Абу Абдуррахмон, улуғ сунний шайхдир. Сулаймон ибн Ҳарбнинг уни мақтаётганини эшитдим. Бизнинг шайхларимиз уни яхши сифатлашар эди. Фақат унинг ҳадиси асҳоблари ҳадисига ўхшамас эди. Баъзан аҳли илмларга унинг ҳадисини ривоят қилишдан тўхташлари вожиб бўлади. Чунки у сиқа шайхларидан мункар тарзда ривоят қилади. Бунинг хавфи каттароқдир. Агар ушбу мункарларни заифлардан ривоят қилганида эди, уни узрини қабул қилсак бўларди”.

Сожий айтади: “Содуқдир, лекин хатоси кўп, зикр қилинса гап узайиб кетадиган даражада унинг ваҳмлари кўпдир”.

Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий айтади: “Агар бир ҳадиснинг ривоятида Муаммал ёлғиз бўлса, у ҳадисда тўхтаб, унинг собитлигини текшириш вожибдир. Чунки унинг ҳифзи ёмон, кўп ғалат қилар эди”. Шунингдек, бу борада “Таҳзибут Таҳзиб” да ҳам мухтасар ҳолда маълумотлар келган.

Демак, натижада, агар сиқалар орасида Муаммал бўлиб, унинг ўзи ёлғиз бирор қўшимчани айтган бўлса, унинг қўшимчаси қабул қилинмайди. Шундай экан, “кўксига қўйди” деган қўшимчасининг эътибори йўқдир...

→ Эътироз:

Қобийса ибн Хулбнинг ҳадиси ҳақида:

هَبَّأَنْعَبُ لِمَنْ بَصِيْبُ قَوْعُ كَامَسَ يَنْتَدَحَ نَأْيُفُسُ نَعْدِي عَسُ نَبَّيْ حَيَّ أَنْتَدَحَ  
هُتَيْ أَرْوَرَأَسَيَّ نَعَوَّ وَهَنْيَمَيَّ نَعُفَرْصَنْ يَمَلَسَ وَهَلَّعُ لَلَّيْ لَصَّيْبُ لَلَّيْ أَرْلَاقَ  
لَصْفَمُ لَقَوْفَ يَرْسُ لَلَّيْ لَعَّيْ نَمُيَّ لَيَّ حَيَّ فَصَوَّ وَرَدَّصَ لَعَّيْ وَهَهُ عَضَّيَّ لَاقَ

Бизга Яхё ибн Саид айтиб берди. У Суфёндан ривоят қилган. Менга Симок айтиб берди. У Қобийса ибн Хулбдан, у отасидан ривоят қилади. У шундай деди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўнг ва чапларига бурилаётганларини кўрдим ва у зотни мана буни кўксиларига қўйганларини кўрдим”. Яхё ўнг қўлини чап қўл бўғини устига текис қилиб қўйди”. Имом Аҳмад “Хулбут Тоий” ҳадисида ривоят қилган. “Муснад” 5/226. Шунингдек “Авнул Маъбуд”да ҳам келган 1/276.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадис борасидаги Яхёнинг тафсири ҳадиснинг лафзига мутобиқ келмайди. Нимавий “Ал-ҳасанут таълиқ алаа Осорус Сунан”ида шундай дейди: “Дарҳақиқат буни котиб нотўғри ёзгани менинг кўнглимга келяпти. Тўғриси: “Буни бунинг устига қўйдилар” бўлиши керак. Шунда ривоятдаги: “Яхё ўнг қўлини чап қўли бўғин устига текис қилиб қўйди”, деган жумла юқоридаги жумлага муносиб бўлиб ҳамда бошқа ривоятлар ҳам бунга мувофиқ келади. Яна буни Имом Аҳмад “Муснад”ида (5/226) Суфённинг йўлидан ривоят қилган биринчи ҳадиси қувватлайди: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозда ўнглари чапларининг устига қўйганлари ҳолда кўрдим”.

Яна ундан худди шундай иккинчи ривоятни ҳам қилган.

هُتَيْ أَرْوَرَأَسَيَّ نَعَوَّ وَهَنْيَمَيَّ نَعُفَرْصَنْ يَمَلَسَ وَهَلَّعُ لَلَّيْ لَصَّيْبُ لَلَّيْ أَرْلَاقَ  
لَصْفَمُ لَقَوْفَ يَرْسُ لَلَّيْ لَعَّيْ نَمُيَّ لَيَّ حَيَّ فَصَوَّ وَرَدَّصَ لَعَّيْ وَهَهُ عَضَّيَّ لَاقَ

Дороқутний ва Байҳақий Абдурраҳмон ибн Маҳдий ҳамда Вакиънинг йўлидан ривоят қилишади: “Бизга Суфён айтиб берди, у Симок ибн Ҳарбдан, у Қобийса ибн Хулбдан, у эса отасидан ривоят қилади. Отаси розияллоҳу анҳу айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни намозда ўнглари чаплари устига қўйган ҳолда кўрдим”.

Бу ҳадисда “кўксига қўйди” деган жумла йўқ.

هَلْ لَأُلُوسِرَرْنَاكَ لَأَقْدَهُ بَأْنَعْبُ لُهُ نَبَّ عَصِيْبَقُ نَعْرِكَ أَمْسُ نَعْرَصَوْحْ أَلَا وَبَأْنَا نَث  
وَنِيْمَيِبُهُ لَأَمَشْ دُخْ أَيْ فَأْنُمُؤَيِّ مَلَسْ وَهَيْ لَعُ هَلْ لَأَى لَصْ

Термизий, Ибн Можа ва Аҳмадлар Абул Аҳвас йўлидан ривоят қилишади. У Симок ибн Ҳарбдан, у Қобийса ибн Ҳулбдан, у эса отасидан ривоят қилади: “У зот бизга имом бўлдилар, чапларини ўнглари билан ушладилар”. “Ат-Таълиқул Ҳасан” 1/68.

Бунда ҳам “кўксига қўйди” деган жумла йўқ. Ушбу вазият юқоридаги Яҳёнинг ҳадисини котиб нотўғри ёзганлиги эҳтимолини кучайтиради. Ҳадиснинг лафзи: “Буни унинг устига қўядилар”, бўлиши керак. Араб тилидан озгина завқи бор киши учун бу махфий эмасдир.

→ Эътироз:

Абу Довуднинг “Сунан”ида, “Намоз китоби”да ривоят қилган ҳадиси ҳақида 1/201:

نَبَّ نَأْمَيِلُسُ نَعْرَوْتُ نَع - دِيْمُحْ نَبَا نَعْي - مَثَيَّ هَلْ لَأْنَا نَثَّ دَحْ عَبَّوْتُ وَبَأْنَا نَثَّ دَحْ  
نِيْمُؤَيِّ لَأْ هَدِيْ غَضَيِّ - مَلَسْ وَهَيْ لَعُ هَلْ لَأَى لَصْ - هَلْ لَأُلُوسِرَرْنَاكَ لَأَقْدَهُ سِوَأَطُ نَعْرَسُؤْمُ  
هَلْ لَأَى لَصْ وَهَوْرَدَصْ لَعْ أَمُهَنْ يَبُّ دُشَيِّ مَثْ رَسُؤَيِّ لَأْ هَدِيْ لَعْ

Бизга Абу Тавба айтиб берди, бизга Хайсам яъни Ибн Ҳумайд айтиб берди, у Саврдан, у Сулаймон ибн Мусодан, у Товусдан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларини чапига қўярдилар. Сўнгра у зот намоздаги ҳолларида иккисини кўксиларига боғлардилар”. Абу Довуд бу хусуда сукут қилган. Ҳадиснинг Сулаймон ва Ҳайсамдан бошқа рижоллари “Саҳиҳ”нинг рижолларидир. Сулаймон Муслимнинг рижолларидан, Ҳайсам эса содуқ бўлиб, фақат уни қадарий дейдиганлар ҳам бўлган. “Тақриб” 228-саҳифа.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадис мурсалдир. Аслида мурсал ҳанафийлар наздида ҳужжат бўла олади. Лекин омма муҳаддислар ва Имом Шофеъий роҳматуллоҳи алайҳимлар наздида эса мурсал (айрим шартларсиз) ҳужжат бўла олмайди. Шундай экан бу ҳадис билан уларнинг далиллари тугал бўлмайди. Яна бу уларнинг мазҳабига мувофиқ келмайди. Чунки уларнинг наздида қўллар киндик устига қўйилиши керак.

Сўнгра ушбу мурсал ҳадис юқорида зикри ўтган Воилнинг ҳадиси билан қўшилиб қувват ҳосил қилади.

Ҳанафийлар наздида мурсал ҳужжат бўлар экан, нима сабабдан улар бу ҳадисни амал учун олишмаган, деган савол туғулиши мумкин. Бунга қуйидагича жавоб берамиз:

Биз ҳанафийларнинг наздимизда, сайидимиз Алий розияллоҳу анҳунинг ривоят қилган ҳадиси ушбу мурсал ҳадисдан кўра қувватлироқдир. Чунки унда икки қўлни киндик остига қўйиш суннатдан дея очиқ айтилган. Икки қўлни кўксига қўйиш ҳақидаги ҳадислар феълий ҳадислар қабилидан бўлиб, улар билан қўллари кўксига қўйиш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимий амал қилган суннатлари сифатида собит бўла олмайди. Бу ҳадислар умумий ҳолатни эмас, балки турли ҳолатлардан бирининг ҳикоясидир. Шунингдек “кона” лафзи ва унинг далолат қилувчилари ҳам доимийликни тақозо қила олмайди. Лекин “суннатдандир” лафзининг далолати эса ундай эмас. Демак, киндик остига қўйиш ҳадисини амал учун олиш авлороқдир. Ундан бошқа ҳадислар жоизликнинг баёнига ҳамл қилинади”. Эълоус Сунан 2/170.

→ Эътироз:

Байҳақий “Сунав”ида (2/31) “Кавсар” сурасининг тафсирида ривоят қилган ҳадис ҳақида:

أَنَّ رَجُلًا يُرَاخُ بِلِئَابِ بَوُوقِ عَيْ نُبْنَسَخَ الْإِنْرَبْخَ إِقْحَسِ إِبْأِي رَكَزْ وَبَأَ الْإِنْرَبْخَ  
يَنْتَدِحَ لِقَابِ بِيْسُمْلِ الْبُخُورَانَ تَدَحِبَ الْبُخُورَ الْبُخُورَ الْبُخُورَ الْبُخُورَ الْبُخُورَ الْبُخُورَ  
لِوَقِ فِي أَمْرٍ عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ  
عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ  
عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ إِضْرَسَ إِبْأِي عَزَّوَجَلَّ

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан Аллоҳ азда ва жалланинг: **“Бас Роббинг учун намоз ўқи ва наҳр қил”**, сўзи борасида ривоят қилинади. У айтади: “Ўнгни чапнинг устига наҳрнинг олдига қўйишдир”. (Наҳр бўйиннинг кўкрак томондан бошланиш жойидир).

Эътирозга жавоб:

Ҳадиснинг санадида Ровҳ ибн Мусайяб бўлиб, у матрукдир. Ибн Адий: “Унинг ҳадислари маҳфуз эмасдир”, деган. У ҳақида Ибн Ҳиббон: “Мавзу ҳадисларни сиқалардан, дея ривоят қилади. Ундан ривоят қилиш ҳалол эмас”, деган.

## 7-Матн:

**Бу ўнг кафтларини чап кафтлари устига қўйиш ва чимчалоқ ва бошбармоқ билан кафт бўғинини ҳалқа қилиб ушлаш билан бўлар эди.**

## 7-Матннинг далиллар:

بِبَيْتِكَ نَبِيٍّ مِمَّنْ عَدُوِّيَ أَرَانَتْ دِي لَوْلَا وَبِأَنْ تَدْحِي لَعُنُّنَا نَسَخَ لَنَا أَنْ تَدْحِي  
عَسْرًا أَوْ رَسُوِّيَ لَوْلَا فَكَرَهُ طَيِّبٌ لَعْنَةُ دِي غَضَّ وَوُثِّقَتْ هِيَ فَالْقُوهَانُ مَوْهَدَانُ سَابِ  
دَعَا سَلَاوْ

1. Бизга Ҳасан ибн Алий, бизга Абул Валид айтиб берди, бизга Зоид ҳадис айти берди. У Осим ибн Кулайбдан унинг санади ва маъноси билан ривоят қилиб, унда шундай деди: “Сўнгра ўнг қўлларини чап кафтлари билан бўғини устига қўйдилар”. Сунан Абу Довуд, 1/193, “Икки қўлни кўтариш” боби. Бу ҳадисни Ибн Хузайма ўзининг саҳиҳида, “Ўнг кафтнинг ичини чап кафт билаги ва бўғинининг ҳаммасини устига қўйиш” бобида қуйидаги лафз билан ривоят қилган: “Сўнгра ўнг қўлларини – яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам – чап кафтлари билаги ва бўғини устига қўйдилар”. 1/243, 88-боб, 480-ҳадис.

Буни Табароний ҳам қуйидаги лафз билан ривоят қилган: “Намозда ўнг қўлларини чап қўлларига, кафт бўғинига яқин жойга қўйдилар”. Ат-Талхисул Ҳабир, 1/224, 332-ҳадис.

Айний айтади: “Қўлни қўйиш сифатидаги иккинчи ваҳҳ, у ўнг кафтнинг ичини чап кафтнинг бўғини устига қўйишдир. Шунда бўғин кафтнинг ўртасида бўлади”.

Исбижобий айтади: “Абу Юсуфнинг наздида ўнг қўли билан чап қўли кафти бўғинини ушлайди”.

Муҳаммад айтади: “Уни худди шундай қўяди ва чап кафтнинг бўғини ўнг кафтнинг ўртасида бўлади”.

“Муфид”да шундай дейилади: “Кафтнинг бўғинини чимчалоқ ва бошбармоқ билан ушлайди. Ихтиёр қилингани шу”.

“Дироя”да шундай дейилади: “Чап тирсагини ўнг кафти билан ушлайди. Буни Имом Шофеъий ва Аҳмадлар айтишган”.



Абу Юсуф ва Муҳаммад роҳматуллоҳи алайҳимлар бир ривоятда шундай дейишган: “Бармоқлари ичини кафт бўғини устига уни ушламай узун ҳолда қўяди. Машойихлармиздан кўплари бу иккисини жамлаб, ўнг кафтининг ичини чап кафтининг устига қўйишни ва кафтнинг бўғинига чимчалоқ ва бошбармоқ билан ҳалқа қилишни яхши санашган”... Умдатул Қорий 2/15.

## 8-Матн:

**Сўнгра: “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”, дердилар.**

## 8-Матннинг далиллар:

يَحْيَىٰ عَدِيّ عَفَرَ رَبِّكَ إِذَا نَكَهْتَ وَمَلَاسَ وَيَلْعَلْ لَوْلَىٰ صَبِيحِ النَّبِيِّ نَعْسَانِ ع-١  
هَلْ أَلَوْ كَدَّجَ لِي الْعَتَا وَكُمُ سَاكِرَاتِ وَكَدَمَحَبَّ وَمُهَلَّلًا كِنَاخُ بُسْ لَوْ قِي هَيْ نَذَا يذَاحِي  
كَرِّيْغَ

1. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон такбир айтсалар икки қўллари қулоқлари баробаригача кўтарар эдилар ва: **“Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”,** дердилар”. Табароний “Авсот”да ривоят қилган. Ҳадиснинг рижоллари сиқалардир. (Мажмауз Завоид 1/184).

إِذَا نَمَلَعِي مَلَسَ وَيَلْعَلْ لَوْلَىٰ صَبِيحِ النَّبِيِّ لَوْ سَرَ نَكَهْتَ لَوْ سَرَ نَكَهْتَ لَوْ سَرَ نَكَهْتَ لَوْ سَرَ نَكَهْتَ  
لَعَتَا وَكُمُ سَاكِرَاتِ وَكَدَمَحَبَّ وَمُهَلَّلًا كِنَاخُ بُسْ لَوْ قِي هَيْ نَذَا يذَاحِي  
نَكَهْتَ لَوْ قِي هَيْ نَذَا يذَاحِي نَكَهْتَ لَوْ قِي هَيْ نَذَا يذَاحِي

2. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозни бошласак: “

**Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”,** дейишимизни таълим берар эдилар. Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу ҳам бизга таълим бериб: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шуни айтар эдилар”, дерди”. Табароний “Авсот”да ривоят қилган. (Мажмауз Завоид 1/184).

## 9-Матн:

**Сўнгра “тааввуз” ва “басмала”ни махфий ўқирдилар.**

## 9-Матнинг далиллар:

فَلَحَّوْ - مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَّ - يَبْنِي لَهَا فَلَاحُ تَيْلَصَّ : لَأَقُ : لِكُلِّ أَمْرٍ نَبَسَ أَنْ نَع-١  
مِيحَّ رَلَا نَمَّحَّ رَلَا هَلَلَا مَسَبَّ نَوْرَهَجِّي أَلْ أُونَاكَفَ نَأْمُتُغَّ وَرَمُغَّ وَرَكَّبَ يَبَّأ

1. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳумларнинг ортида намоз ўқидим. Улар: “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни жаҳрий қилишмас эди”. Насайй саҳиҳ шартига кўра санад билан ривоят қилган. (Мунтақо 2/89).

نُبُّ رِيَهُزْ اَنْثَ : لَأَقُ دَأِي زُنْبَنَمَّحَّ رَلَا دُبَّعَ اَنْثَ : لَأَقُ بِيغَشُّ نُبُّ نَأْمِي لُسَ اَنْتَدَح-٢  
نُبُّ لَعَنَ ، مَرَكُعُ نَعْنِي رِيَشَبَّ يَبَّأ نُبُّ لِكَلَمَلَا دُبَّعُو ، أَمَصَاعُ تُعَمَسَ : لَأَقُ ، تَوَّيْ وَأَعْمُ  
لَعَفَ كَلَدُ " : لَأَقُ مِيحَّ رَلَا نَمَّحَّ رَلَا هَلَلَا مَسَبَّ رَهَجَلَا يَف : أَمُهُنَّعُ هَلَلَا يَضَرَّ سَأَبَّعَ  
بَأَعْلَا

2. Икрийма Ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни жаҳрий қилиш борасида: “Мана шу аъробийнинг феълидир”, деганини ривоят қилган. Таҳовий ривояти. Бунинг санади ҳасандир. (Осорус Сунаан 1/74).

رَمَتْ عُمْ اَنْتَدَحَ ، رِيَسَلَا يَبَّأ نَبُّ دَمَّحُمُ اَنْتَدَحَ ، يِي زَعَلَا بِيَهُو نَبُّ لَلَا دُبَّعَ اَنْتَدَح-٣  
هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَّ هَلَلَا لَوَسَّرْنَا ، سِنَأُ نَعْنَسَحَلَا نَعْنَسَحَلَا ، هِيَ بَأُ نَعْنَسَحَلَا لُسَ نَبُّ  
أَمُهُنَّعُ هَلَلَا يَضَرَّ رَمُغَّ وَرَكَّبَ وَبَأُو ، مِيحَّ رَلَا نَمَّحَّ رَلَا هَلَلَا مَسَبَّ رَسِي نَأَكَمَلَسَو

3. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни махфий қилар эдилар. Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар ҳам”. Табароний “Авсот”да ривоят қилган. Ҳадиснинг рижоллари сиқалардирдир. (Мажмауз Завоид 1/185).

رَكَّبَ يَبَّأُو ، مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَّ يَبْنِي لَهَا فَلَاحُ تَيْلَصَّ : لَأَقُ لِكُلِّ أَمْرٍ نَبَسَ أَنْ نَع-٤  
مَسَبَّ نَوْرَكُدَيَّ أَلْ . نِي مَلَعَلَّ أَلَّ بَرَّ هَلَلَا دَمَّحَلَّابَ نَوْتُحَّتْ سَفَيَّ أُونَاكَفَ . نَأْمُتُغَّ وَرَمُغَّ وَ  
أَوْرَخَ آيَفَ أَلَّوْءَءَ أَرْقَلَّوْأَيَفَ مِيحَّ رَلَا نَمَّحَّ رَلَا هَلَلَا

5. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳумларнинг ортларида намоз ўқидим. Улар: “**Алҳамду лиллааҳи робил ааламийн**” билан бошлашар, қироатнинг аввалида ҳам охирида ҳам “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни зикр қилишмас эди”. Муслим ривояти 1/172.

رَمْعُ وَرَكَبَ أَبُو مَلَسٍ وَهِيَ لَعْلُ لِيَصَّيْبُ النَّبَّالِ أَنْ كَلَامَ نُبَسَّانَ عَدَاتِ ع-ع-  
نِي مَلَّغَلَّ بَرَّهَلَّ دَمَّ لَبَّ بَالِصَلَّ وَوُجَّ تَتَّفِي أُونَاكُ أَمُّهَنْ عَهْلَلَّ لِيَضَرَّ

6. Қатода Анас розияллоху анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розияллоху анҳумолар намозни “Алҳамду лиллааҳи робил ааламийн” билан бошлашар эди”. Буни муҳаддисларнинг имоми Бухорий ривоят қилган. (Азон китоби 1/103).

أَنْتَدَّحَ . يَنْتَمُّ لِنَبِّالٍ لِقِ رَدُّنْغُ نَعَامُهُ الْكَرَّاشَ بِنُبَّالٍ وَيَنْتَمُّ لِنُبِّالٍ دَمَّ حُمَّ أَنْتَدَّحَ-  
عَمُّ تَيْيَلَصَ : لِقِ سَنَنْ أَعْتَدَّحِي عَدَاتِ قُتْعَمَسَ : لِقِ قُبْعُشَ أَنْتَدَّحَ رَفْعُجُ نُبِّالٍ دَمَّ حُمَّ  
مُهْنَمَّ أَحَّ أَعْمَسَ أَمَلٍ ، نَأْمُتْغُو ، رَمْعُ وَرَكَبَ يَبَّأُو ، مَلَسُو هِي لَعْلُ لِيَصَّ هَلَّ لُؤْسَرَّ  
يَمَّ حَرَّ لَلَّ نَمَّ حَرَّ لَلَّ هَلَّ لُؤْسَرَّ مَسَبُ أَرْقِي

7. Қатода Анас розияллоху анҳудан деб айтиб берди: “Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоху анҳумлар билан бирга намоз ўқидим. Уларнинг ҳеч биридан “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни қироат қилаётганини эшитмадим”. Имом Муслим ривояти 1/172.

Ушбу ҳадислар намозда басмалани жаҳрий айтмаслик суннат эканига далолат қилади. Бу зоҳирдир.

يَرِي رَجَالِ سَائِي نَبِّ دِي عَسَ أَنْتَدَّحَ مِي هَارِبَ نَبِّ لِي عَمَسَ أَنْتَدَّحَ عِي نَمَّ نَبِّ دَمَّ أَحَّ أَنْتَدَّحَ  
: لُؤْقُ أَنْ أَوْ يَبَّأِي نَعَمَسَ : لِقِ لَفْغَمَ نَبِّ هَلَّ لَلَّ دَبَّعَ نَبَّالٍ نَعَامُهُ سَائِي نَبِّ سَائِي نَبِّ  
أَحَّ أَرَّ مَلَّ : لِقِ تَدَّحَلَّ أَوْ كَأَيِّ تَدَّحُمَّ ، يَنْبُ يَأُ : لِقِ قَفَّ ، مِي حَرَّ لَلَّ نَمَّ حَرَّ لَلَّ هَلَّ لُؤْسَرَّ  
ي فُ تَدَّحَلَّ هَلَّ لَلَّ لِيَضَّغَبَّ أَنْ كَلَسُو هِي لَعْلُ لِيَصَّ هَلَّ لُؤْسَرَّ بَأَخَّصَّ أَنْ م  
، رَكَبَ يَبَّأِي عَمَو مَلَسُو هِي لَعْلُ لِيَصَّ يَبَّ نَلَّ عَمُّ تَيْيَلَصَ دَقَّو : لِقِ ، هَنْ مَمَّ أَلَّ سَائِي  
تَيْيَلَصَ تَنْ أَنْ إِذْ ، أَلَّ قَتَّ أَلَّ هَلَّ لُؤْقِي مُهْنَمَّ أَحَّ أَعْمَسَ أَمَلٍ نَأْمُتْغَعَمَو ، رَمْعُ عَمَو  
{ نِي مَلَّغَلَّ بَرَّهَلَّ دَمَّ لَبَّ بَالِصَلَّ } : لِقِ قَفَّ

Бизга Аҳмад ибн Муниъ айтиб берди, бизга Исмоил ибн Иброҳим айтиб берди, бизга Саид Журайрий айтиб берди. У Қайс ибн Абоядан, у Ибн Абдуллох ибн Муғаффалдан ривоят қилган: “Менинг намозда “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм” деяётганимни отам эшитиб: “Эй ўғилчам, бу бидъат, бидъатдан сақлан! Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан кимни кўрган бўлсам, у Ислолдаги ундан деб саналган бидъатни жуда ёмон кўрар эди. Батаҳқиқ Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан ҳам, Абу Бакр ва Умар билан ҳам, Усмон билан ҳам бирга намоз ўқидим. Уларнинг ҳеч биридан шуни айтаётганини эшитмадим. Сен ҳам уни айтма! Сен қачон намоз ўқисанг: **“Алҳамду лиллааҳи робил ааламийн”**ни айтгин”, деди”. Термизий ривояти 1/33.

Термизий айтади: “Абдуллоҳ ибн Муғаффалнинг ҳадиси ҳасан ҳадисдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан илм аҳлларининг наздида амал шунга кўрадир. Улар орасида Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий ва бошқалар бор. Улардан кейин келган тобеъийлар ҳам шулар жумласидандир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқлар ҳам шуни айтишган. Улар “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни жаҳрий айтишни тўғри деб билишмаган. Уни ичида айтади, дейишган”.

Бу борадаги ровийларни сиқалигини тасдиқлаш:

1. Аҳмад ибн Муниъ: Сиқа Ҳофиз, муҳаддислар жамоаси рижолларидан. “Тақриб” 7-саҳифа.
2. Саид Журайрий: Сиқа, муҳаддислар жамоаси рижолларидан. “Тақриб” 69-саҳифа.
3. Қайс ибн Абоя: Учинчи табақадаги сиқа. Абу Довуднинг рижолларидан. “Тақриб” 173-саҳифа.
4. Ибн Абдуллоҳ ибн Муғаффал: Унинг исми Язид, тўрт муҳаддиснинг рижолларидан. Ҳофиз “Таҳзиб” да шундай деган: “Унинг исмини Язид дейилди. Мен: “Бунинг шундайлиги Ҳорисийнинг “Абу Ҳанифанинг “Муснад”и китобида собит бўлди”, дедим. 12/302.

Ушбу ҳадислар “Басмала”ни махфий айтиш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир жамоага мерос қолганидан далолат беради. Улар буни ўзларидан кейинга издошларига мерос қолдиришган. Мана шу ҳолат “Басмала”ни жаҳрий қилишни эмас, балки махфий қилиш суннат эканини билдиришга кифоя қилади. Чунки жаҳрий намоз доимо тонгги ва кечки намозларда бўлган. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Басмала”ни доим жаҳрий қилганларида, бу каби ихтилоф ва иштибоҳ воқеъ бўлмас, балки уни барча биларди.

Ибн Қаййим Жавзийя айтади: “У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам “**Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм**”ни гоҳо жаҳрий қилардилар, уни жаҳрий қилишдан эса махфий қилишлари кўпроқ бўларди. Шубҳасиз у зот басмалани доимо сафарда ҳам муқимда ҳам эртаю кеч, беш маҳал жаҳрий қилмаганлар. Бу ишдан Рошид халифалар, жумҳур саҳобалар, фазилатли асрдаги шаҳар аҳолиси беҳабар қолиши амри маҳолдир. Бунинг учун бир неча мужмал лафзларни ва кучсиз ҳадисларни собит эканини текширишга эҳтиёж бор. Ушбу ҳадисларнинг саҳиҳлиги очиқ-ойдин эмасдир, очиқ-ойдинлари эса саҳиҳ эмасдир. Бу мавзуда катта жилдлик китоб ёзиш

талаб қилинади”. 1/52.

Огоҳлантириш:

“Басмала”ни махфий ўқиш борасидаги ҳадислар борлигини ва бу ҳадислар уни махфий ўқиш суннат эканига далолат қилишини мусулмонлар яхши билишади. Шу билан бирга ушбу ҳадислар “Басмала”нинг “Фотиҳа” ва бошқа суралардан бир оят эмаслигига ҳам далолат қилади. Чунки агар “Басмала” сураларнинг бошидаги оят бўлса, унинг ўзини махфий қилишнинг маъноси йўқ. Зотан қуръоний сураларнинг барча жузлари жаҳрий ва махфий қилиш ҳукмида баробардир.

Энди “Басмала”ни жаҳрий қилиш борасида келган ҳадисларни зикр қилиб, уларга Аллоҳнинг изни билан жавоб бериб ўтаман.

Ушбу ҳадислардан бири “Мажмаъуз завоид”да келган

هلل م س ب ب ر ه ج ي - م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ص - ي ب ن ل ن ا ك ل ا ق س ا ب ع ن ب ن ع م ي ح ر ل ا ن م ح ر ل ا

(1/185) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни жаҳрий қилар эдилар”. Ушбу ҳадиси шарифни Баззор ўзининг “Муснад”ида Муътамир ибн Сулаймондан ривоят қилган.

“Бизга Исмоил айтиб берди. У Абу Холиддан, у эса Ибн Аббосдан ривоят қилган”.

Исмоил ҳадисда кучли эмасдир. Абу Довуд ўзининг “Сунан”ида ва Термизий ҳам ўзининг “Жомеъ”сида бу ҳадисни ушбу санад билан, Дороқутний ҳам ўзининг “Сунан”ида келтирган. Уларнинг барчаси ҳадисда: “Намозларини “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм” билан очар эдилар”, дейишган.

Термизий: “Бунинг санади ана шу билан эмасдир”, деган.

Абу Довуд эса: “Ҳадис заифдир”, деган.

Уқайлий бу ҳадисни ўзининг китобида ривоят қилиб, шу Исмоилни иллатини келтирган ва: “Унинг ҳадиси махфуз эмасдир”, деган.

Абу Холид мажхулдир. “Басмала”ни жаҳрий қилиш борасида саҳиҳ муснад ҳадис йўқ. Бу “Умдатул Қорий”да ҳам келган. 2/25.

عَهِطَ ابْنُ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни қироат қилсалар мушриклар у зотнинг устиларидан кулишарди ва: “Муҳаммад Ямоманинг илоҳини зикр қиляпти”, дейишарди. Мусайлимани “Ар-Раҳмон” деб аташарди. Ушбу оят нозил бўлгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни жаҳрий қилмасликка буюрилдилар”. Табароний “Кабир” ва “Авсот”да ривоят қилган. Унинг рижоллари сиқалардир. (Мажмаъуз завоид, “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм” боби, 1/185).

Ҳадис “Басмала”нинг дастлаб жаҳрий қилинганига ва бу “Исро” сурасининг 110-ояти билан насх бўлганига далолат қилади.

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ўзининг “Муснад”ида қуйидаги ҳадисни келтиради:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ ، مَنْ حَرَّمُوا عَلَيْكُمْ لَيْسَ مِنْكُمْ .

“Бизга Яҳё ибн Одам хабар беради, бизга Шарик хабар беради, у Солим Афтоздан, у эса Саид ибн Жубайрдан ривоят қилади. У айтади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм”ни жаҳрий қилиб овозларини чўзардилар. Мушриклар хуштак ва қарсак чалиб масхара қилишарди ва: “Ямомани илоҳини зикр қиляпти”, дейишарди. Улар Мусайлимани назарда тутишарди. Уни “Раҳмон” деб номлашарди. Шунда Аллоҳ таоло: **“Намозингни жаҳрий қилма[1]...”**ни нозил қилди”. Бу ҳадис мурсал бўлиб, рижоллари эса “Саҳиҳ”нинг рижолларидир.

Аmmo Имом Бухорийнинг “Бани Исроил” сурасининг тафсирида Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган: “Бу оят дуо тўғрисида нозил

бўлган”, деганлари бизнинг айтганларимизни рад қилмайди. Чунки бир оятнинг бир неча сабаблар билан нозил бўлиши мумкиндир. Буни Қуръон тафсирига моҳир бўлган ҳар бир аҳли илм яхши билади. Уни жаҳрий қилиш Қуръон билан бўлганидек, махфий қилиш ҳам Қуръони карим билан бўлади. Шундай экан, иккисининг ҳукми бир бўлиб, улар бир-бирини инкор қилмайди.

Зайлаъий “Танқиҳ”нинг соҳибидан ривоят қилиб, шофеъийлар далил қилишган ҳадислар зикридан кейин қуйидагини келтиради: “Ушбу ҳадисларнинг барчасини нақл илмини биладиган киши бу борада келган саҳиҳ ҳадисларга қарши қўйиши яхши эмас... Бизнинг машойхларимиз ҳикоя қилишади: “Дороқутний Мисрга келганида, Миср аҳилларидан баъзилар у кишидан жаҳрий қилиш борасида бир нарса ёзишни сўрашди. Шунда у киши бу борада бир жуз тасниф қилди. Унинг олдида айрим моликийлар келиб, булардан саҳиҳлари борасида хабар беришини сўрашди. У: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан жаҳрий қилиш борасида қилинган ҳар қайси ривоят саҳиҳ эмасдир”, деди”.

Шундан кейин: “Уларнинг жаҳрий қилиш борасидаги ҳадислари икки ишдан бирига ҳамл қилинади:

1. Таълим бериш учун жаҳрий қилганлар;
2. Ушбу маълумотлар жаҳрий қилишни тарк этиш ҳақидаги далиллардан олдин бўлган”, деди”. Хулосаси шу, Валлоҳу Аълам.

ناكف ري بزلال نب هللا دبع فلخ تي ل ص " : لاق ، ي ن ز م ل ا هللا دبع نب رك ب ن ع  
ربك ل ا ل ا ه ب اوره جي ن ا م كءارم ا ع ن م ي ام : ل ا ق و م ي ح ر ل ا ن م ح ر ل ا هللا م س ب ب ره جي "

Зайлаъийда (1/188) Бакр ибн Абдуллоҳ Музанийдан ривоят қилинади. У шундай деди: “Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ортида намоз ўқидим. У “**Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм**”ни жаҳрий қиларди ва: “Амирларингизни уни жаҳрий қилишдан ман этишлари фақат кибр юзасидандир”, дерди”. Хатиб ривояти.

Ибн Абдулҳодий: “Унинг санади саҳиҳдир. Лекин буни таълимга ҳамл қилинади. Унинг қироати суннатдир. Хулофои рошидинлар уни махфий қилишарди. Одамларнинг кўпи унинг қироатини бидъат деб ўйлаб қолишди. Шунда уларга уни ўқишлик суннат эканини таълим бериш учун саҳобалардан айримлари жаҳрий қилиб ўқишди. Лекин улар буни доим

қилишмаган”.

عَنْ كُرَيْبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الرَّكْعَةِ إِذَا صَلَّى فِيهَا أَلَّا يَكُونَ فِيهَا رُكُوعٌ أَوْ لَا قَالَ لَا يَكُونُ فِيهَا رُكُوعٌ إِلَّا أَنْ يَسْجُدَ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам иккинчи ракатдан турсалар **“Алҳамду лиллааҳи роббил ааламийн”** билан бошлардилар, жим турмасдилар”. Муслим ва Таҳовий ривояти (Умдатул Қорий 2/25).

Хулоса:

“Басмала”нинг Фотиҳадан эмаслиги собит бўлди. У Қуръони каримдан алоҳида бир оятдир. Ҳар бир ракатнинг бошида уни айтишлик эҳтиёт юзасидан вожибдир. Чунки баъзи осорларда “Басмала”нинг Фотиҳадан экани ворид бўлган. Агар бирор ракатда Фотиҳадан олдин “Басмала”ни айтиш эсидан чиқса, унга саҳв саждаси вожиб бўлади. Хилофдан чиқишнинг энг эҳтиёт йўли шудир. Фотиҳа билан зам сура орасида “Басмала”ни айтишни макруҳлиги йўқ, балки бу жаҳрий ёки махфий намозларнинг барчасида яхши ишдир. Ким Фотиҳа билан зам сура орасида “Басмала”ни айтса турли ҳадисларнинг орасини жамлаган бўлади. Барча ҳадисларга амал қилиш имконияти бўлганида уни амалга ошириш, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг баъзи ҳадисларини тарк қилишдан кўра афзалдир”.

## 10-Матн:

**Сўнгра у зот алайҳиссалом Китобнинг Фотиҳасини ва унга қўшиб бир сурани ёки хоҳлаган сурадан уч оятни ўқир эдилар.**

## 10-Матнинг далиллари:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الرَّكْعَةِ إِذَا صَلَّى فِيهَا أَلَّا يَكُونَ فِيهَا رُكُوعٌ أَوْ لَا قَالَ لَا يَكُونُ فِيهَا رُكُوعٌ إِلَّا أَنْ يَسْجُدَ

1. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Қироатсиз намоз йўқ”**. Муслим ривояти 1/170.

Бу ҳадис намоз қироатсиз дуруст бўлмаслигига далолат қилади. Чунки намозда мутлақ қироат қилишлик фарз экани Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти билан собит бўлган: **“Бас, ундан муяссар бўлганини қироат қилинглар”**.



Ҳадис эса қироатсиз намоз дуруст бўлмаслигига ҳамл қилинади.

أَرْقَى مَلَّةَ الصَّوِّ لِمَسْوَهِ لَعَلَّ يَصُوبُ لِنَعْنَعِ، رِيَّهَ بِأَنْ ع-۲  
مَامَتُ رِيَّغَ، آثَالَتُ جَادِحَ يَهْفَنُ أَرْقَى لِمُأَبِ أَهِي

2. Яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким намоз ўқиб унда **“Уммул Қуръон”ни ўқимаса, у (намоз) хидож**”, деб уч марта айтдилар ва: **“Тугал эмас”**, дедилар”. Муслим ривояти 1/169.

Ушбу ҳадиси шариф Фотиҳа сурасисиз намоз нуқсонли бўлишига далолат қилади. Хидожнинг маъноси нуқсонли демақдир. Хидож намознинг асли ботил бўлишига далолат қилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Тугал эмас”**, дея изоҳламоқдалар. Бу эса намознинг мукаммалигига нуқсон етишини билдиради. “Тугал эмас”, дейиш “Дуруст эмас”, деган маънони билдирмайди. Шундай экан, Фотиҳа сураси намознинг рукнларидан эмас, уни тарк қилиш билан намоз ботил бўлмайди. Балки бу сурани намозда ўқиш вожибдир. Уни саҳван тарк қилиш билан саҳв саждаси вожиб бўлади. Аммо қасддан тарк қилса намозга нуқсон етиб, уни қайтадан ўқиш керак. Қайтариб ўқимаса гуноҳкор бўлади. Лекин фарз адо қилинган ҳисобланади.

مَسْوَهِ لَعَلَّ يَصُوبُ لِنَعْنَعِ، رِيَّهَ بِأَنْ ع-۳  
بَاتُ كَلَّةَ حَاتِفَ أَهِي فَرَقِيَّ أَلَّةَ صُئُجَتِ أَل

3. Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Китоб”нинг Фотиҳаси ўқилмаган намоз қониқарли бўлмайди**”, дедилар. Ибн Хузайма ўзининг “Саҳиҳ”ида ривоят қилган. 1/248.

→ Этироз:

Фотиҳа сурасини қироат қилиш намознинг рукнларидан биридир, дейдиганлар ушбу ҳадисни далил қилишади. Улар: “Ҳадиснинг зоҳири Фотиҳасиз намоз дуруст ва қониқарли бўлмаслигини билдиради. Нарсанинг туришида бир нарса муҳим бўлса, у унинг фарзи бўлади”, дейишади.

Эътирозга жавоб:

Бунга қуйидагича жавоб берамиз:

Фотиҳанинг қироати намознинг рукнларидан эканига ушбу ҳадисни далил қилиш ўринли эмас. Чунки биз “қониқарли” деб таржима қилган калима араб тилида “ал-ижзоъ” бўлиб, бунинг луғатдаги маъноси кифоя қилмоқ ва беҳожат бўлмоқдир. Икки маънонинг ҳам баланд ва паст даражалари бор. Модомики Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кифоя қилмасликнинг мутлақлиги ёки олий даражаси борасида очиқ матн ворид бўлмас экан, бошқа эҳтимолни кўтариши мумкин бўлган далил билан унинг рукн экани собит бўлмайди. Чунки қоидага кўра: “Агар эҳтимол топилса истидлол ботил бўлади”. Яъни агар матннинг маъносида бошқа эҳтимол мавжуд бўлса ундан олинган далил қатъийликни ифода қилмайди.

Биз ҳам Фотиҳа сураси ўқилмаган намозни қониқарли намоз эмас, деймиз, яъни бу намоз қабул учун етарли бўлмайди. Киши бир ишга буюрилган бўлса, ўшани бажариш унинг мажбурияти ҳисобланади. Аммо бу намоз қайси даражага етарли бўлмайди? Бу хусусда ҳадиси шарифда ҳеч нарса айтилмаган. Бизнинг ушбу гапимизни Имом Аҳмад роҳматуллоҳи алайҳнинг қуйидаги лафз билан қилган ривояти қувватлайди: **“Уммул Қуръон ўқилмаган намоз қабул қилинмайди”**.

Маълумки, қабул қилинмайди, дейиш билан нуқсонли намоз қабул қилинмаслиги эмас, балки мукамал ҳолда қабул қилинмаслик тушунилади. Яна бизнинг сўзимизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Хидождир, тугал эмас”**, деган сўзлари ҳам қувватлайди. Хидожнинг маъноси нуқсонли демакдир. Нуқсон эса нарсанинг асли эмас, балки сифатидир. Шунга кўра фосидлик нарсанинг аслига тегишли бўлади. Ҳадиси шариф Фотиҳани тарк қилиш билан намоз нуқсонли бўлишига, Фотиҳасиз у тугал бўлмаслигига далолат қилади. Ким Фотиҳасиз намоз бузилиб, ботил бўлади, деган даъвони қилса, унга буни баён қилиб бериши вожиб бўлади. Намоз қониқарли бўлмаслиги борасидаги ҳадис ҳеч қандай қийинчиликсиз нуқсонга ҳамл қилинади. Хусусан бунга Имом Аҳмад роҳматуллоҳ алайҳнинг: **“Уммул Қуръон ўқилмаган намоз қабул қилинмайди”**, лафзи билан келтирган ҳадиси қўшилса масала яна ҳам ойдинлашади. Шулардан маълум бўладики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қониқарли бўлмайди”**, дейишлари комил суратда қабул қилинмасликни билдиради.

نُبُذِيْعَسِيَنَتَّحَلَلْاَقْدِيْبُعْوَ عِيَحِيْ اَنَتَّحَلَلْاَقْرَاشَبُنُبُذْمُحْمَاَنَتَّح-  
لَحَدَمَلَسَوِيْلَعْلَلْاَلَصْلَلْاَلْوَسْرَنْأَرْيَرْهِيْبَأْنَعِيْبَأْنَعِيْغَسِيْبَأ  
لْاَقْوَدَرْفَمَلَسَوِيْلَعْلَلْاَلَصْرِيْبَنْلْاَلْعَمَلَسَفِيْلَصْفَلْجَرْلَحَدَفِيْجَسَمَلْا

يَبْنَ لَإِيْلَعَمَلَسَفَءَاجُمُثَّيْلَصَامَكَيِّلَصُيَعَجَرَفَلَصُتَمَلَكِنِإِفَلَصَفْءَعْرَا  
يِدَّلْأَوَلْأَقَفْءَأَلثَلَصُتَمَلَكِنِإِفَلَصَفْءَعْرَاإِلْأَقَفْمَلَسَوَهَيْلَعْلَلْإِيْلَص  
أَرْقَامُثَّرَبَكْفَهَالصَلَايَلِإِتْمُقْإِذِلْأَقَفْيِنْمَلَعْفَهَرِيْعُنَسْحُأَمَقَحْلِبَابَكَثَعَب  
أَمِئِاقَلَدَتْعَتَيْتَحْءَفْرَامُثْءَعَكَارْنِيْمَطَتَيْتَحْءَكْرَامُثْنَأَرْقُولْأَمَكَعَمْرَسَيَاتْأَم  
يَفَلَكِلْدَلْعَفْءَأَسَلْأَجْنِيْمَطَتَيْتَحْءَفْرَامُثْءَعْءَسْنِيْمَطَتَيْتَحْءَسْءَامُثْ  
أَوَّلُكَلَكَلَص

4. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Шунда бир киши кириб, намоз ўқиди сўнг Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. У зот уни қайтардилар ва: **“Қайт, намоз ўқи! Сен намоз ўқимадинг”**, дедилар. У қайтиб, (аввал) ўқиганидек намоз ўқиди. Кейин келиб Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. Шунда у зот: **“Қачон намозга турсанг такбир айт. Ўзингда Қуръондан борини муяссар бўлганингни қироат қил. Кейин рукуъ қил ҳатто рукуъ ҳолда хотиржам бўл. Кейин (гавдангни) кўтар ҳатто қиём ҳолида ростлан. Кейин сажда қил ҳатто сажда ҳолида хотиржам бўл. Сўнг (гавдангни) кўтар ҳатто ўтирган ҳолда хотиржам бўл ва мана шуларнинг барчасини намозингда бажар”**, дедилар”. Муҳаддисларнинг пешвоси Имом Бухорий роҳматуллох алайҳ ўзининг “Саҳиҳ”ида (1/184) “Қироат вожиблиги” бобида ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шариф Фотиҳа сурасининг намознинг рукнидан эмаслигига далолат қилади. Ҳадиснинг кўрсатмасига кўра, агар кишига Фотиҳадан бошқа сура муяссар бўлса, ўшани ўқийди ва намозни адо қилган бўлади.

→ Эътироз:

Фотиҳа намознинг рукни дейдиган уламолар: “Фотиҳани рукн эканига қарши ушбу ҳадисни далил қилиш, мутлақни қайдлаш ҳисобланади”, дейишади.

Эътирозга жавоб:

Аслида ҳадиси шариф ҳар тарафлама мутлақ эмас, балки ҳадисда муяссар бўлиш қайди ила муқайядлик бор. У зот соллаллоху алайҳи васаллам: **“Ўзингда Қуръондан борини муяссар бўлганингни қироат қил”**, демоқдалар. Бу ихтиёрни тақозо қилади. Агар у зот соллаллоху алайҳи васаллам: “Қуръон ўқи”, деб кейин: “Китоб”нинг Фотиҳасини ўқи”, деганларида эди, буни мутлақ десак бўларди.

→ Эътироз:

Яна бу ҳадисни мужмал, деганлар ҳам бор.

Эътирозга жавоб:

Аслида ҳадис мужмал ҳам эмас. Чунки, аслида мужмал деб, далолати очиқ-ойдин бўлмаганга айтилади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Ўзингда Қуръондан борини, муяссар бўлганингни қироат қил”**, дейишлари ўқувчининг ихтиёрли эканини очиқ-ойдин билдириб турибди.

→ Эътироз:

Имом Нававий роҳматуллоҳ алайҳ айтади: “Аммо ҳадисдаги: **“Муяссар бўлганингни қироат қил...”**”, жумласи Фотиҳа сурасига ҳамл қилинади. Чунки муяссардир, яъни осондир ёки ундан кейин Фотиҳадан зиёда нарсага ҳамл қилинади. Ёки Фотиҳани ўқишдан ожиз бўлган кишига ҳамл қилинади”.

Эътирозга жавоб:

Ҳадисдаги калиманинг таркиби Имом Нававий роҳматуллоҳ алайҳнинг: “Фотиҳа осондир”, деган сўзига асло далолат қилмайди. Чунки калиманинг зоҳири Фотиҳа сурасини ҳам ва Қуръон номи билан мутлақ айтиладиган бошқа сураларни ҳам ўз ичига олади. Агар шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Ихлос сураси Фотиҳадан кўра осонроқ ва енгилроқдир. Шундай экан, осон дейилганда Фотиҳанинг ўзини тайин қилишнинг маъноси нима? Бу далилсиз ҳукм қилишдир.

→ Эътироз:

Яна у кишининг: “Ёки ундан кейин Фотиҳадан зиёда нарсага ҳамл қилинади”, деган сўзига келсак;

Эътирозга жавоб:

Ҳадиснинг зоҳири Фотиҳа сурасининг ўзига далолат қилмагач, Фотиҳадан зиёда сурага далолат қилиши ҳам ҳақиқатдан узоқ гапдир. Шу билан бирга агар Фотиҳадан зиёда сурани ўқишга буюрилган бўлса, демак ўша зиёда ҳам уларнинг наздида Фотиҳани қироат қилиш каби фарз бўлиши керак эди. Имом Шофеъий роҳматуллоҳ алайҳ буни айтмаган.

→ Эътироз:



→ Эътироз:

Агар: “Оятдаги “мо” лафзи умумга ҳукм қилинадиган омм эмас, балки у зоҳирдир”, дейилса;

Эътирозга жавоб:

Бунга шундай жавоб берамиз:

Ояти кариманинг лафзи мутлақдир. Унда Фотиҳа ёки бошқа сурани хослигини қайдламаган. Далолати зонний ҳадис Қуръондаги мутлақликни қайдлай олмайди.

→ Эътироз:

Агар: “Мутлақни қайдлаш бизнинг наздимизда жоиздир ва у насх эмасдир”, дейилса;

Эътирозга жавоб:

Бунга қуйидагича жавоб берамиз:

Ояти карима ҳар жиҳатдан мутлақ эмасдир, балки у ўқувчига ихтиёрни тақозо қиладиган муяссар бўлганини ўқиш қайди билан қайдлангандир. Агар бу қайдни Фотиҳа сурасига қайдлаб қўйсақ, ихтиёр маъноси ботил бўлиб қолади. Шунга кўра, намоздаги қироатнинг энг кам фарз миқдори бир бутун оят экани оятнинг мутлақлиги ила собит бўлади. Фотиҳа сурасини ўқиш ва унга битта сура қўшиш вожиблиги ҳадислар ва хабарлар ила хосланган. Демак шунда икки далилга тенг амал қилинган бўлади. Энди бир киши Фотиҳани намознинг фарзи ва рукни деса, у оятнинг умумийлигини тарк қилиб, фақат суннатда собит бўлган хабарнинг ўзигагина амал қилган бўлади.

→ Эътироз:

Агар: “Оят далолатига машҳур ҳадис билан зиёдалиқ киритиш жоиз, ушбу ҳадис эса Имом Бухорий таъкидлаганидек машҳурдир”, дейилса;

Эътирозга жавоб:

Бунга шундай жавоб берамиз:

Ушбу ҳадис машҳур эмасдир. Чунки машҳур тобеъийлар бир овоздан қабул қилган ҳадис ҳисобланади. Бу масалада эса тобеъийлар орасида ихтилоф



ривояти. 1/190. Имомга эргашувчи “Омин”ни жаҳрий айтиши ҳақидаги боб.

Ушбу ҳадисдан имом “Омин”ни жаҳрий айтмаслиги истифода қилинади. Чунки агар имомнинг “Омин”ни жаҳрий айтиши машруъ бўлганида эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам имомга иқтидо қилувчилар учун “Омин”ни **“ва ладдооооооллийн”** дан кейин айтишларини таъкидламас эдилар, балки имомнинг “Омин” дейишини эшитиб айтишга буюрардилар.

→ Эътироз:

Имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги ҳадисда “Омин”ни жаҳрий айтишга далолат бор.

، اَوْنَمَّ اَفُ مَامِ اِلَا نَمَّ اِذِ اِ : لَاقِ - مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ اِلَا اِلَى ص - لَلَّ اِلَا لُ وُسَّرَ نَأَ اَ رِي رُهَ اِبَّ اَ نَع ، «رَبَّنَا ذُنُوبَنَا قَدْ كَانَتْ اَمْرًا عَلَيْنَا اَلْمَلْ اِنِي مَاتُ هُنِي مَاتُ اَتَقَفَا وَنَمُّ هُنِي اِنْفِ .»

“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қачон имом “Омин” деса сизлар ҳам “Омин” денглар. Чунки кимнинг сўзи фаришталар сўзи билан мувофиқ келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”**, дедилар”. Бухорий ривояти.

Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иқтидо қилувчилар “Омин”ни имомнинг “Омин”ига қўшиб айтишларини айтмоқдалар. Бу эса орқадагилар имомнинг “Омин”ини эшитганликларига далолат қилади”.

Эътирозга жавоб:

“Аслида жумҳур уламолар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисдаги: **“Қачон имом “Омин” деса...”**, деган сўзларини мажозга ҳамл қилишади. Бу билан юқоридаги ҳадисни жамлаганлар: “Имом **“ва ладдооооооллийн”**ни айтгач, “Омин”ни ирода қилса, деб тушунамиз”, дейишган. Бу Аллоҳ таолонинг “Моида” сураси 6-оятида:

... اَلصَّلَاةَ اِلَى اِلْمُتَمَّقِ اِذِ اِ ...

**“...қачон намозга турсанглар...”**, деган сўзига ўхшайди. Бунда қачон намозга туришни ирода қилсанглар”, деган маънони тушунилади.

Ҳофиз ибн Ҳажар роҳматуллоҳ алайҳ “Фатҳул Борий” да шундай дейди: “Уламолар икки ривоятнинг ўртасини жамлаб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қачон имом “Омин” деса...”**, деган сўзларини мажозга ҳамл қилишади”.



Суютий роҳматуллоҳ алайҳ “Танвир” да шундай дейди: “Жумҳур кейинги сўзни олган, лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **“Қачон имом “Омин” деса...”**, деган сўзларини таъвил қилишган. Яъни бу сўздан мурод, қачон имом “Омин”ни қасд қилса, у билан унга эргашувчиларнинг “Омин”и бирга бўлади. Чунки “Омин”лар бир-бирига яқин бўлиши мустаҳабдир”.

Бу имомнинг “Омин”ни жаҳрий айтмаслигига далолат қилади. Бизнинг наздимизда махфий қилиш ҳадиси қувватлидир. Чунки “Омин” дуо бўлиб, дуодаги асл қоида махфий ликдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

**...ةٌ فِي فُحْخٍ وَأَعْرَضَتْ مُكَّبَرٍ أَوْغَدَا**

**“Роббингизга тазарруъ қилган ва махфий ҳолда дуо қилинг”.**  
(Аъроф-55)

Имом Бухорий ҳам Атонинг: “Омин” дуодир”, деганини келтирган.

«ةٌ فِي فُحْخٍ وَأَعْرَضَتْ مُكَّبَرٍ أَوْغَدَا» : مُكَّبَرٍ أَوْغَدَا

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ичида қилинган дуо ташида қилинган дуонинг етмиштасига тенг келади”**, дедилар. Бунинг санади саҳиҳдир.

Ибн Ҳиббон ўзининг “Саҳиҳ”ида марфуъ ҳолда ривоят қилади:

**“Дуонинг яхшиси махфий сидир”.**

Яна шунингдек “Омин”ни айтиш тааввузни айтишдан устун турмайди. Чунки тааввузни айтишга Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрган:

**مِجْرَلًا نَاطِيٍّ شَلَا نَمْرَةً لِّلْأَبْدَعِ تَسْأَفَ نَأْرُقُلَا تَأْرُقَ إِذِافَ**

**“Қачон Қуръон ўқисанг, шайтонир рожиймдан Аллоҳнинг паноҳини сўра”.** Наҳл-98.

Шундай бўлсада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тааввузни жаҳрий қилганлари собит бўлмаган. Демак “Омин”ни жаҳрий айтмаслик ундан кўра маъқулроқ бўлади. Чунки “Омин” лафзи Қуръони каримда йўқ. Уни Фотиҳа билан ундан кейинги сура орасида жаҳрий қилиб айтиш қиёсга хилофдир. Зотан бунда “Омин”ни Қуръондан деб тушуниб қолиш эҳтимоли бор. Қиёсга мувофиқ бўлгани учун ҳам биз “Омин”ни махфий айтиш борасидаги ҳадисни жаҳрий айтиш ҳадисидан кучлироқ ҳисоблаймиз.

Саҳобалар ва тобеъийларнинг аксарлари “Омин”ни махфий айтишарди. Табарий айтади: “Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан, Наҳайй, Шофеъий, Иброҳим Таймий роҳматуллоҳ алайҳимлардан ривоят қилинганишича, улар “Омин”ни махфий айтишар эди”.

Мулоҳаза:

“Омин”ни жаҳрий ва махфий айтиш борасидаги ҳадислар саҳиҳдир. Унинг иккисига ҳам уламоларнинг жамоалари амал қилишган. Лекин саҳобалар ва тобеъий розияллоҳу анҳумларнинг аксари уни махфий айтишган. Бизнинг махфий айтишни устун қўйишимизнинг сабабларидан яна бири шудир.

نُبِيٌّ يَلْعَنُ الرَّبَّ حَتَّىٰ دَاغَبَ بِلَدِّهِ لَوْلَا أَن رَّشِدَ نُبِيٌّ لَّوَلَدَ بَعَثَ نُبِيًّا دَمَّ حُمْ مُنَّبِيٌّ يَلْعَنُ الرَّبَّ حَتَّىٰ  
مَيَّهَ أَرْبَابِ نُبِيٍّ قَاخَسَ إِنْ تَدَحَّحَ لِحَالِ أَصْدِ نُبِيٍّ نَامَتْ عُنْ نُبِيٍّ يَلْعَنُ الرَّبَّ حَتَّىٰ دَمَّ حُمْ مُنَّبِيٌّ يَلْعَنُ الرَّبَّ حَتَّىٰ  
لَا قَدَّ يَدَيْ بَزَلِ نَعْمَ لَأَسْ نُبِيٌّ لَوْلَا دَبَّعَ أَنْ تَدَحَّحَ تَرَاحِلُ نُبِيٍّ وَرَمَعِ يَنْ رَّبَّ حَتَّىٰ دَمَّ حُمْ مُنَّبِيٌّ يَلْعَنُ الرَّبَّ حَتَّىٰ  
يَلْصِقُ لَوْلَا لَوْ سَرَرْنَاكَ : لَأَقْرَبُ رِيْرُهُ أَبَانِ دِيْعَسَ وَوَعَمَلَسَ يَبَانِ عَيْرُهُ زَلَا يَنْ رَّبَّ حَتَّىٰ  
نَيْمَا : لَأَقْفُ هَتْ وَصَعَفَرَنْ أَرْقُلُ مُؤَاءَارِقُ نَمَّ عَرَفَ إِذْ - مَلَسَ وَهِيَ لَعَلْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилиб: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон “Уммул Қуръон”ни қироатидан бўшасалар, овозларини кўтариб: **“Омин”** дердилар”, деган”.

Бу ҳадисни Дороқутний ва Ҳоким ривоят қилган. Дороқутний ҳадиснинг санадини ҳасан деган. Ҳоким икки шайхнинг шартига кўра саҳиҳ деган. Байҳақий ҳасан саҳиҳ деган. Ҳадиснинг санадида Яҳё ибн Усмон бор. Ибн Абу Ҳотим айтади: “Муҳаддислар бу хусуда гап қилишган”. “Ал-Жавҳарун Нақий” 1/132. Заҳабий “Кошиф”ида айтади: “Уни инкор қиладиган нарсалар бор. Унинг шайхи Исҳоқ Зубайдийдир. Абу Довуд уни: “Ҳеч нарса эмас”, деган. Насайй эса: “Сиқа эмас”, деган. Ҳимснинг муҳаддисси Муҳаммад ибн Авф Тоий уни: “Ёлғончи”, деган.

Ҳадиснинг санадида Исҳоқ ибн Иброҳим Алоъ Зубайдий ибн Зибриқ бўлиб, икки шайх ўзининг “Саҳиҳ”ида ва тўртта “Сунан” эгалари ҳам ўз “Сунан”ларида ундан ҳадис келтиришмаган. Насайй ва Абу Довуд уни заиф дейишган. Ҳимс муҳаддисси Муҳаммад ибн Авф Тоий уни ёлғончи деган.

Ожуррий Абу Довуддан ривоят қилади. Муҳаммад ибн Авн шундай деди: “Исҳоқ ибн Зибриқнинг ёлғончи эканига шак қилмайман”. Таҳзибут Таҳзиб,

1/216.

→ Эътироз:

Ибн Можа ва Ибн Жарирлар ривоят қилишиб саҳиҳ дейишган қуйидаги ҳадис ҳақида:

لَا أَقُولُ بِالْأَضْلَالِ (وَالْو): لَأَقُولُ إِذَا مَلَئْتُ مَلْسًا وَهِيَ لَعَلِّي لَأَصْلِي بِالنَّكَ: لَأَقُولُ نَع  
هُتَّوَصُّهُ فَرِي نِي مَآ

Ибн Шоҳин Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон: “**Валаддооооооллийн**”, десалар: “**Аамийн**”, дердилар ва бунда овозларини кўтарардилар”. Шунингдек “Канзул Уммол” да ҳам келтирилган. 4/210.

يَبْأَنْبَا أَنْتَ دَحْنَ مَحْرَلًا دَبْعُ نُبْدِي مُحْ أَنْتَ دَحْنَ عَبَّيْ شِي بَأَنْبَا رَكَبُ وَبَأَنْتَ دَحْنَ  
هَلَلًا لَوْ سُرْتُ عَمَسْ: لَأَقُولُ لَعْنَةُ عَدِي دَعْنُ عَدِي حُجَّحُ نَعْلِي هَكَذَا نَبْ مَلَسْتُ نَعْلِي لَعْلِي  
هُتَّوَصُّهُ فَرِي نِي مَآ: لَأَقُولُ (وَالْو): لَأَقُولُ إِذَا مَلَئْتُ مَلْسًا وَهِيَ لَعَلِّي لَأَصْلِي

Бизга Абу Бакр ибн Абу Шайба айтиб берди, бизга Хумаид ибн Абдурраҳмон айтиб берди, бизга Ибн Абу Лайло айтиб берди. У Салама ибн Куҳайлдан, у Хужайя ибн Адийдан, у эса Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қачон: “**Валаддооооооллийн**”, десалар: “**Аамийн**”, деганларини эшитдим”. Ибн Можа ривояти 1/62.

Эътирозга жавоб:

Ҳадисда “бунда овозларини кўтарардилар”, деган жумла йўқ. Эшитишнинг ўзи жаҳрий айтилганига далолат қила олмайди. Чунки одатда яқин турган киши махфий айтилган калимани ҳам эшитиши мумкин. Баъзи ровийлар икки тушунчанинг ўртасини ажратмасдан Алий розияллоҳу анҳунинг овозни эшитишларини маънони ривоят қилиш деб тушунтиришган. Бу фикрни Алий розияллоҳу анҳунинг ўзлари “Омин”ни махфий айтганлари қувватлайди.

Имомга яқин турган ёки унинг ёнида турган иқтидо қилувчи имомнинг махфий ўқиган нарсаларини эшитиши мумкин. Шу билан бирга буни жаҳрий дейилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга пешин намозини ўқиб берганларида баъзан Фотиҳадан кейинги суранинг бир ёки икки оятларини эшиттириб қўярдилар. Маълумки, махфий





қилишмаган. Ибн Ҳиббон айтади: “У Яҳё ибн Абу Касирдан бир нечта мавзу бузуқ ривоятларни келтирган. Буни ҳадис илмидан ўта хабардор бўлмаган кишилар ҳам била олади. Яна у худди уларга суянгандек ривоят қилади”. 1/449.

Ҳадиснинг матнига келсак: “У билан масжид ларзага келарди”, деган матн: “Ҳатто биринчи саф аҳли уни эшитар эди”, деган жумлага хилофдир. Чунки масжид ларзага келадиган даражада овоз бўлса, уни фақат биринчи сафдагилар эшитмаган бўларди. Маълумки бу ҳадисни Абу Довуд Бишр ибн Рофеънинг йўлидан: “У билан масжид ларзага келарди”, жумласисиз ривоят қилган. Унинг лафзида шундай дейди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон: **“Ғойрил мағдууби алайҳим ва ладдоооооллийн”**ни тиловат қилсалар: **“Аамийн”**, дердилар. Ҳатто биринчи сафда у зотга яқин турган киши уни эшитарди”. 1/352. Авнул Маъбуд.

→ Эътироз:

Исҳоқ ибн Роҳавайх ўзининг “Муснад”ида ривоят қилган ҳадисга келсак:

يَبْأَنَّ ، مِمَّنْ سُمِّيَتْ لِي عَامَّةً سَائِدَةٌ ، رَوَعُ أَلَا نُورَاهُ عَن ، لِزَيْدِ بْنِ شَرْبَةَ بْنِ رُضَيْنِ بْنِ لَاحِظِ بْنِ دِحِّ  
هَلِ لَعَلَّ لِي لَصَّبِيَّ بْنَ لَاحِظِ بْنِ تَلْحَةَ أَسَى ، وَبِأَنَّ عَن ، نَبِيَّ صُحُلَ لِمُحَمَّدِ بْنِ أَبِي نَعْبَانَ ، قَاخِ سَائِدِ  
نِيَّ مَآ : لَأَقِ نَبِيَّ لَاضِلَ الْوَأَرْقِ أَمْلَفِ ، نَبِيَّ دَلِمُ وَيَكُلُّ أَمَّ : لُوقَيْ وَهُوَ عَتَعَمَسَفِ ، مَلَسْ وِ  
ءَأَسَنَّ لَافَّ صَيِّفِيَّةُ وَهُوَ عَتَعَمَسُ يَتَّحِ ،

Бизга Назр ибн Шамил айтиб берди, у Ҳорун Аъвардан, у Исмоил ибн Муслимдан, у Абу Исҳоқдан, у Ибн Умму Ҳусойндан, у эса онасидан ривоят қилишича, онаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида намоз ўқиганда, у зотнинг: **“Маалики явмиддийн”**, деяётганларини эшитган экан. У зот: **“Ва ладдоооооллийн”**ни қироат қилгач: **“Аамийн”**, деган эканлар ҳатто у аёллар сафида туриб уни эшитган экан”. Зайлаъий, 1/196.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадис ровийлари орасида Исмоил ибн Муслим Маккий бор. У заифдир.

Аҳмад айтади: “У мункарул ҳадисдир”.

Насайй айтади: “У матрукдир”.

Ибн Мадиний айтади: “Яхёдан эшитдим, ундан Исмоил ибн Муслим Маккий тўғрисида сўралди. У: “У доим чалкаштиради, бизга бир ҳадисни уч хил қилиб айтиб беради”.

Ибн Маъийн айтади: “Исмоил ибн Муслим Маккий ҳеч нарса эмасдир”.

Алий ибн Мадиний айтади: “Унинг ҳадиси ёзилмайди”.

Саъдий айтади: “Ниҳоятда бўшдир”. “Мезон” 1/115.

→ Эътироз:

Бухорийнинг Атодан ривоят қилган таълиқи ҳақида:

م رثأ ىل ع ن م وئ ري ب ز ل ا ن ب ن ا ك ا ه ل ت ل ق ل ا ق ا ط ع ن ع ج ي ر ج ن ب ن ع ق ا ز ر ل ا د ب ع  
ة ج ل ل د ج س م ل ل ن ا ي ت ح ه ا ر و ن م ن م وئ و م ع ن ل ا ق ن ا ر ق ل ل

Абдурраззоқ Ибн Журайждан, у эса Атодан ривоят қилади. Ато айтади: “Унга: “Ибн Зубайр “Уммул Қуръон”нинг изидан “Омин”ни айтармиди?” дедим. У: “Ҳа, унинг ортидан “Омин”ни айтарди, ҳатто масжид ларзага келарди”, деди”. Фатхул Борий 2/262. “Имом “Омин”ни жаҳрий айтиши” боби.

ن ب د م ح م : ر ك ب و ب ا ن ر ب ح ا ا ن ا ل د ي ص ل ا ز ي ز ع ل ا د ب ع ن ب ة ز م ح : ي ل ع ي و ب ا ن ر ب ح ا و  
ن ب ن س ح ل ا ن ب ي ل ع ا ن ت د ح ي ز و ر م ل ا ر و ص ن م ن ب د م ح ا ن ت د ح ن ا ط ق ل ل ا ن ي س ح ل ا  
ت ك ر د ا : ل ا ق ا ط ع ن ع ب و ي ا ي ب ا ن ب د ل ا خ ن ع ف ر ط م ن ع ة ز م ح و ب ا ن ر ب ح ا ق ي ق ش  
م ا م ا ل ا ل ا ق ا ذ ا د ج س م ل ا ا د ه ي ف - م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص - ي ب ل ل ا ب ا خ ص ا ن م ن ي ت ئ ا م  
ن ي م ا ب ة ج ر م ه ل ت ع م س ( ن ي ل ا ل ا ل ا و م ه ي ل ع ب و ص ع م ل ا ر ي ع )

Байҳақий Атодан бошқа важҳда ривоят қилган. Ато айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки юзтасини ушбу масжидда топдим. Имом қачон **“ғойрил мағдууби алайҳим ва ладдоооооолийн”**, деса, уларнинг гулдуроз “Омин”ини эшидим”.

Эътирозга жавоб:

Бу таълиққа қуйидаги жавобни берамиз:

Бу таълиқдаги саҳобаларнинг амаллари бошқа бир қанча саҳобаларнинг амаллари ва сўзларига қарши турар экан уни ҳужжат қилиб бўлмайди. Юқорида Умар, Алий ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳумларнинг “Омин”ни махфий айтганлари борасидаги далилни келтириб ўтдик. Булар ўрناق учун кифоя қилади. Табарийнинг зикр қилишича: “Саҳоба ва тобеъий

розияллоҳу анҳумларнинг аксари “Омин”ни махфий айтишарди”.

### **Хулоса:**

“Омин”ни махфий айтиш юқорида ўтган тафсилотларга кўра ҳукмнинг аслидир. Бунинг хилофига далил келмагунча уни тарк қилинмайди. Жаҳрий қилиш тўғрисидаги барча ривоятлар умумни эмас, балки феълларнинг ҳикояси ҳисобланади. Турли эҳтимоллари мавжуд бўлган далиллар “Омин”ни махфий айтиш далилига қарши ҳужжат бўла олмайди. Шу билан бирга у далилларнинг аксарида кўриб ўтганимиздек жарҳ бор. Улардан саҳиҳлари очиқ-ойдин эмас, очиқ-ойдинлари эса саҳиҳ эмас. Саҳобалардан ворид бўлган асарлар ихтилоfli бўлиб, шунга кўра бизнинг наздимизда далилнинг кучлироғи асл борасидаги далиллар ҳисобланади. Асл эса юқорида айтганимиздек “Омин”ни махфий айтишдир. Валлоҳу таоло Аълам!

### **12-Матн:**

**Сўнгра рукуъ қилган ҳолда такбир айтардилар.**

### **12-Матннинг далиллари:**

ع دوسألنا بن من حررنا دب ع ن ع ح س إ ي ب أ ن ع ص و ح أ ل و ب أ ن ث د ح ة ب ي ت ق ان ث د ح-1 و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ص ه ل ل ا ل ل و س ر ر ن ا ك ل ا ق [ دوع سم ن ب ] ه ل ل ا ل ل دب ع ن ع دوسألنا و ة م ق ل ل ع ر م ع و ر ك ب و ب أ و دوع ق و م ا ي ق و ع ف ر و ض ف خ ل ك ي ف ر ب ك ي م ل س

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳар бир пасайишда, кўтарилишда, қиёмда ва қаъдада такбир айтардилар. Абу Бакр, Умар ҳам”. Термизий ривояти 1/35. “Ҳадис ҳасан саҳиҳдир”.

دب ع ان ربخ ل ل ا ق ن س ح ل ل ا ن ب ي ل ع ت ع م س ل ا ق ي زورم ل ا ر ي ن م ن ب ه ل ل ا ل ل دب ع ان ث د ح-2 ي ب أ ن ع ن م ح ر ل ا دب ع ن ب ر ك ب ي ب أ ن ع ي ر ه ز ل ا ن ع ج ر ج ن ب ا ن ع ك ر ا ب م ل ا ن ب ه ل ل ا ا د ه ي س ي ع و ب أ ل ل ا ق ي و ه ي و ه و ر ب ك ي ن ا ك م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ا ن أ ة ر ي ر ه ح ي ح ص ن س ح ث ي د ح

2. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллalloҳу алайҳи васаллам эгилар эканлар такбир айтардилар”. Термизий ривояти 1/35. Абу Ийсо айтади: “Бу ҳадис ҳасан саҳиҳдир”.

ا ذ ا م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ص ه ل ل ا ل ل و س ر ر ن ا ك : ل ا ق ه ن ع ه ل ل ا ل ل ي ض ر ة ر ي ر ه ي ب أ ن ع و-3 ه ل ل ا ل ل ع م س : ل و ق ي م ث ع ك ر ي ن ي ح ر ب ك ي م ث ، م و ق ي ن ي ح ر ب ك ي ة ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ق م ا ق م ث د م ح ل ل و ا ن ب ر م ئ ا ق و ه و ل و ق ي م ث ، ر ع و ك ر ل ا ن م ه ب ل ص ع ف ر ي ن ي ح د م ح ن م ل



مُتَّ ، دَجَسَيَّ نِيحَ رَبِّكُيِّ مُتَّ ، هَسْأَرْعَفَرِيَّ نِيحَ رَبِّكُيِّ مُتَّ ، اِدْجَاسَ يَوْهَيَّ نِيحَ رَبِّكُيِّ  
نَمُّ مَوْقِيَّ نِيحَ رَبِّكُيِّ وَ ، اَوْلَكِةَالصَّلَايَ فِكَلْذَلْعَفَيِّ مُتَّ ، عَفَرِيَّ نِيحَ رَبِّكُيِّ  
سَوُلْجَلَا دَعَبِ نِيَّتَنْتَا

3. Абу Хурайрадан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозга турсалар, рукуъ қилаётган пайтда такбир айтардилар. Кейин рукуъдан белларини кўтарган пайтда: **“Самияллоҳу лиман ҳамидаҳ”**, дердилар. Кейин тик турган ҳолларида: **“Роббана ва лакал ҳамд”**, дердилар. Кейин саждага эгилган ҳолларида такбир айтардилар. Кейин (гавдаларини) кўтарган ҳолларида такбир айтардилар. Сўнг мана шуни намознинг барчасида бажарар эдилар. Кейин жалсадан иккинчи (ракат)га туришда ҳам такбир айтардилар”. Муттафақун алайҳ. “Булуғул маром” 1/49.

→ Эътироз:

Абдурраҳмон ибн Абзо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис ҳақида:

نَبِيَّ لَللَّ دَبَّعَ نَعَانَ اَرْمَعَنَ نَسَحَلَلَا نَعَبُغُشَ اَنْ رَّبَّحَ اَلْاَقِدَامَ حُنْبَ يَّحَيَّ اَنْ تَدَّح  
مَلَسَوَّهَيَّ لَعَلَّ اَللَّ صَيَّ بَلَّ اَلْفَلَّحَ اَلصَّهَيَّ اَنْ بَأَنَ عَ يَّزَبُ اَنْ بَنَمَّ حَلَّ اَلدَّبَّعَ  
رِيَّ بَلَّ اَلْمُتَّيَّ اَلْاَنْ كَفَّ

“У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиган экан. У зот такбирни тугал қилмас эканлар”. Абу Довуд ривояти. 1/310.

Ҳадиснинг маъноси қуйидагича: “У зот қачон бошларини рукуъдан кўтарсалар ва сажда қилмоқчи бўлсалар такбир айтмасдилар. Қачон саждадан турсалар такбир айтмасдилар.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадисни Абдурраҳмон ибн Абзо розияллоҳу анҳунинг бошқалар эшитган такбирни у эшитмаганига йўямиз. Бу такбир ҳаммага маълум ва машҳур бўлиб, ёлғиз Абдурраҳмон розияллоҳу анҳунинг сўзи уни айтмасликка далил бўла олмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг бу такбирни бугунги кунимизгача барча айтиб келган ва бу хабар мутавотирдир. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди...

### 13-Матн:

**Икки қўллари билан тиззаларига суянардилар. Бармоқларининг орасини очардилар.**

### 13-Матннинг далиллари:

هَوَيْتَ كُرَّيْلَ عِذِّي وَعِذِّي عَضَّ وَوَيْدِي فَاَجْفَعُ كُرَّهًا وَرَمَعُ نَبَّ عَبْقُوعِ دُوْعَسَمِ يَبَّ اَنْع-١  
هلل اللى لص - هلل اللى لسرر اذكه : لاقو ، هويت كراو نم وعه اص اني ب جرف و  
يئاسن ل او دوا و باو دم ح ا ه ا ور . ي ل ص ي - م ل س و ه ي ل ع

1. Абу Масъуд Уқба ибн Омирдан ривоят қилинади. У рукуъ қилиб, икки қўли орасини очиқ қилди ва икки қўлини тиззаларига қўйди ҳамда тиззалари ортидан бармоқлари орасини очди ва: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай намоз ўқиётганларини кўрдим”, деди. Аҳмад, Абу Довуд ва Насайи ривояти.

٢-تَعَكَّرَ اِدَاو « : م ل س و ه ي ل ع هلل اللى لص - ي ب ل ل ا ن ع ع ف ا ر ن ب ع ا ف ر ث ي د ح ي ف و  
دوا و با ه ا ور . ك ت ب ك ر ي ل ع ك ت ح ا ر ع ص ف

2. Руфоъа ибн Рофеънинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисида, у зот: “**Қачон рукуъ қилсанг, икки “қўлингни” икки тиззангга қўй**”, дедилар. Абу Довуд ривояти. Бу икки ҳадисга ҳеч ким таъна қила олмайди. Чунки санаддаги рижолларнинг барчаси сиқалардир.

Руфоъанинг ҳадиси суяниш ва бармоқлар орасини очишнинг таъкидланган суннат эканига далолат қилади. Чунки қўйиш ва бармоқлар орасини очиш лафзи буйруқ тарзида келмоқда.

### **Суннатнинг таърифи:**

Баъзилар суннатга шундай таъриф айтишади: “Суннат динда уни бажаришни лозим ҳам қилмайдиган ва уни тарк қилишни инкор ҳам этмайдиган сўз ва феъл билан юриладиган йўлдир”. Усул аҳлининг истилоҳига кўра суннат бажариш талаб қилинган, лекин тарк қилувчи гуноҳкор бўлмайдиган далил билан собит бўлган амалдир. Бу далил Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, феъллари ёки тақрирлари билан собит бўлишининг фарқи йўқ. Буларнинг ҳаммасини умумлаштириб тушуниш саҳиҳроқ ва яхшироқдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир суннатни ҳеч тарк этмай, доим қилган бўлсалар бу унинг таъкидланган суннат эканига далолат қилади. Агар уни баъзан тарк қилган бўлсалар бу таъкидланмаган суннат бўлади. Агар уни бажармаган кишини инкор қилган бўлсалар, бу амалнинг вожиб эканига далолат қилади.

### **14-Матн:**

## Белларини текис тутган ҳолда, бошларини кўтариб ҳам, тушуриб ҳам юбормас эдилар

### 14-Матннинг далиллари:

أَنْتَ دَحٌّ دَسُّمُ أَنْتَ دَحٌّ وَحِ دَلَّخُمُ نَبُّ كُحَّضِ لِمِصَاعٍ وَبَأَنْتَ دَحٌّ لَبَّنَحُّ نَبُّ دَمَّحٍ أَنْتَ دَحٌّ- ۱  
دَمَّحٌ مِنْ رَّبِّهِ أَرْفَعُ نَبَّابًا يَنْعَى - دَمَّحٌ لِدَبِّعِ أَنْتَ دَحٌّ أَلَّاقِ دَمَّحٍ أَثِي دَحِّ أَدَّو - يَنْعَى حِي  
لِللَّوَسْرِ بِأَخْصَاءِ نَمْرَةَ رَشَعِ يَفِي دَعِاسِ لِدَمَّحٍ أَبِأَتَمَّسِ لَأَقِءِاطِعِ نَبُّ وَرَمَّعُ نَبُّ  
لِلوَسْرِ أَلَصَّبُ مَكْمَلَعِ أَنْتَ دَمَّحٌ وَبَأَلَّاقِ دَعَاتِقِ وَبَأَمُّهُنَّ - مَلَسُو هِي لَعِ لَلَّي لَصَّ-  
:هِيَ فَوِ هَلِوَطَبِ ثِي دَحِّ لِرَكْذُو... مَلَسُو هِي لَعِ لَلَّي لَصَّ- هَلَّ لَلَّ

يَلَعِ هِيَ تَحَارُّغُ صَيِّوُ كَرِيٍّ مَثَّ هِيَ بَكْنَمِ أَمَّوَبِ يَذَّحِّي يَتَّحِ هِيَ دَيِّغُ فَرِيٍّ فَرَبُّ كَرِيٍّ  
عَمَّسِ «لَوْ قَيَّفُ هَسَّ أَرْغُ فَرِيٍّ مَثَّ عُنُقِي أَلَّوُ هَسَّ أَرْبُ صَيِّ أَلَّ فُلَّ دَتَّ عِيٍّ مَثَّ هِيَ تَبَّ كَرِيٍّ  
«لَوْ قَيَّ مَثَّ أَلَّ دَتَّ عَمَّ هِيَ بَكْنَمِ أَمَّوَبِ يَذَّحِّي يَتَّحِ هِيَ دَيِّغُ فَرِيٍّ مَثَّ . «هَدَمَّحُ نَمَّ لَلَّ هَلَّ  
هِيَ خَا يَفَوُ... هِيَ بَنَجَّ نَعَّ هِيَ دَيِّ يَفَّجِّي فِضَّرَّ أَلَّ يَلَّ يَوَّ هِيَ مَثَّ . «رَبُّ كَرِيٍّ هَلَّ لَلَّ

- مَلَسُو هِي لَعِ لَلَّي لَصَّ- يَلَّصِّي نَأَكْ أَدَّكَ تَقَّ دَصَّ أَوْلَاقِ

1. Муҳаммад ибн Амр ибн Атодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнта саҳобалари орасида Абу Ҳумайд Соъидий розияллоҳу анҳудан эшитдим. Абу Қатода ҳам улардан бири эди. Абу Ҳумайд: “Мен сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини таълим бераман”, деб узун ҳадисни зикр қилди. Унда жумладан қуйидагиларни айтди:

“Сўнг такбир айтиб, икки қўлларини кўкраклари баробаригача кўтардилар. Кейин рукуъ қилдилар ва икки қўлларини тиззаларига қўйдилар. Сўнг (белларини) тўғри тутиб, бошларини тушуриб ҳам, кўтариб ҳам юбормадилар. Кейин бошларини кўтариб: **“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”**, дедилар. Сўнгра ростланган ҳолда икки қўлларини кўкраклари баробаригача кўтардилар. Кейин: **“Аллоҳу Акбар”**, дедилар. Сўнгра (сажда учун) ерга йиқилдилар. (Саждада) икки қўллари билан биқинлари орасини очардилар”. Ривоятининг охирида шундай деди: “Улар (яъни саҳобалар): “Тўғри айтдинг, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳудди шундай намоз ўқир эдилар”, дейишди”. Абу Довуд ривоят қилган ва ҳадис борасида ҳеч нарса демаган. Имом Нававий: “Ҳадис Муслим шартига кўради”, деган.

Ушбу ҳадис икки қўлни кўтариш сажда учун бўлганига далолат қилади. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон рукуъдан турсалар: **“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”**, деганларидан кейин икки қўлларини кўтаришлари ва сажда учун ерга йиқилишлари айтилмоқда. Бу сажда учун

қўл кўтаришдир.

نُبْنَامُتُعَانَتِدَحْ ، شِيْرَحْلَانُنْبُدِيْرَانَتِدَحْ ، يَزَاوَهْأَلَانَادِعْمُنْبُرَفْعَجَانَتِدَحْ-٢  
هللألوسرراق : لاق ، لَفْعْمَنْبِهَلَلِدْبَعْنَع ، نَسَحْلَانَع ، فَوْعَانَتِدَحْ ، مَثِيْهَلْ  
هللألوسرراي : ليق ، هَالَصُقْرَسِيْ نَمْسَانَالْقْرَسَأ : مَلَسَوَهْيَلْعَهَلَلَالِيْ لَص  
لَحْبَنْمَسَانَالْحَبْأَوْ ، أَدُوْجُسَالَوْ ، أَعُوْكُرْمُتِيْال : لاق ؟ هَالَصُقْرَسِيْ فَيْكَو  
مَالْسَلِب

2. Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Одамларнинг энг ўғриси намозидан ўғирлаганидир”**, дедилар. “Намозидан қандай ўғирлайди?” дейилди. У зот: **“Рукуълари ва саждаларини тугал қилмайди.**

**Одамларнинг энг баҳили саломга бахиллик қилган кишидир”**, дедилар”. Табароний учликларда ривоят қилган. Ҳадиснинг риждоллари сиқалардир. (Мажмаъуз завоид 1/189). Ҳоким ҳам “Мустадрок”да (1/229) Абу Қатодадан ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилган. Санаднинг иккиси ҳам саҳиҳдир. Заҳабий ҳам шуни тақрир қилган.

إِذْ ، هَرَهَطَطَسَبَغَكَرْإِذْ - مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص - يْبْنَلْأَك : لاقءَارَبْلَلْنَع  
هَلْبَقْلَلْبَقُؤَبْأَصْأَهَجْوَ دَجَس

“Насбур Роя”да (1/197) Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллalloҳу алайҳи васаллам қачон рукуъ қилсалар белларини текис қилардилар ва қачон сажда қилсалар бармоқларини қиблага қаратар эдилар”. Буни Абул Аббос Сирож ўзининг “Муснад”ида ривоят қилган. “Дироя”, 50-саҳифа. Санади саҳиҳдир.

يِيْحِيْدَنْبِيْلَعَنْبِيْحِيْ نَعْرِفَعَجَنْبُلِيْعَامْسِإِنْرَبْخَأْرُحُنْبِيْلَعَانَتِدَحْ-٣  
هللألوسررأءَعْفَارَنْبَعَفَارْنَعَدَجْنَع (هِيْبَانَع) يِقْرَزْلِلْعِفَارَنْبِدْدَالْخَنْب  
هَعْمُنْحَنَوْ : هَعْفَارَلَق ، أَمُوِيْدِجَسْمَلَايْفُ سَلَاجْ وَهْأَمَنْبِيْ مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص  
يْبْنَلَالِيْلَعْمَلَسَفْ فَرْصَنَا مَث ، هَالَصْفَحْأَف ، يِلْصَف ، يِوَدْبَلْأَكْلُجْرَهْءَاجْإِذْ  
عُجْرَأَف ، كَيْلَعُو : مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص يْبْنَلَالاقف مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص  
كِيْلَعُو : لاقف ، هِيْلَعْمَلَسَفْءَاجْ مَث ، يِلْصَفْعَجْرَفْلَصُتْ مَلَكْنِإِفْ يِلْصَف  
يْتَأِيْ كَلْذَلْكَ ، أَثَالَتْ وَأَنْيْتَرْم (كَلْذَلْعَفْف) ، لَصُتْ مَلَكْنِإِفْ لَصْفْ عَجْرَأَف  
مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص يْبْنَلَالِيْلَعْمَلَسِيْفْ مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص يْبْنَلَالاقف  
لَصُتْ مَلَكْنِإِفْ لَصْفْ عَجْرَأَف ، كِيْلَعُو : مَلَسُوْهِيْلَعَهَلَلَالِيْ لَص يْبْنَلَالوقِيْف  
رَأْيْفْلُجْرَلَالاقف ، لَصُيْ مَلْهَالَصْفُخْأَنْمَنْوَكِيْ نَأْمَهِيْلَعْرَبْكَوْسَانَالْفَاخْ  
يْلِإِتْمُقْإِذْ ، لَجْأ : لاقف ، ئَطْخُأَوْبِيْصُأَرْشَبْأَنْأَمْنِإِفْ ، يِنْمَلْعُوْيِنْرَأَف : كَلْذ  
الْإِو ، أَرْقَأَفْ نَأْرُقْكَعْمَنْكَنْإِفْ ، مَقْأَفْ دَهَشَتْ مَث ، هَلَلَالِكْرَمَأَمَكْأَضْوَتْ هَالَصَلَا  
دِجْسَا مَث ، أَمَأَقْلَدَتْعَا مَث ، أَعَاكْرَنْئِيْمُطَأَفْ عَكْرَأْمُتْ ، هَلْهَلْهَوْهَرْبْكَوْ هَلَلَالِدَمْحَأَف  
تَمْتْ دَقْفْ كَلْذَلْعَفْإِفْ ، مُقْ مَث ، أَسَلْجَنْئِيْمُطَأَفْ سَلْجَا مَث ، أَدِجْأَسْلَدَتْعَأَفْ

نَوَّهَ اذِه نَاكُو : لَاق ، كَتَا لَصَّوْ نَمَّ تَصَقَّتْ نَا اَئِي شُ هُوْ نَمَّ تَصَقَّتْ نَا اِنَاوْ ، كَتَا لَصَّوْ  
بَهَّ دَتَّ مَلَّوْ هَا لَصَّوْ نَمَّ تَصَقَّتْ نَا اَئِي شُ كَلَّ دَ نَمَّ تَصَقَّتْ نَا نَمَّ هُوْ اِنَا لَوَا لَ نَمَّ مَهِي لَع  
"هَلْ ك"

3. Руфоъа ибн Рофеъ розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бир куни масжидда ўтирганларини ривоят қилади: “Биз у зот билан бирга эдик. Тўсатдан бадавийга ўхшаган бир киши келиб намоз ўқиди ва намозини енгил қилди. Сўнг бурилиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Сенга ҳам (Аллоҳнинг саломи), қайт намоз ўқи, сен намоз ўқимадинг”**, дедилар. У қайтиб, намоз ўқиди. Кейин келиб, у зотга салом берди. **“Сенга ҳам (Аллоҳнинг саломи), қайт намоз ўқи, сен намоз ўқимадинг”**, деб (мана шуни) икки ёки уч марта айтдилар. Ҳар сафар Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб салом берар, Набий соллаллоху алайҳи васаллам эса: **“Сенга ҳам (Аллоҳнинг саломи), қайт намоз ўқи, сен намоз ўқимадинг”**, дердилар. Одамлар хавотирга тушишди. Ким намозини енгил қилса у намоз ўқимаган бўлиши уларга оғир келди. Ҳалиги киши бунинг охирида: “Менга кўрсатинг ва таълим беринг, мен дарҳақиқат бир башарман, тўғри ҳам қиламан, хато ҳам”, деди. Шунда у зот: **“Тўғри, қачон намозга турсанг, Аллоҳ буюрганидек таҳорат қил сўнг ташаҳҳуд айт. Кейин яна тур. Агар ўзингда Қуръон бўлса ( уни қироат қил), бўлмаса, Аллоҳга ҳамд, такбир ва таҳлил айт. Сўнг рукуъ қил, рукуъ ҳолда хотиржам бўл. Кейин қиём ҳолда тик тур. Сўнг сажда қил, сажда ҳолида ростлан. Кейин ўтир, ўтирган ҳолда хотиржам бўл. Сўнгра тур. Қачон шуларни бажарсанг, намозинг тугал бўлибди. Агар бундан бирор нарсага нуқсон етказсанг, намозингга нуқсон етказибсан”**, дедилар. Бу уларга аввалгидан кўра енгилроқ бўлди. Чунки ким мана шулардан бир нарсага нуқсон етказса, намозига нуқсон етказган бўлади. Унинг ҳаммаси (зое) кетган бўлмайди”. Термизий ривоят қилган ва: “Руфоъанинг ҳадиси ҳасан ҳадисдир”, деган. 1/40.

Ушбу ҳадис рукнларда ростланиш ва хотиржам туришнинг вожиблигига далолат қилади. (Буни фикҳда “таъдилу аркон” дейилади). Намоз рукнларининг ҳар бирини мукаммал бажариш вожибдир. Агар рукнлардан бирор нарсани ездан чиқариб тарк қилса, унга саҳв саждаси вожиб бўлади. Агар қасддан тарк қилса ҳаромга яқин макруҳ бўлиб, ўша намозни кароҳиятсиз бўлиши учун қайтадан ўқиши лозим бўлади. Лекин бу билан намози бузилган дейилмайди.



أَنْتَدَحَ الْإِقَ - يَنْعَمُ الْجَ - لِيَعَامَسُ إِنْ بَ يَسُومُ وَوَعَبَاتُ فِ أَنْ بَ عِيْبَرُ الْجَ أَنْتَدَحَ- ٢  
نَبَّ عَ بَقُوعُ نَعَمَ عَمَّ نَع - بَوِيَّ أَنْ بَ يَسُومُ عَمَّ لَسَ وَبُأَلْ إِقَ - يَسُومُ نَعَمَ كَرَابُ الْجَ أَنْ بَ  
هَلْ لَ يَلِصَ - هَلْ لَ الْجَ وَسَرَّ لَ إِقَ (مِطْعَمُ الْجَ كَبَّرَ مَسَابِحَ بَسَفَ) تَلَزَنَ الْجَ لَ إِقَ رَمَاعَ  
«لَ إِقَ (يَلْعَنُ الْجَ كَبَّرَ مَسَابِحَ بَسَفَ) تَلَزَنَ الْجَ لَ إِقَ : مُكْعُوكُ رَ يَ فِ أَوْ لَعَجَا » - مَلَسَ وَ هِ يَلِصَ  
مُكْدُوجُ سَ يَ فِ أَوْ لَعَجَا

2. Уқба ибн Омир (Жуханий) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга: **“Фасаббих бисми Роббикал Азийм”** (ояти) нозил бўлганида: **“Буни рукуъларингда айтинглар”**, дедилар. **“Саббиҳисма Роббикал Аълаа”**, нозил бўлганида эса: **“Буни саждаларингда айтинглар”**, дедилар”. Саид ибн Мансур, Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривояти. Ҳоким буни саҳиҳ деган. Ибн Ҳиббон, Ибн Мордавайҳ ва Байҳақий ҳам ўзининг “Сунан”ида келтирган. (Шунингдек “Ад-Дуррул Мансур”да ҳам келган. 1/168)

→ Эътироз:

Имом Муслим ривоят қилган икки ҳадис ҳақида:

دِيْعَسَ أَنْتَدَحَ : يَدْبَعُ الْجَ لِرْشَبِ نَبِّ دَمْحُمَ أَنْتَدَحَ : عَبَّيْ شَ يَبَّأُ نَبِّ رَكَبَ وَبَأُ أَنْتَدَحَ- ١  
هُتَّابَنَ شَيْئَاعٍ نَأْرِيْحَ شَلْ لَ نَبِّ هَلْ لَ دَبَّعَ نَبِّ فَرَطُمُ نَعَمَ ، عَدَاتَقُ نَعَمَ ، عَبَّوْرَعِ يَبَّأُ نَبِّ  
حُوبُّسَ " : هَدُوجُ سَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ مَلَسَ وَ هِ يَلِصَ - هَلْ لَ الْجَ لَ وَ سَرَّ لَ نَأْ  
حَ وَ رَلْ أَوْ كَلَّ الْجَ لَ بَرُّ سَ وَ دَقُ

Оиша розияллоҳу анҳо хабар берди: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида: **“Суббуҳун Қуддусун Роббул Малаааикати вар Рух”**, дер эдилар”.

: هَدُوجُ سَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ، مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ، مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ، مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ،  
مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ، مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ، مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ، مَلَسَ وَ هَعُوكُ رَ يَ فِ لُوقَيَ نَأَكُ ،

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллalloҳу алайҳи васаллам саждаларида: **“Аллооҳуммағлий замбий куллаҳу, диққаҳу ва жиллаҳу ва аввалаҳу ва аахиरोҳу ва алааниятаҳу ва сирроҳу”**, дер эдилар”.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадислардаги зикрларни нафл намозларда айтганлар. Агар фарз намозларда ҳам айтганлар дейилса, бу нодир ҳолларда бўлганига ҳамл қилинади.

## 16-Матн:

Сўнгра тик турган ҳолда фақат “Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ”нинг ўзини айтардилар.

### 16-Матннинг далиллари:

عَمَس : مَامِإِلَاق إِذِإ " : لَاق مَسَو هَوَّعَ لَلِإ لَص لَاق لُؤَسَر نَأَ ةَرِيْرُهُ بِأ نَع-١  
لَوْق هَلَوْق ق فَاو نَمُّهُنَّ إِف ، دَمَح لَلِإ كَلَّ أَنْ بَرَّ مَّهَلَلِإ : اُولُوقَف ، هَدَمَح نَم لَلِإ  
" هَبَنَذ نَم مَدَقَت أَمُّهَل رَفَغ ةَكَلِّئِإَلْمَلِإ

1. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Қачон Имом “Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ” деса, сизлар: “Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”, денглар. Чунки кимнинг сўзи Фаришталарнинг сўзи билан мувофиқ келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади**”, дедилар”. Бухорий ривояти 1/109.

اُولُوقَفُ هَدَمَح ، نَم لَلِإ لَمَسَ لَاق إِذِإو : لِي وَط ثِي دَح ي فِّي رَغَشَ أَلِإ سِوْمُ بِأ نَع-٢  
: مَّكَلُّهُ لَلِإ عَمَّ سَيِّ دَمَح لَلِإ كَلَّ أَنْ بَرَّ مَّهَلَلِإ

2. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган узун ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Қачон Имом “Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ” деса, сизлар: “Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”, денглар, Аллоҳ сизларни эшитади**”. Муслим ривояти 1/174.

**“Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ”** сўзи, Аллоҳ У Зотга дуо қилган кишига ижобат қилади маъносидадир. Имомга эргашувчи: “Роббанаа лакал ҳамд”, дейди. Имом эса буни **“Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ”**ни айтгандан сўнг махфий тарзда айтади. Чунки бошқаларни бунга ундаб, ўзини эсдан чиқармаслиги керак. Имом **“Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ”**ни айтгач, бошқаларни ҳамд айтишга чорлаган бўлади. Ўзи эса бу борада ўрناق бўлиши даркор. Шундай экан у иккисини ҳам айтади. Ёлғиз ўқийдиган кишининг эса ёнида бунга ундовчи ва ўрناق бўлувчи тайинли бир шахс бўлмайди.

Имом Аъзам роҳматуллоҳ алайҳ айтади: “У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қачон Имом “Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ” деса, сизлар: “Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”, денглар**”, деган сўзлари шерикликни нафий қиладиган тақсимдир. Имом **“Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”**ни айтмайди. Чунки буни айтса иккисини жамлаган бўлиб,



унинг таҳмиди эса имомга эргашувчининг таҳмидидан кейинга тушиб қолади. Бу эса имомлик мақомига хилофдир. Ёлғиз ўқийдиган киши саҳиҳ қовлга кўра иккисини ҳам қўшиб айтади”.

Аmmo Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб келтирган ҳадисда айтилишича Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон:

**“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”** десалар, **“Роббанаа ва лакал ҳамд**”ни ҳам айтардилар. 1/106.

Ушбу ҳадис таҳмид ва тасмиъни қўшиб айтишга далолат қилади. Имом Аъзам роҳматуллоҳ алайҳининг наздида бу ёлғиз ўқувчига хосдир. Кейин бу ҳадиснинг лафзи у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам имом бўлган ҳолларида тасмиъ ва таҳмидни қўшиб айтганларига очиқ далолат қилмайди, шундай экан тақсимлаш ҳадисига ҳам зид келмайди. Тақсимлаш ҳадисидея Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**“Қачон Имом “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, сизлар: “Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”, денглар”.**

#### **17-Матн:**

**Агар қиёмга турсалар такбир айтардилар ва сажда қилардилар. Бунда қўлларини кўтармас эдилар.**

#### **17-Матннинг далиллари:**

هُلِّلَا اِيَّاصْ هَلِّلَا لَوْسَرَ اِنِّي لَعَجْرَحٌ : لَاقٌ ، اَمَّوْنَعُ هَلِّلَا اِيَّاصْ رَمَسَ نَبِ رِبَاجِ نَعِ-۱  
اَوْنِكْسَا ، سَمُشْ لِيْخِ بَانَذَا اَهَّوْنَاكُ مُكِّيْدِيْ اَيَّعِفَارُ مُكَارَا اِيْلَامُ " : لَاقَفَمَّسَوَّوْهَيَّعِ  
" هَلِّلَا اِيَّاصْ لِيْفِ "

1. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқиб: **“Нимага сизларни икки қўлларингизни қайсар отнинг думига ўхшаб кўтараётганингизни кўряпман?! Намозда сокин туринглар”**, дедилар”. Муслим ривояти 1/322.

Бу ҳадис намозда сокин туришнинг вожиблигига, намозда қўлларини кўтараверишлик сокинликнинг зидди эканига далолат қилади. Бу ҳадис намозга хосдир.

→ Эътироз:

Лекин имом Муслимнинг Убайдуллоҳ ибн Қибтийядан, у Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилган иккинчи ҳадисда Жобир шундай дейди:

“Қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқисак: “Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи, Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи”, дердик”, деб қўли билан икки тарафга ишора қилди. “Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Нимага қўлларингиз билан қайсар отнинг думига ўхшаб ишора қиласизлар?”** дедилар”. 1/322.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадис аввалги ҳадисдан бошқадир. Унинг намозга алоқаси йўқ. Чунки салом бергандан сўнг киши намоздан чиққан ҳисобланади. Демак унга намозда сокин туринг, дейишнинг маъноси бўлмайди. Биринчи ҳадисда кишилар намознинг ичида эдилар. Бу икки ҳадисни воқеаси бир дейдиганларнинг сўзини қабул қилсак ҳам, булар қўлларни рукуъ ва қиёмда кўтармасликка далил бўлади. Чунки қўлларни кўтаришдан салом бериш ҳолатида қайтарилган бўлса, намознинг ичида уларни кўтараверишдан қайтаришлик янада таъкидлироқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиснинг давомида: **“Намозда сокин туринглар”**, дейишлари билан шунга далолат қилмоқдалар. Ҳадиснинг умумий лафзи рукуъда ва ундан кейин қўлларни кўтармасликни тақозо қилади. Намозни бошлашдаги такбир айтишда эса қўлларни кўтаришни ман қилмайди. Чунки бу намоздан ташқаридаги қўл кўтаришдир.

هلل لوسر ةالص مكب ي لصل أ ال : دوعسم نب هلل دب ع لاق : لاق ةمقلع ن-ع-۲  
ةرم لو أ ال هدي ع فر ي مي ف ي لصف م لس و ه ي ل هلل ي ل ص

2. Алқамадан ривоят қилинади: “Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўқиб берайми?” деб, икки қўлини биринчи мартада кўтарганидан бошқа кўтармади”. 1/35. Термизий ривоят қилган ва: “Ушбу бобда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ва ҳадис ҳасандир. Бу Суфённинг ва Куфа аҳлининг сўзидир”, деган. Рижоллари Муслим рижолларидир. Ибн Ҳазм “Талхис”да буни саҳиҳ деган. 1/83. Буни Насай ҳам ривоят қилган.

مصاع ن ع ن ا ي ف س ن ع ك ر ا ب م ل ا ن ب ه ل ل ا د ب ع ا ن ا ب ن ا ل ا ق ر ص ن ن ب د ي و س ا ن ر ب ح ا -  
م ك ر ب ح ا ا ل ا ل ا ق ه ل ل ا د ب ع ن ع ة م ق ل ع ن ع د و س ا ل ا ن ب ن م ح ر ل ا د ب ع ن ع ب ي ل ك ن ب  
د ع ي م ل م ث ة ر م ل و ا ه ي د ي ع ف ر ف م ا ق ف ل ا ق ه ل ل ل و س ر ة ا ل ص ب

3. Бизга Сувайд ибн Наср хабар берди, бизга Абдуллоҳ ибн Муборак айтиб берди, у Суфёндан, у Осим ибн Кулайбдан, у Абдурраҳмон ибн Асваддан, у Алқамадан, у эса Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. У: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозлари тўғрисида

хабар берайми?” деб турди ва икки қўлини биринчи мартада кўтарди. Кейин қайтармади”. Насайи саҳиҳ санад билан ривоят қилган. Ҳадис рижоллари орасидаги Сувайд ва Осимдан бошқалар икки “Саҳиҳ”нинг рижолларидир. Сувайд сиқадир. Осим эса Муслимнинг рижолларидан бўлиб, у ҳам сиқадир.

دوعي ال مثة ري بكت لوأ يف هدي عفرى باطخ لال نب رمع تي أر : لاق دوسأل ال ن-ع-٤

4. Асваддан ривоят қилинади: “Умар ибн Хаттобнинг аввалги такбирда икки қўлини кўтарганини кўрдим. Кейин буни қайтармади”. Таҳовий ривоят қилган ва: “Бу саҳиҳ ҳадис бўлиб, рижоллари сиқалардир”, деган.

رِي بزل ال ن ، رَجَب ال ن ب ك ل م ل ا د ب ع ن ع ، ش ا ي ع ن ب ن س ح ن ع ، م د ا ن ب ي ح ي ا ن ت د ح -٥  
ي ف ه د ي د ي غ ف ر ي م ل ف ر م ع م ت ي ل ص : ل ا ق ، د و س ا ل ال ن ع ، م ي ه ا ر ب ا ن ع ، ي د ع ن ب  
ي ب ع ش ل ا ت ي ا ر و : ك ل م ل ا د ب ع ل ا ق ، ا ل ص ل ا ح ت ت ف ا ن ي ح ال ا ه ت ا ل ص ن م ر ي ش  
ا ل ص ل ا ن و ح ت ت ف ي ن ي ح ال ا م ه د ي ا ن و ع ف ر ي ال ، ق ا ح س ا ب ا و ، م ي ه ا ر ب ا و

5. Бизга Яҳё ибн Одам айтиб берди. У Ҳасан ибн Аёшдан, у Абдулмалик ибн Абжардан, у Зубайр ибн Адийдан, у Иброҳимдан, у эса Асваддан ривоят қилади: “Умар билан бирга намоз ўқидим. У намозга киришишдан бошқа намозининг бирор жойида қўлини кўтармади”. Абдулмалик айтади: “Шаъбийни, Иброҳимни ва Абу Исҳоқларни ҳам кўрдим. Улар қўлларини фақат намозга киришишдагина кўтаришар эди”. Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да келтирган. Бунинг санади Муслимнинг шартига кўра саҳиҳдир. Ҳасан ибн Аёш сиқа ҳужжатдир.

ي ف ه د ي د ي غ ف ر ي ن ا ك ه ن ع ه ل ل ا ي ص ر ا ي ل ع ن ا : ه ي ب ا ن ع ، ب ي ل ك ن ب م ص ا ع ا ن ت -٤  
د ع ب غ ف ر ي ال م ث ، ا ل ص ل ا ن م ر ي ب ك ت ل و ا

6. Осим ибн Кулайбдан, у отасидан ривоят қилади: “Алий розияллоҳу анҳу намознинг аввалги такбирида икки қўлини кўтарар, кейин бундан бошқа кўтармас эди”. Таҳовий ривояти. 1/132. Зайлаъий айтади: “Бу саҳиҳ асардир”. 1/211. “Дироянинг 85-саҳифасида ҳам келтирилган. Рижоллари сиқалардир. Айний “Умда”да айтади: “Осим ибн Кулайб ҳадисининг санади Муслимнинг шартига кўра саҳиҳдир”.

→ **Эътироз:**

Ушбу ҳадисга Байҳақий ривоят қилган Ибн Абуз Заноднинг ҳадиси билан эътироз билдириш мумкин. Мусо ибн Уқбадан ривоят қилинади. У Абдуллоҳ ибн Фазлдан, у Абдурраҳмон Аърождан, у Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъдан, у эса Алий розияллоҳу анҳудан ҳадисни ривоят қилиб, жумладан шундай

деган: “У (яъни Алий) розияллоҳу анҳу рукуъ пайтида ва қачон икки саждадан турганда икки қўлини кўтарар эди”.

Эътирозга жавоб:

Ибн Абуз Занод бу Абдурраҳмондир. Ибн Ҳанбал уни: “Ҳадиси изтиробли”, деган.

Абу Ҳотим ва Аҳмад ибн Ҳанбал: “Уни ҳужжат қилинмайди”, дейишган.

Амр ибн Алий: “Уни ибн Маҳдий тарк қилган”, деган.

Бу ҳадисда: “Қачон икки саждадан турганда икки қўлини кўтарар эди”, деган зиёда бор. Гарчи бунда ихтилоф бўлсада, ундан кўра кучлироқ далил унга қарши турмаса бу ихтилофнинг зарари йўқ. Лекин бу зиёдага қарши турган далил биз юқорида келтирган Осим ибн Кулайбнинг отасидан, у Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис бўлиб, у бундан кўра саҳиҳроқ ва кучлироқдир. Чунки у ҳадис имом Муслим шартига кўрадир.

Таҳовий айтади: “Алий розияллоҳу анҳунинг аввалги такбирдан бошқа ўринларда қўл кўтаришни тарк қилганлари саҳиҳдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин бу ишни қилишлари, у кишининг наздида юқоридаги ҳадиснинг насхлиги собит бўлганлиги сабаблидир”.

(Ал-Жавҳарун Нақий, 1/135).

رَبِّكَ تَلَا فِي الْإِسْلَامِ عَفْرِي مَلْفِ رَمْعِ نَبَا فَلَخِ تَلَا لَص : لَاق ، دِهَاجِ نَع-٧  
ةَالصَلَا نَمِ لَوَالِ

7. Мужоҳиддан ривоят қилинади: “Ибн Умарнинг ортида намоз ўқидим. У намоздаги биринчи такбирдан бошқа (ўринда) икки қўлини кўтармади”. Таҳовий ва Абу Бакр ибн Абу Шайба ривояти. Байҳақий ҳам “Маърифат” да ривоят қилган. Санади саҳиҳдир. “Осорус Суан” да ҳам келтирилган. 1/108.

→ **Эътироз:**

رَمْعَ نَبَا نَعْفَانُ نَعْلَلُ دِيْبُعَ اَنْتَحَ لَاقِ يَلْعَالُ اُذْبَعُ اَنْتَحَ لَاقِ شَايِعَ اَنْتَحَ  
نَمْلُ لَلْعَمَسَ لَاقِ اِذْ اَوْ هِيَ دِي غَفَرَ كَرِ اِذْ اَوْ هِيَ دِي غَفَرَ وَرَبَّكَ اَلصَلَا يَفَلَ حَدَّ اِذْ اَنْكَ  
يَبْنَ يَلْ اِزْمَعُ نَبَا كَلَدَ غَفَرَ وَ هِيَ دِي غَفَرَ نِي تَعُ كَرِ لَ اَنْ مَاقِ اِذْ اَوْ هِيَ دِي غَفَرَ هَدَمَح  
مَلَسَ وَ هِيَ لَعُ لَلْ اَلْصَلَا

Нофеъдан ривоят қилинади: “Ибн Умар қачон намозга киришса такбир айтар ва икки қўлини кўтарарди. Қачон рукуъ қилса икки қўлини кўтарарди. Қачон: “Самиаллоҳу лиман ҳамидах”, деса икки қўлини кўтарарди. Қачон иккинчи ракатдан турса икки қўлини кўтарарди”. Ибн Умар мана шуни Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга марфуъ қилган”. Имом Бухорий ривояти. “Фатҳул Борий” 2/84.

Дарҳақиқат ушбу кўтариш Молик, Нофеъ ва улардан бошқа кўпчиликдан собит бўлган. Шунингдек улар буни исбот қилувчилардир, ваҳоланки у буни нафий қилмоқда!

Эътирозга жавоб:

Юқорида келган икки хил ҳадиснинг орасини жамлаш мумкин. Шунга кўра Ибн Умар розияллоҳу анҳу қўл кўтаришларни вожиб деб билмаган, балки буни баъзан қилиб баъзан тарк этган. Бунга Имом Муҳаммад ибн Ҳасан роҳматуллоҳи алайҳнинг “Муватто”сида ривоят қилган ҳадис далил бўлади:

تِي أَر : لاق مِي ك ح ن ب زِي ز ل ا د ب ع ن ع ح ل ا ص ن ب ن ا ب أ ن ب د م ح م ا ن ر ب خ أ : د م ح م ل ا ق  
ا م ه ع ف ر ي م ل و ة ا ل ص ل ا ح ا ت ت ف ا ة ر ي ب ك ت ل و ا ي ف ه ي ن ذ ا ء ا ذ ح ه ي د ي ع ف ر ي ر م ع ن ب ا  
ك ل ذ ي و س ا م ي ف

“Бизга Муҳаммад ибн Абон ибн Солиҳ хабар беради. У Абдулазиз ибн Ҳакимдан ривоят қилган. У айтади: “Ибн Умарни намозга киришишдаги аввалги такбирда икки қўлини қулоқлари баробарида кўтарганини кўрдим. Бундан бошқа ўринда уларни кўтармаган”.

Муҳаммад ибн Абон гарчи заиф бўлса ҳам, лекин ёлғончилардан эмасдир. Унинг ҳадиси ёзилади. Кейин Муҳаммад ибн Ҳасан роҳматуллоҳи алайҳнинг ўзи мужтаҳид, сиқа имомдир ва бу ҳадисни ижтиҳод мавзусида зикр қилган. Агар мужтаҳид бир ҳадисни далил қилса, ўша ҳадис унинг наздида саҳиҳ бўлади.

ل ا ق ، ه ل ل ا د ب ع ن ع ، ة م ق ل ع ن ع ، م ي ه ا ر ب ا ن ع ، د ا م ح ن ع ، ر ر ب ا ج ن ب د م ح م ا ن ت د ح  
ا و ع ف ر ي م ل ف ر م ع و ر ك ب ي ب ا و ، م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ا ل ل و س ر ع م ت ي ل ص  
ة ا ل ص ل ا ح ا ت ت ف ا ن ع ا ل ا م ه ي د ي ا

Бизга Муҳаммад ибн Жобир айтиб берди. У Ҳаммод (ибн Абу Сулаймон)дан, у Иброҳимдан, у Алқамадан у эса Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Абу Бакр ва Умарнинг ортида намоз ўқидим. Улар қўлларини намозга киришишдан

бошқа (ўринда) кўтаришмас эди”. Байҳақий ривояти. Унинг санади жайиддир.

Айюб, Ибн Авн, Ҳишом ибн Ҳассон, икки Суфён, Шуъба ва бошқа кўплаб улуғлар Муҳаммад ибн Жобирдан ҳадис ривоят қилишган. Агар Муҳаммад ибн Жобир сиқа бўлмаганда бу каби эътиборли кишилар ундан ҳадис ривоят қилишмас эди.

Амр ибн Алий Фаллос уни содуқ деган. Ибн Ҳиббон уни сиқалар орасига киргизган. “Мезонул эътидол” да Муҳаммад ибн Жобир ҳақида жумладан шундай дейилган: “Муҳаммад ибн Жобирдан имомлар ва ҳофизлар ривоят қилган”. 2/498.

→ Эътироз:

Дороқутний айтади: “Муҳаммад ибн Жобир бу ривоятда ёлғиздир ва у заиф эди. Ҳаммоддан бошқалар бу ҳадисни Иброҳимдан мурсал ҳолда, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ўз феъли, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга марфуъ эмас, дея ривоят қилишган. Шу тўғридир”.

Эътирозга жавоб:

Дороқутнийнинг: “Муҳаммад ибн Жобир бу ривоятда ёлғиздир ва у заиф эди”, деган сўзи ҳадиснинг обрўсини пасайтирмайди. Чунки Иброҳимнинг мурсаллари, хусусан булар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бўлса, уларнинг саҳиҳ бўлиши ҳаммага маълумдир. Яна Дороқутнийнинг: “Ҳаммоддан бошқалар бу ҳадисни Иброҳимдан мурсал ҳолда, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ўз феъли, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга марфуъ эмас, дея ривоят қилишган. Шу тўғридир”, деган сўзи ҳам ҳадисга таъна етказа олмайди. Чунки Ҳаммоддан бошқалар ривоят қилгани гарчи очиқ-ойдин марфуъ бўлмаса ҳам лекин марфуънинг ҳукмидадир.

هلل لوسر ةالص مكب يلصأ ال : دوعسم نب هلل دب ع لاق : لاق ةمقلع نع-ع  
ةرم لوأ ال ةدي عفري مي ف يلص ف ملس و هيلع هلل يلص

1. Термизий ривоят қилади: “Осим ибн Кулайб отасидан, у Алқамадан ривоят қилади: “Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламининг намозларини ўқиб берайми?” деб намоз ўқиди. Икки қўлини биринчи мартада кўтаргандан бошқа кўтармади”.

مَصَاعِدَ نَبِيِّ فُسْوَ عَرَابُ مَلَأُ نَبِ لَلِ دَبَعِ أَنْ أَبْنَأَ لَقِرْ صَنْ نَبِ دِي وَسْ أَنْ رَبْحَ أ- ٢  
مُ كُرْبُ حُ أَلِ أَلِ دَبَعِ عَمَمَقْلَعِ عَدَوْسَ أَلِ نَبِ نَمَحْرَلِ دَبَعِ عَنَبِي لِكْ نَبِ  
دُعِي مَلِّ مَثْمَلِّ وَأَهْيَدِي عَفَرَفَمَ أَلِ أَلِ لَلِ وَسْرَةَ أَلِ صَب

2. Насай ривоят қилади: “Осим ибн Кулайб Абдуррахмон ибн Асваддан, у Алқамадан, у эса Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. У: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозлари тўғрисида хабар берайми?” деб турди ва икки қўлини биринчи мартада кўтарди. Кейин буни қайтармади”.

Ибн Абу Шайба, Аҳмад ва Абу Довудлар ривоят қилади: “Осим Абдуррахмондан, у Алқамадан, у Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини кўрсатайми?” деди”. Аҳмад ва Абу Довуд лафзида: “Сизлар учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўқиб берайми?” дейилган ва улар ҳадисни худди шундай зикр қилишиб: “Кейин буни қайтармади”ни айтишмаган. Уларнинг наздида бунинг ҳукми марфуънинг ҳукмидадир.

Ҳаммод ибн Абу Сулаймон роҳимаҳуллоҳИмом Аъзам роҳматуллоҳи алайҳнинг шайхидир. Бу кишидан Бухорийдан бошқалар ривоят қилишган. Яҳё Қаттон ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ижлийлар у кишини сиқа дейишган.

Шуъба айтади: “У тўғри сўз эди”. Шуъба ундан ривоят қилган. Маълумки Шуъба фақат сиқалардангина ривоят қилади. Бухорий ҳам “Адабул Муфрад”да ундан ҳадис чиқарган. “Кошиф”да унинг таржимаи ҳоли борасида шундай дейилган: “Сиқа, имом, мужтаҳид, карим ва саҳий эди. Бухорий ўзининг “Саҳих”и таълиқида уни шоҳид келтирган.

“Иршодус Сорий”да шундай дейди: “Ҳаммод яъни Ибн Абу Сулаймон Абу Ҳанифанинг шайхи бўлиб, у Куфанинг фақиҳи эди. Бизга Яъқуб ибн Иброҳим (яъни қози Имом Абу Юсуф) хабар беради, бизга Хусойн ибн Абдуррахмон (у ҳужжат ҳофиз, санади олий) хабар беради: “Мен ва Амр ибн Мурра Иброҳим Нахайининг олдига кирдик. Амр шундай деди: “Менга Алқама ибн Воил Ҳазрабий отасидан айтиб берди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиган ва шунда у зотни қачон такбир айтсалар ва қачон (гавдаларини) кўтарсалар қўлларини кўтараётганларини кўрган экан”. Иброҳим шундай деди: “Билмадим, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиётганларини фақат ўша куни кўриб, у зотдан буни ёдлаб олган бўлсаю, Ибн Масъуд ва у кишининг асҳоблари буни ёдлаб олишмаган бўлса?! Мен буни уларнинг бирортасидан

эшитмадим. Улар намозни бошлашда такбир айтаётганларида қўлларини кўтаришарди”. Имом Муҳаммад буни “Муваддо”да чиқарган. Унинг рижоллари сиқалардир. 90-саҳифа.

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ Ҳаммодан, у Иброҳимдан, у эса Асваддан ривоят қилади: “Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу аввалги такбирда икки қўлини кўтарарди. Кейин мана шу нарсани қатармас эди”. Мана шуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан дея айтиб берган”. Абу Муҳаммад Бухорий Ҳорисий ҳам Ражо ибн Абдуллоҳ Наҳшалийдан, у Шақиқ ибн Иброҳимдан (бу киши Балхий Зоҳиддир), у Абу Ҳанифадан ривоят қилиб бу ҳадисни чиқарган. Шунингдек, “Масонийдул Имом”да ҳам келган. 1/255. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳнинг санади ва барча рижоллари сиқалардир.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳужжати кучли ва улуғ саҳобаларидандир. Бу киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўпинча бирга бўлганлар. У кишининг фақиҳ эканини Абу Бакр, Умар ва Алий розияллоҳу анҳумлар каби хулофолар ҳам эътироф қилишиб, кўп масалаларда у кишига эргашишган. У кишига эргашаётганларга шунинг ўзи кифоя қилади.

Имом Аъзам ва Авзой роҳматуллоҳи алайҳимларнинг намозда қўлни кўтариш масаласидаги мунозаралари

Бизга Муҳаммад ибн Зиёд сўзлаб берди. У Сулаймон Шозкунийдан ривоят қилади: “Суфён ибн Уяйнанинг шундай деяётганини эшитдим:

“Абу Ҳанифа билан Авзой Маккадаги буғдойчилар бозорида учрашишди.

Шунда Авзой Абу Ҳанифага: “Нима учун сизлар рукуъ пайтида ва ундан (гавдангизни) кўтарган пайтда қўлларингизни кўтармайсиз?” деди.

Абу Ҳанифа: “Чунки бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ бирор нарса ривоят қилинмаган”, деб жавоб берди.

У: “Қанақасига саҳиҳ ривоят бўлмас экан, ваҳоланки менга Зухрий айтиб берган, у Солимдан, у отасидан, у эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган. У зот қачон намозга киришсалар ҳам, рукуъ пайтида ҳам, ундан (гавдаларини) кўтарганларида ҳам икки қўлларини



кўтарардилар”, деди.

Шунда Абу Ҳанифа: “Бизга Ҳаммод айтиб берди, у Иброҳимдан, у Алқама ва Асваддан улар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилишади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қўлларини фақат намозга киришаётган пайтдагина кўтарар эдилар. Кейин мана шуни бирор нарса учун қайтармас эдилар”, деди.

Авзой: “Сенга Зухрийдан, у Солимдан, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан, дея айтиб берсам, сен Ҳаммоддан, у Иброҳимдан ривоят қилган деб айтасан-а?!” деди.

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ шундай деди: “Ҳаммод Зухрийдан кўра фақиҳроқ. Иброҳим Солим ва Алқамадан фақиҳроқ ва фикҳда Ибн Умардан кам эмас. Агар Ибн Умарнинг саҳобалиги бўлса, унинг муҳаббати фазли бор. Асваднинг ҳам фазли кўп. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг фикҳ ва қироатдаги фазлининг кўплиги ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида ёшлигидан суҳбатда бўлиши Абдуллоҳ ибн Умардан кўра ортиқлигини билдиради”. Авзой индамади”. “Жомеъ Масонийдил Имом” 1/352, 353.

أهـ يقـفـ تـيـأـرـامـ : لـاقـ شـايـعـ نـبـ رـكـبـ يـبـأـنـعـ سـنـويـ نـبـ دـمـحـأـنـعـ دـوـادـ يـبـأـنـبـاـنـعـ  
ةـمـيـرـحـتـلـاـرـيـبـكـتـرـيـغـ يـفـهـيـديـعـفـريـطـق

Таҳовий кучли санад билан ривоят қилади: “Менга Ибн Абу Довуд айтиб берди, бизга Аҳмад ибн Юнус айтиб берди, бизга Абу Бакр ибн Аёш айтиб берди: “Бирорта фақиҳнинг, икки қўлини аввалги такбирдан бошқа жойда кўтарганини кўрмадим”. 1/134. Бунинг Ибн Абу Довуддан бошқа рижоллари “Саҳиҳ”нинг рижолларидир. Ибн Абу Довуднинг ўзи сиқадир.

Абу Бакр ибн Аёш табаъ тобеъийларнинг улуғларидандир. Саврий ва бошқалар ундан ривоят қилишган. Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: “Менинг ҳисобимча у юзинчи санада туғилган. У ва Ҳорун Рашид бир юз тўқсон учинчи йилнинг бир ойида вафот топди”. “Таҳзибут Таҳзиб” 52/36.

Рукуъ ва ундан гавдани кўтариш пайтида икки қўлни кўтаришга далолат қилган ҳадисга амал қилиш тобеъийлар замонида ғолибан тарк қилинган эди.

“Ал-Мудавванатул Кубро” да Имом Молик роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Намоз такбирларидан бирортасида, эгилиш ёки туришда икки қўлни кўтариш борлигини билмайман. Фақат намозга киришишда икки қўлни энгил ҳолда кўтаради”.

Ибн Қосим айтади: “Моликнинг наздида такбир таҳримадан бошқа ўринда икки қўлни кўтариш заиф эди”. 1/71.

Имом Молик табаъа тобеъийларнинг улуғларидандир. Унинг сўзи тобеъийлар замонида рукуъ ва ундан туриш пайтида икки қўлни кўтариш тарк қилинган амал эканига далолат қилади.

→ **Эътироз:**

يَرْزُلَانِ عُسْنُ وَيُانَرَبِّحُ لَلْأَقْدَلِ لِقَاتِ قُمْ نُبُ دَمْحُمَ أَنْتَ دَح-١  
تِيَّ أَرَلْ أِقْ أَمُ عَ لَلْ أِي ضَرَّرْمُ ع. نُب. لَلْ أَدَبُ ع. ن. لَلْ أَدَبُ ع. نُبُ مَلْ أَسْ يَنْ رَبِّحُ أ  
وَدَحْ أَنْ وَكَيْ يَتَح. هَيْ دَيَّ عَ فَرَّةَ لَلْ صِلَا يَفَمَ أِقْ إِذْ مَلَّ سَوَّ هَيْ لَعُ لَلْ أَيْ لَصِدْ لَلْ أَلْ لُوسَر  
نُ مَ هَسْ أَرْ عَ فَرْ إِذْ كَلْ دُ لَعُ فَيَّ وَ عُوْ كُرْلَلْ رُبُّ كَيْ نِي حَ كَلْ دُ لَعُ فَيَّ نَا كَ وَ هَيْ بَ كُنْ م  
دُوْجُ سَلَا يَفَ كَلْ دُ لَعُ فَيَّ أَلْ وَ دَمْحُ نُبُ لَلْ أَلْ عَمَّ سَلْ لُوقُ وَيَّ وَ عُوْ كُرْلَلْ

1. “Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қачон намозга турсалар икки қўллари икки елкалари баробари бўлгунича кўтаришларини кўрдим. Мана шуни рукуъ учун такбир айтган пайтларида ҳам қилардилар. Мана шуни қачон бошларини рукуъдан кўтарсалар ва: **“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”**, деганларида ҳам қилардилар. Буни саждаларда қилмас эдилар”. Бухорий ривоят. 1/187, 188.

رُصَنَنْ عَدَاتَقْ نَعَبْ غُشْ نَعَّ يَدَعِ يَبْ أَنْ نَبَا أَنْتَ دَحْ لَلْ أَيْ نَنْ ثُمُّ لَلْ أُنْبُ دَمْحُمَ أَنْ رَبِّحُ أ-٢  
عَكَرَ إِذْ أَوْ هَتَّ لَصِ يَف. هَيْ دَيَّ عَ فَرَّ (يَبُّ نَلَا يَأْرُ هَنَّ أْ ثَرْيَ وَ لَلْ أُنْبُ كَلْ أَمُ نَعْ مَصَّ أَع. نُبُ  
أَمْ هَبَّ يَذَا حُ يَّ تَحْ دُوْجُ سَلَا نَمُ هَسْ أَرْ عَ فَرْ إِذْ أَوْ دَجَّ سَ إِذْ أَوْ عُوْ كُرْلَلْ نَمُ هَسْ أَرْ عَ فَرْ إِذْ أَوْ  
هَيْ نُنْ دُ أَعُ وُزْفَ

2. “Молик ибн Хувайрисдан ривоят қилинади. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни намозларида қачон рукуъ қилсалар, рукуъдан бошларини кўтарсалар, сажда қилсалар ва саждадан бошларини кўтарсалар икки қўллари икки қулоқлари бўлаги баробарича кўтарганларини кўрган экан”. Насай ривояти. Ҳадиснинг санади саҳиҳдир.

Ҳофиз ибн Ҳажар “Фатҳул Борий” да шундай дейди: “Саждада қўл кўтариш борасидаги мен воқиф бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи Насайнинг Саид ибн Арубадан, у Қатодадан, у Наср ибн Осимдан, у эса Молик ибн

Хувайрисдан ривоят қилган ҳадисидир. Ушбу ҳадисдаги саждалар учун икки қўлни кўтариш зиёдадир”.

دوجس لاولو كورل ايف عفرى ناك ملسو وهىل ع ل ل ل ا لى ص ي ب ن ل ا ن ا س ن ا ن ع - ٣

3. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждада (икки қўлларини) кўтарар эдилар”. Абу Яъло ривояти. Ҳайсамий айтади: “Бунинг рижоллари “Саҳиҳ”нинг рижолларидир”.

ع ن ع ن ا س ي ك ن ب ح ل ا ص ن ع ش ا ي ع ن ب ل ي ع م س ا ل ا ق ر ا م ع ن ب م ا ش ه و ن ب ن ا م ث ع - ٤  
ة ا ل ل ا ل ا ي ف ه ي د ي ع ف ر ي م ل س و و ه ي ل ع ل ل ا ل ا ل ل ا ل a  
ن ج س ي ن ي ح و ع ك ر ي ن ي ح و ا ل ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل a

4. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозда, намозга киришаётганларида, рукуъ қилаётганларида ва сажда қилганларида (икки қўлларини) кўтараётганларини кўрдим”. Ибн Можа ривояти. Ҳадиснинг барча ровийлари сиқалардир. Фақат Исмоил ибн Аёш содуқдир.

ع غ ر - م ل س و وهىل ع ل ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل a  
ع ك ر ا د ا و ، ا ل ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل ا ل a

5. Алқама ибн Воилдан, у отасидан ривоят қилади. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозга киришаётган пайтларида, рукуъ қилганларида ва сажда қилганларида икки қўлларини кўтараётганларини кўрган экан”. Дороқутний ривояти. Ҳадиснинг санади саҳиҳдир.

Эътирозга жавоб:

Ушбу ҳадисларнинг барчаси имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан марфуъ ҳолда ривоят қилган ҳадисига хилофдир. Бу ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сажда қилаётган пайтларида ва саждадан бошларини кўтарганларида икки қўлларини кўтармасликлари айтилган.

Саждадан кейин қўлни кўтариш зикр қилинган ушбу ҳадисларнинг барчаси агар ҳанафийларга қарши ҳужжат қилинса, шу билан бирга бу ҳадислар шофеъийлар ва улардан бошқаларга ҳам қарши ҳужжат бўлади. Чунки жумҳур сажда учун ва ундан бош кўтарганда қўл кўтаришни насх бўлган, дейишади.

Биз ҳанафийлар ҳам такбири таҳримадан бошқа ўринлардаги қўл кўтаришларни насх бўлган деб жавоб берамиз. Маълумки, агар иккита суннат бир-бирига қарама-қарши келиб қолса, бу борадаги саҳобаларнинг сўзлари ва амаллари устун қўйилади. Агар уларнинг сўзлари ва амаллари ихтилофли бўлиб қолса қиёс устун қўйилади. Бу масалада қиёс қўлни кўтармасликни тақозо қилади. Чунки намозда аъзолар сокин ва хушуъли бўлиши керак. Бу борада Аллоҳ таоло “Мўъминун” сурасида шундай марҳамат қилади:

نُوعِ شَاخٍ مِّمَّاتِ لَاصِ يَفْءُ مُمْنِي دَلَّالًا \* نُونٌ مِّمَّاتِ لَاصِ يَفْءُ دَقِّ

**“Мўъминлар нажот топди, улар намозларида хушуъ қилган зотлардир”.**

→Эътироз:

Қўлни кўтариш ҳақидаги ҳадис мутавотирдир. Ҳофиз ибн Ҳажар “Фатҳул Борий” да қуйидаги матнни келтиради: “Бухорийнинг зикр қилишича бу ҳадисни саҳобаларнинг ўзидан ўн етти киши ривоят қилган экан. Ҳоким ва Абулқосим ибн Манда бу ҳадисни ривоят қилганлар орасида жаннат башорат қилинган ўн саҳобалар ҳам борлигини зикр қилишган”.

Зайлаъий айтади: “Имом борасида шайх айтади: “Ҳокимнинг жаннат башорат қилинган ўнлик ривояти ҳақидаги жазми менинг наздимда жайийд эмасдир. Бундай жазм қилиш учун ҳадиснинг собит бўлиш жиҳати ва саҳиҳлиги шарт. Бироқ ушбу ўнликнинг барчасидан ривоят қилингани саҳиҳ бўлмаса керак. Шайх Абул Фазл Ҳофиз Ироқий бу ҳадисни ривоят қилган саҳобаларни яхшилаб текшириб чиқиб, улар элликтага етганини зикр қилган. Суютий ҳам бу ҳадисни мутавотирлардан санаган”. Тадрибур Ровий 191-саҳифа.

Намозда икки қўлни қўйиш ҳақида элликка яқин ҳадис ривоят қилинган.

Эътирозга жавоб:

Хулофои рошидинлар ва улардан бошқа улуғ саҳобалар бунга амал қилишмагач, ҳадиснинг мутавотир бўлиши бизнинг далилимизга қарши ҳужжат бўла олайди. Шу билан бирга тобеъийларнинг фақиҳлари, хусусан Алий ва Ибн Масъуд розияллоху анҳумоларнинг асҳоблари ҳам бунга амал қилишмаган. Ҳатто Абу Бакр ибн Аёш:

“Бирорта фақиҳнинг икки қўлини аввалги такбирдан бошқа жойда кўтарганини кўрмадим”, деган.

Ҳадиснинг мутавотир эканини қабул қилсакда, бу худди насх бўлган оят кабидир. Оятнинг мутавотирлиги унинг ҳукмини насх бўлишига тўсқинлик қила олмайди. Маълумки, ушбу масаладаги мутавотирликни ҳамма бирдек қабул қилган эмас. Балки барча қабул қилган мутавотир масала қўлни мутлақ кўтаришдир. Шавкониё “Найлул Автор”да айтади: “Ироқий намознинг бошида икки қўлни кўтаришни ривоят қилган кишилар ададини жамлаб, уларнинг сони саҳобалардан элликтага етганини, улар орасида ўнта жаннат башорат қилинган саҳобалар борлигини айтган”. 2/67.

Бундан маълум бўлишича, элликка яқин саҳоба намознинг бошида қўл кўтаришни ривоят қилишган. Рукуъда ва рукуъдан бош кўтаришда қўлни кўтаришни ривоят қилишмаган. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг ҳадисида: “Қўллар фақат етти маконда кўтарилади”, дейилиб шулар жумласидан намозга киришиш пайтидаги қўл кўтариш айтилган.

## **18-Матн:**

**Аввал икки тиззаларини кейин икки қўлларини сўнгра пешоналарини ерга икки кафтлари орасига қўярдилар.**

## **18-Матннинг далиллари:**

عَضَيْ دَجَسَ اِدِي مَسَوِ هِيَ لَعْلَلِ اِي لَصَّ لَلِ لُوسَرُ تِي اَرَلِ اَقْرُ ح نَب ل ل ئ ا و ن ع ١  
هِيَ تَبُّ كُر ل ب ق هِيَ دِي عَ فَرَضَ ه ن ا د ا و هِيَ دِي ل ب ق هِيَ تَبُّ كُر

1. Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қачон сажда қилсалар икки тиззаларини қўлларидан олдин (ерга) қўяётганларини ва қачон турсалар қўлларини тиззаларидан олдин кўтарганларини кўрдим”. Термизий ривояти. 1/36.

Бу ҳадис саждага боришда икки тиззани қўллардан олдин қўйишга ва саждадан туришда эса икки қўлни тиззаларидан олдин кўтаришга далолат қилади. Шавкониё “Найлул автор”да айтади: “Жумҳурнинг мазҳаби ҳам шудир”.

Бу ҳадисдан қуйидаги фойдаларни олиш мумкин:

Намозхон саждага боришда аввал ерга яқин аъзоларини қўяди. Туришда эса аввал ердан узоқ аъзоларини кўтаради. Демак саждага боришда дастлаб икки тизза, кейин икки қўл, кейин бурун сўнгра пешона ерга

қўйилса, туришда эса дастлаб пешона, кейин бурун, кейин қўллар сўнгра тиззалар кўтарилади.

رَبِّكَ - مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ - لَعَلَّ لَوْ سَرُّتَيْ أَر: لَأَقْرَسَنَ أَنْ نَعْلَوْحَ أَلِمَّ صَاعًا - ع-٢  
طُحْنًا وَءِغَضُومٍ فِئْهُنَّ مَلَّصُفَمُ لِكُرْقَتَسَا يَّتَحَكَّرُمُثْ، هُوَ نُدُّهُمَ أَهْبَابِ يَدَاخَفِ  
هُوَ دَيْهُ هَاتَبُ كُرْتَقَبَسَ يَّتَحَرِي بَكَّتْ لِبَابِ

2. Осим Аҳвал Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг такбир айтиб икки бошбармоқларини қулоқлари баробарига кўтарганларини кўрдим. Кейин рукуъ қилдилар ҳатто ҳар бир бўғинлари ўз жойига келди. Такбир билан (саждага) эгилдилар ҳатто икки тиззалари (ерга қўйишда) қўлларидан олдин бўлди”. Ҳоким “Мустадрак” да ривоят қилган ва: “Бу ҳадиснинг санади икки шайхнинг шартига кўра саҳиҳдир. Бунинг бирор иллати борлигини ва икки шайх бу ҳадисни келтиришмаганининг сабабини билмайман”, деган. Заҳабий ҳам шунга иқрор бўлган.

عُقَّتْ دَجَسَ إِذَا مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ يُّبَّ نَأْكَ: لَأَقْرَسَنَ أَنْ نَعْلَوْحَ أَلِمَّ صَاعًا - ع-٣  
هُوَ دَيْهُ هَاتَبُ كُرْتَقَبَسَ يَّتَحَكَّرُمُثْ، هُوَ نُدُّهُمَ أَهْبَابِ يَدَاخَفِ

3. Воил ибн Ҳужрдан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сажда қилсалар икки тиззалари икки қўлларидан олдин тушарди. Қачон (бошларини) кўтарсалар икки қўлларини тиззаларидан олдин кўтарардилар”. Бу ҳадисни ҳам Ҳоким “Мустарак” да ривоят қилган ва: “Муслим Шарик ва Осим ибн Кулайбни ҳужжат қилган”, деган. Заҳабий: “Муслим шартига кўра”, деган.

4. Бу мавзуда яна саҳобаи киромлардан ҳам ривоят қилинган асарлар мавжуд. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу икки тиззаларини қўллардан олдин ерга қўярди. Ибн Қаййим айтади: “Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг икки тиззаларини қўллардан олдин ерга қўйиши маҳфуздир. Буни ундан Абдурраззоқ, Ибн Мунзир ва бошқалар зикр қилган. Бу Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилинган. Таҳовий буни Фаҳддан ривоят қилади. Фаҳд Умар ибн Ҳафсдан, у отасидан, у Аъмашдан, у Иброҳимдан, у Абдуллоҳнинг асҳоблари Алқама ва Асваддан ривоят қилади. Бу иккиси шундай деди: “Умардан унинг намозини ёд олганимиз, у рукуъсидан кейин худди туя чўккани каби тиззаларига чўкарди ва тиззаларини қўлларидан олдин қўярди”. “Зодул Маод” 1/88.

## 19-Матн:

**Билаклари кўриниб турар,**

## 19-Матннинг далиллари:

جَزَفَ لَصَّ اِذَا نَاكَ مَلَّسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَصَّ لَلِ لُؤْسَرْنَ أ : " : ةَنِي حُبُّ نَبِّ نَعَو-١  
هِيَ طَبَّ اِضَائِبُ وُذْبِيَّ تَحَّهِيَ دِي نَبِّ

1. Ибн Буҳайна розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар ва сажда қилсалар икки қўллари орасини очардилар ҳатто қўлтиқлари оқи кўринарди”. Муттафақун алайҳ. (Булуғул Маром 1/50).

ترمل رمت أن تدارأ ةمهب أن ولف هيدي فاج دجس اذناك يبنل أن ةنومي ن-ع٢

2. Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (саждада) икки қўллари орасини очардилар. Агар бирор ҳайвон ўтмоқчи бўлса, албатта ўтарди”. Муслим ривояти.

## 20-Матн:

**Қоринлари сонларидан узоқлашган бўларди.**

## 20-Матннинг далиллари:

لمأح زغري ذخف نبي جرف ملسو وهي لعلة لصل دجس اذناو : لاق دي موح يبا ن-ع١  
هِيَ ذَخْفُ نَمِّئِ شَيْ لَعُهُ نَطَب

1. Абу Ҳумайд розияллоҳу анҳу айтади: “У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сажда қилсалар сонларидан ҳеч ерини қоринларига тегизмаган ҳолда сонлари орасини очардилар”. Абу Довуд ривояти. (Эълоус Сунан 3/31).

## 21-Матн:

**Саждалари камида уч марта: “Субҳана Роббиял Аълаа”, дер эдилар. Сўнгра бошларини биринчи саждадан кўтарар эдилар. Ростланиб ўтирардилар ва: “Роббиғфирлий, варҳамний, важбурний, варфаъний, варзуқний, ваҳдиний”, дердилар.**

## 21-Матннинг далиллари:

ةالصو ،اهنع ةلل يضر ةنومي هتلاخ دنع هتي بم ثيدي ف سابع نبا ن-ع١  
نم هسأر عفر اذناكو : لاق هركذف ليلل ي ف ملسو هي لعلة لصل يبنل  
ي فو " يندهاو ي نقرراو ي نعفراو ي نربجاو ي نمخراو ي لرغابرا " : لاق ةدجسلا  
نسح دانساو " ينفاعو " دوا يبا ةياور





Фақат Робеъ ибн Сулаймон ибн Довуд Насайнинг шайхи бўлиб, у сиқадир. Яна Исҳоқ ибн Бакр ҳам Муслимнинг рижолларидан бўлиб, сиқадир. “Осорус Сунан”да: “Бунинг санади саҳиҳдир”, дейилган. 1/122.

مُتَّ ، هُوَ بِنَجِّ نَعْمَ هُوَ دَيِّ فِ اَجْيَ فِ ضَرَّالِ اِلَى وَهَيَّ مُمْثٌ ... يَدْعُ اسْلِلَ اِدْيَ مَحْ وَبِ اَلْاَقِ-٣  
كَجَسَ اِذْ اِلَ هُوَ لَجْرَ عَ بَاصَا حَ تَفَيَّ وَ اَهْلَ عَ دُعُوقَيَّ فِ ، يَرْسُيْ لَ اَلْجَرِ يَنْثَيَّ فِ هَسْ اَرْعُ فَرِي  
... رَّبِّكَ اَلْاَلِ : لَوْ قَيَّ مُمْثٌ دَجَسِيَّ مُمْثٌ ،

3. Абу Хумаид Соидий розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолда ривоят қилинади: “Кейин ерга йиқилардилар, икки қўлларини биқинларидан очик тутардилар. Кейин бошларини кўтариб, чап оёқларини ётқизиб унинг устига ўтирардилар. Қачон сажда қилсалар оёқларининг бармоқларини очардилар. Кейин сажда қилардилар. Сўнгра: **“Аллоҳу Акбар”**, дердилар...”. ҳадисни Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббонлар ривоят қилишган. Унинг санади саҳиҳдир. (“Осорус Сунан” 1/119).

، يَرْسُيْ لَ اَلْجَرِ شَرْفَيَّ مَلَسَ وَ هَيَّ لَ اِلَى لَ اِلَ اِلَ لَ اِلَ a-٦  
نَ اَطْيَ شَلَّ اِلَ بَقَعُ نَعْمَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ a-٦

4. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам чап оёқларини тўшардилар ва ўнг оёқларини тик тутардилар. У зот шайтон уқбасидан қайтарар эдилар”. Муслим ривояти.

Шайтон уқбасининг маъносини имом Нававий шундай шарҳ қилади: “Намозда шундай ўтиришдан қайтарилган. Бу худди ит ва бошқа йиртқичлар ястангани каби думбаларни ерга қўйиб, болдирларни тик қилиб, қўлни ерга тираб ўтиришдир. Шундан билинадики, шайтон уқбаси намозда қайтарилган ўтириш суратидир. Валлоҳу Аълам”. Имом Нававий “Саҳиҳ Муслимнинг шарҳи”.

بَلَّ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ اِلَ a-٥  
بَلَّ اِلَ اِلَ اِلَ a-٥

5. Бизга Алий ибн Муҳаммад айтиб берди, бизга Убайдуллоҳ ибн Мусо айтиб берди. У Исроилдан, у Абу Исҳоқдан, у Ҳорисдан, у эса Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Эй Алий, икки сажда орасида ит иқъосидек иқъо қилмагин”**, дедилар. Ибн Можа ривояти. 1/64. Ҳадиснинг Алий ибн Муҳаммад ва Ҳорисдан бошқа рижоллари икки шайхнинг рижолларидир. Алий ибн Муҳаммад сиқадир. Ҳорис эса қолган тўрт муҳаддиснинг рижолларидан бўлиб бу ҳам сиқадир.

يَفِي نَيْتِ دَجَسِ يَفِي عَجْرِي رَمْعَ نَبِ لَلِ دَبَعِ يَأْرُؤَنَّ أَمِي كَحِ نَبِ رِي عُ مَلِ لَ ع-٤  
عَسْ سَتَسِي لَ اَهْنِ اِلَاقِفِ، كَلِدْ هَلْ رَكَدَ فَ رَصْنَا اَمَلَفِ، هَمِّي مَدَقْرُودُصِ عِلَعِ، اَلْصَلَا  
يَكْتَشَأُ يِّنِ اِلْجَأْ هَمِ اَدَهْ لَعْفَا اَمَّنْ اَوِ، اَلْصَلَا

6. Муғийра ибн Ҳакамдан ривоят қилинади. У Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг намоздаги икки саждада икки қадамнинг устига қайтганини кўрган экан. Намозни тугатгач унга буни зикр қилинганда у: “Бу намознинг суннати эмас, шикоятим борлиги сабабли шундай қиялман”, деган”. “Муваддо” да ривоят қилинган. Бунинг санади саҳиҳдир. (“Осорус Сунан” 1/119).

→ **Эътироз:**

1. Имом Муслим Товусдан деб чиқарган ҳадисда Товус айтади: “Ибн Аббосга икки қадам устига иқъо қилиш тўғрисида айтдик. «У суннатдир», деди. «Бизлар уни кишига жафо, деб биламиз», дедик. Ибн Аббос: «Йўқ, у Набийнингиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатидир», деди.

2. Абдурраззоқ чиқарган ҳадисда Ибн Товус отасидан ривоят қилади. У Ибн Умар, Ибн Зубайр ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумларнинг иқъо қилганларини кўрган экан. Бунинг санади саҳиҳдир. “Осорус Сунан” да ҳам келтирилган. 1/118.

Ҳофиз “Талхис” да айтади: “Байҳақий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилиб келтиради. У қачон биринчи саждадан бошини кўтарса бармоқлари атрофига ўтирар ва: “Бу суннатдир”, дерди. Бу борада Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумолардан уларнинг иқъо қилганлари ривоят қилинган. Товус айтади: “Убодалаларнинг иқъо қилганларини кўрдим”. Барчасининг санади саҳиҳдир.

(Убодала деганда муҳаддислар исмлари Абдуллоҳ бўлган тўртта машҳур саҳобаларни назарда тутишади. Улар Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс ва Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумлардир. Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳу гапни айтганда: “Абдуллоҳ ибн Масъудчи?” дейилди. “У Убодалалардан эмас”, деди. Чунки Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бошқа Абдуллоҳлардан олдинроқ вафот топди. Муҳаддислар кўпроқ ўз илмларида юқорида саналган тўртта Абдуллоҳлардан ҳужжат олишди. Шунинг учун ҳам Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳу гапни айтган. Лекин ҳанафийлар наздида Убодала калимаси мутлақ ишлатилса бундан Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумлар

назарда тутилади. Буни Айний “Ҳидоя”нинг шарҳи “Биноя”да зикр қилган. Демак Товуснинг Убодала деганидан муҳаддисларнинг таърифидаги Абдуллоҳларни тушунамиз. Валлоҳу Аълам. Таржимон).

Эътирозга жавоб:

Ушбу ҳадислар биз келтирган далилларга эътироз сифатида далил қилинади. Бунга қуйидагича жавоб берамиз:

Бу ҳадисларнинг барчасини жамлаган уламолар турли фикрга боришган.

Хаттобий ва Мовардийлар иқъонинг насх бўлганини қувватлашган. Уларнинг фикрича иқъодан қайтарилган маънодаги ҳадис Ибн Аббос розияллоҳу анҳумога етмаган бўлса керак.

Байҳақий бу икки хил маънодаги ҳадисларни жамлаб шундай дейди: “Иқъо икки хил бўлади:

Биринчиси думбасини товонларига қўяди ва тиззалари ерда бўлади. Бу Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилган ва Убодалалар қилган амалдир. Шофеъий Бувайтийга икки сажда орасида шундай иқъо қилишни мустаҳаб дея ёздирган. Лекин тўғриси оёқни тўшаш афзалдир. Чунки бу борада ривоятлар кўп келган. Шу билан бирга намозхон учун бу қулай ва намоз кўринишида чиройлироқдир.

Иккинчиси думбани ва икки қўлни ерга қўйиб болдирларни тик қилиб ўтириш бўлиб, ҳадисларда макруҳлиги ривоят қилинган иқъо шудир”. Бу фикрга Ибн Салоҳ ва Нававийлар ҳам эргашишган ва насхни даъво қилганларни инкор қилишиб: “Ҳадислар орасидаги тарихни билмай ва уларни жамламай қандай қилиб насх собит бўлиши мумкин?” дейишган. Ибн Ҳажар, “Ат-Талхисул Ҳабир”, 1/98,99.

Шунингдек, ушбу жамлашга бизнинг асҳобларимиздан Ибн Хумом ва бошқалар ҳам моил бўлишган.

### **Натижа:**

Иккинчи маънодаги иқъонинг макруҳлиги борасида ихтилоф йўқ. Биринчи маънодаги иқъо борасида эса ихтилоф мавжуд. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо буни суннат деган бўлса, Самура ва Ибн Умар розияллоҳу анҳумлар буни суннат эмас дейишган. Байҳақийнинг Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан қилган ривоятидаги иқъонинг суннат дейилиши, узрли ҳолда шундай ўтиришга рухсат, яъни суннатда бунга рухсат берилган



қилинади. Чунки Ибн Умар розияллоху анҳумонинг ҳадисида қиёмга туриш пайтида ерга қўл билан суянишдан очиқ-ойдин қайтарилмоқда.

### →Эътироз:

Ибн Умар розияллоху анҳумонинг ҳадиси икки жиҳатдан заифдир:

1. Муҳаммад ибн Абдулмалик мажҳулдир.
2. Бу ривоят сиқаларнинг ривоятига хилофдир. Маълумки, муҳаддислар ва бошқа аҳли илмларнинг қоидасига кўра сиқаларга хилоф бўлган ҳадис шоз ва рад қилингандир.

Эътирозга жавоб:

1. Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳ Бағдодий Абу Бакр Ғазол Имом Аҳмад роҳматуллоҳи алайҳнинг асҳобларидан бўлган. Ундан икки шайхдан бошқа тўрт муҳаддис ривоят қилган. Насайи уни сиқа деган. Ибн Абу Ҳотим айтади: “Отам ундан ҳадис эшитган. У содуқдир”. Ибн Ҳиббон ҳам уни сиқалар орасида зикр қилган. Балки бу ўринда Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳни Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абу Маҳзурага чалкаштираётган бўлишса керак. Дарҳақиқат Ибн Қаттон Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абу Маҳзурани мажҳул деган. Заҳабий ҳам “Мезон”да уни нотаниш, деган.

2. Сиқаларга хилоф бўлган ривоят шоз ва мардуд бўлиши учун уларнинг ривоятига очиқчасига қарши келган бўлиши лозим. Яъни бирини қабул қилиб, иккинчисини рад этиш лозим. Ҳофиз “Нухба”нинг 35-саҳифасида бунинг баёнини қилган. Бу жойда эса ундай эмас. Чунки Абу Довуд шайхларининг тўрттасидан бу ривоятни келтирган. Ибн Рофеъ айтади: “Кишининг қўлига суянган ҳолда намоз ўқишидан қайтардилар”. Ибн Шабух айтади: “Кишининг намозда қўлларига суянишидан қайтардилар”.

Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳнинг лафзи бу икки лафзни инкор қилмайди, балки Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳнинг ривоятида уларнинг ривоятидаги мутлақликни қайдлайдиган қўшимча мавжуд. Яъни: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам киши қачон намозда турса икки қўлига суянишидан қайтардилар”. Бу ерда шозликдан бирор нарса йўқ. Шоз деганда сиқанинг ривояти сиқалар ривоятига хилоф тарзда бўлишига айтилади. Сиқанинг ўзи ривоят қилиб, бошқалар уни ривоят қилмаган бўлса буни шоз дейилмайди. “Тадрибур Ровий”да буни батафсил баён қилинган. Бунинг устига Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳнинг

ривоятини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва саҳобаи киромларнинг феъллари ҳамда кўплаб тобеъийларнинг сўзлари қувватлайди. Уларда қўлларга суяниб қиёмга туриш макруҳлиги айтилган. Бу ҳадиснинг маъносини шундай тарзда қувватли экан, уни рад қилиш тўғри бўлмайди...

## 24-Матн:

**Иккинчи ракатда биринчи ракатда қилган сўз ва феълларга ўхшашини амалга оширардилар. Фақат у зот иккинчи ракатда биринчи ракатдаги киришишни қилмас, тааввузни айтмас ва намозларининг дастлабки такбирларидан бошқа бирор жойда икки қўлларини кўтармас эдилар.**

## 24-Матннинг далиллари:

هُلِّلَا يَلِّصْ هَلَلَا لَوْسَرَ انِي لَعَجْرَح : لَاق ، اَمَّوَنَعُ هَلَلَا يَضَرَ هَرْمَس نَب رِبَاج نَع-١  
اونكسا ، سُمُش لِيخ بَانَدَا هَنَّاكُ مَكِّي دِي أَي عِفَار مَكَّارَا يَل اَم " : لَاقَفَ مَلَسَو هِي لَع  
ةَالَّص لَاف "

1. Убайдуллоҳ ибн Қибтийядан, у Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқиб: **“Нимага сизларни икки қўлларингизни қайсар отнинг думига ўхшаб кўтараётганингизни кўряпман?! Намозда сокин туринглар”**, дедилар”. Муслим ривояти 1/322.

Ҳадис шариф сокин туришликка далолат қилади. Намозда қўлларни кўтаверишлик бунинг зиддидир.

هُلَلَا لَوْسَرَةَ اَلَص مَكَّبِي لَصَا اَلَا : دَوْعَسَم نَب هَلَلَا دَب لَاق : لَاقِة مَقْلَع نَع-٢  
ةَرَم لَوَا اَلَا هِي دِي عَفَرِي مِي فَي لَصَف مَلَس و هِي لَع هَلَلَا يَلَص

2. Алқамадан ривоят қилинади: “Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўқиб берайми?” деб, икки қўлини биринчи мартада кўтарганидан бошқа кўтармади”. 1/35. Термизий ривоят қилган ва: “Ушбу бобда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ва ҳадис ҳасандир. Бу Суфённинг ва Куфа аҳлининг сўзидир”, деган. Рижоллари Муслим рижолларидир. Ибн Ҳазм “Талхис”да буни саҳиҳ деган. 1/83. Буни Насайи ҳам ривоят қилган.

## 25-Матн:







Баззор айтади: “Ташаҳхуд борасида менинг наздимдаги энг саҳиҳ ҳадис Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ҳадисидир. Ундан йигирма нечта ҳам йўл орқали ривоят қилинган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ташаҳхуд борасида ривоят қилинган бундан кўра собитроқ, санадлари бундан кўра саҳиҳроқ, риждоллари бундан кўра машҳурроқ ва санад ҳамда йўллари кўплигидан бундан кўра зоҳирроқ ривоятни билмаймиз”.

Муслим айтади: “Одамлар (яъни аҳли илмлар) Ибн Масъуднинг “Ташаҳхуд”ига ижмоъ қилишган. Чунки унинг асҳоблари бир-бирларига хилоф қилишмаган. Ундан бошқаларнинг ривоятида бир-бирларига хилоф қилишлар мавжуд”.

Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий айтади: “Ташаҳхуд борасида энг саҳиҳ ривоят Ибн Масъуднинг ҳадисидир”.

Табароний “Кабир”да Абдуллоҳ ибн Бурайда ибн Хосиб йўлидан ривоят қилади. У отасининг шундай деганини ривоят қилган: “Ташаҳхуд борасида Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳадисидан кўра яхшироғини эшитмадим”.

Демак Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган “Ташаҳхуд” бошқа ривоятлардан кўра устундир. Чунки унинг ровийлари ривоятлари орасида ҳатто бир дона ҳарфда ҳам ихтилоф қилишмаган, балки барчалари уни бир хил сифатда нақл қилишган.

أَلَنْ أَكْمَلَسُوهُ وَيَلْعَلُ لَوْ لَوَسَّرْنَا : - اِهْنَعِ لَلْإِضْر - شَيْءٌ أَعْنَعُ -  
دَّةٌ شَيْءٌ لَعَلَّ عِنِّي تَعْرِفُ لَلْإِضْرُ

2. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ракатда “Ташаҳхуд”га қўшимча қўшмас эдилар”. Абу Яъло бу ҳадисни Абу Ҳувайрис ривояти билан келтирган. Абу Ҳувайрис Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган. Зоҳири шуки, бу Холид ибн Ҳувайрис бўлиб, у сиқадир. Ҳадиснинг бошқа риждоллари “Саҳиҳ”нинг риждолларидир. Эълоус Сунан, 3/105.

Ривоят қилинишича, Ҳаммод роҳимаҳуллоҳу Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳининг қўлидан ушлаб “Ташаҳхуд”ни ўргатган ва шундай деган: “Иброҳим Наҳайй қўлимдан ушлаб менга таълим берган. Алқама Иброҳимнинг қўлидан ушлаб унга таълим берган. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Алқаманинг қўлидан ушлаб унга “Ташаҳхуд”ни таълим бериб: **“Аттаҳийяту лиллааҳи вас солаваату ват тоййибаат, ассалааму ъалайка айюҳан набийю ва роҳматуллооҳи ва барокаатух. Ассалааму ъалайнаа ва ъалаа ъибаадиллааҳис соолиҳийн. Ашҳаду**



1- кўриниш: Икки бармоқ чимчалоқ ва номсизни йиғиб, ўрта ва бош бармоқни халқа қилади. Бу кўриниш ҳозир келтирганимиз Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисга кўрадир.

2- кўриниш: Бармоқларини эллик уч қилиб тугиш, чимчалоқ, номсиз ва ўрта бармоқларни йиғиш билан бўлади. Кўрсатгич бармоқни ўз ҳолида қўйилади. Бош бармоқ ҳам унга тегиб туради.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозда ўтирсалар, ўнг қўлларини ўнг сонлари устига қўядилар. (Бармоқларини) эллик уч қилиб тугиб, саббоба (яъни кўрсаткич бармоқ) билан ишора қилар эдилар”. Муслим ривояти.

3- кўриниш: Барча бармоқларни йиғиб, кўрсатгич бармоқ билан ишора қилинади.

Бизга Молик хабар беради, бизга Муслим ибн Абу Марям хабар беради. У Алий ибн Абдурраҳмон Муовийдан ривоят қилади: “Менин намозда майда тошларни ўйнаётган ҳолатимни Абдуллоҳ ибн Умар кўрди. (Намозимни) тугатгач мени бундан қайтарди ва: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бажарганларидек бажаргин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон (ташаҳхудга) ўтирсалар ўнг кафтларини ўнг сонларига қўядилар ва барча бармоқларини йиғиб бош бармоқнинг ёнидаги билан ишора қилардилар. Чап кафтларини чап сонларига қўядилар”, деди”. Муҳаммад ибн Ҳасан “Муватто”да ривоят қилган. 106-саҳифа. Рижоллари Муслим рижолларидан сиқадир. Муслим санад ва матнда шу каби ривоятни чиқарган. 2/216.

4- кўриниш: Бунда кўрсатгич билан ишора қилиб, бош бармоқ ўрта бармоқ устига қўйилади.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон (ташаҳхудга) ўтирсалар дуо қилар эдилар. Ўнг қўлларини ўнг сонларига қўядилар. Чап қўлларини чап сонларига қўядилар ва кўрсатгич бармоқлари билан ишора қилардилар. Бош бармоқларини ўрта бармоқларига қўядилар. Чап кафтларини тиззаларига қўядилар”. Имом Муслим ривояти. 1/216.

5- кўриниш: Бунда қўл бармоқларини йиғмаган ҳолда сонга қўйиб, кўрсатгич бармоқ билан ишора қилинади.

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан қилган бошқа ривоятда қўлни қўйиш ва ишора қилишнинг ўзи айtilган. Лекин бармоқларни йиғиш зикр қилинмаган. Унинг лафзи қуйидагича: “Чап қўллари чап тиззаларига қўярдилар, ўнг қўллари ўнг сонларига қўярдилар ва (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилардилар”. 1/216.

Шунингдек Абу Довуд ва Термизийлар ҳам Абу Хумайд розияллоҳу анҳудан қилишган ривоятда бармоқларни йиғиб олиш айtilмаган. Мутлақни муқайядга ҳамл қилиш бобига кўра, мутлақ келган ривоятларни бармоқларни йиғиш ривоятига ҳамл қилиш мумкин. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзан бир ҳолатни, баъзан эса бошқа ҳолатни қилганлар, дейилса бунда ривоятларнинг бирини иккинчисига ҳамл қилиш эҳтиёжи қолмайди ва ҳар ким ўз устозидан нимани ўрганган бўлса ўшани қилиши афзал бўлади. Бунда бир-бирини маломат қилиш ва мутаассиблик тўғри бўлмайди. Валлоҳу Аълам..

Бармоқлар қиблага юзланган бўлиши лозим. Бунинг учун уларни тиззанинг қирғоғига қўйиш керак бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу борада қилинган ривоятларнинг кўпроғи шуни тақозо қилади. Айрим ривоятларда эса 4-5-кўринишларда кўриб ўтганимиздек, кафтни тизза устига қўйиш айtilган. Дарҳақиқат буларнинг барчаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган. Шунга кўра бу ривоятларнинг ҳаммасига амал қилиш мумкин, лекин аксар ривоятлар бир маънога далолат қилса ўша маъно кучлироқ ҳисобланади. Аҳли илмлар учун бу маълумдир.

## **28-Матн:**

**У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантирмас эдилар.**

## **28-Матннинг далиллари:**

أَهْلُ كَرْحِيَّ الْوَأَعْدَادِ إِذْ وَغَبَّ صُؤْبُ رِي شَيْ نَاكَ يَبْلَلَانِ رِي بَزْلَانِ بَلْبَلِ دَبْعَانِ ع-١

1. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантирмас эдилар”. Насайий ривояти, 1/187. Буни Абу Довуд ҳам чиқарган, 1/375.

Бу ҳадис ишорада бармоқни ҳаракатлантиришдан қайтаради. Чунки у беҳуда иш бўлиб, намозда беҳуда иш қилиш макруҳдир.

→ Эътироз:

Аммо Имом Насайнинг ривоятида Воил ибн Хужр розияллоху анху жумладан: “Расулulloх соллalloху алайхи васаллам қандай намоз ўқишларини кўрай деб Мадинага бордим. У зотга назар солдим”, деб ҳолатни сифатлайди ва ҳадиснинг давомида қуйидаги сўзлари ҳам зикр қилади: “Сўнг бармоқларидан иккисини (чимчалоқ ва номсиз бармоқларини) йиғиб, (бошбармоқ ва ўрта бармоқларини) халқа қилдилар. Кейин (кўрсатгич) бармоқларини кўтардилар, уни ҳаракатлантираётганларини ва у билан дуо қилаётганларини кўрдим”.

Эътирозга жавоб:

Бу ҳадисдаги “уни ҳаракатлантираётганларини” жумласини “уни кўтараётганларини”, дея тушуниш лозим. Чунки бармоқни кўтариш уни ҳаракатлантириш демакдир.

Ибн Ҳажар ишорада бармоқни ҳаракатлантириш хабарини заиф деган. Ҳадисларни солиштириб чиқилганда бармоқни ҳаракатлантирмаслик борасидаги ҳадислар, ҳаракатлантириш тўғрисидаги ҳадислардан икки важҳга кўра кучлироқ ҳисобланади:

Биринчидан: Имом Нававий айтади: “Ибн Зубайр розияллоху анху ҳадисининг санади саҳиҳдир. Аммо Воил ибн Хужр розияллоху анхунинг ҳадиси борасида ҳеч нарса дейилмаган”.

Иккинчидан: Абдуллох ибн Зубайр розияллоху анху Набий соллalloху алайхи васалламнинг бармоқларини доим қимирлатмаганларини ҳикоя қилиб: “Набий соллalloху алайхи васаллам дуо қилсалар (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилар ва уни ҳаракатлантирмас эдилар”, деган. Бу лафз Набий соллalloху алайхи васалламнинг аксар ҳолатларда бармоқларини қимирлатмаганларига далолат қилади. Аммо Воил ибн Хужр розияллоху анху бармоқни ҳаракатлантириш ҳадисини битта намозни кўриб ривоят қилмоқда. Бу ҳаракат эса бир мақсад асосида бўлмаганига ҳамл қилинади. Валлоху Аълам..

Ушбу ишора **“Лаа илааҳа иллalloху”** калимасини айтиш чоғида амалга оширилади. Бу калима нафий ва исботни ўз ичига олган бўлиб, ишора ҳам шу иккисини ўз ичига олиш керак. Яъни **“Лаа илааҳа”**да кўрсатгич бармоқни кўтариб, **“Иллalloху”**да уни тушириш лозим. Шунда кўтариш нафий учун, тушириш эса исбот учун бўлиб, ишора ҳар иккисини ўз ичига олади. Агар бунинг зидди бўлса, яъни **“Иллalloху”**да бармоқни кўтарса

ишора нафий ва исботни ўз ичига олган бўлмайди.

(Одамлар буни ўрнига келтира олишмайди, шунинг учун уни тарк қилган афзал, дейиш илмий асосдан йироқ бўлган гапдир. Чунки инсонлар бундан кўра қийинроқ ишларни ҳам ўзлаштириб амалга ошира олишади. Бу каби асоссиз гаплар билан кишиларни суннатни тарк қилишга чақирмаслик лозим. Яна айримлар: “Агар ривоятларда амалнинг кўриниши маълум ададдан кўпайиб кетса, ўша амални қилмаган афзал, ишораи саббобанинг ҳам тури кўпайиб кетган, шунинг учун уни қилмаган афзал”. дейишади. Бунинг ҳам илмий асосини топа олмадик. Балки ривоятларда бир амал турли суратда келган бўлса, ўша ривоятларнинг саҳиҳроғи олиниши, қолганлари эса таъвил қилиниши машҳур қоидадир. Шунинг учун асоси йўқ гапларга эътибор қилинмайди. Валлоҳу Аълам. Тарж...)

## **29-Матн:**

**Назарлари ҳам ишораларидан ўтиб кетмасди.**

## **29-Матннинг далиллари:**

هَدْيٍ عَضْوٍ مَّوَسَّوْهُ وَيَلْعَهُ لَلَّي لَصَّي بَّنَّ لَانَا : امه نَعُهُ لَلَّي لَصَّي رِي بَزَلَا نُبَا نَعَو-۱  
وَبَأْ هَاوَر " هَتَرَا شَاهِرَصَب زَوَا جِي الْو ، هَعُ بَصُأَب رَاشْ أَو ، يَنْ مُمِّي لَ هَذَخَف يَلْعَ يَنْ مُمِّي لَ  
حِي حَص دَانَسَاب دُوَاد

1. Ибн Зубайрдан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларини ўнг сонларига қўярдилар ва (кўрсатгич) бармоқлари билан ишора қилардилар. Назарлари ишораларидан ўтиб кетмасди”. Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Бу ҳадис Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг назарлари ишораларидан ўтиб кетмаганига далолат қилади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ишора қилганларида баъзи жоҳиллар қилаётгани каби осмонга тикилмас эдилар.

## **30-Матн:**

**У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалги қаъдада бунга зиёда қилмас эдилар.**

## **30-Матннинг далиллари:**

م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر ي ن م ل ع : ل ا ق د و ع س م ن ب ه ل ل ا د ب ع ن ع -۱  
ط س و ي ف س ل ج ا ذ ل ل و ق ي ن ا ك ف : ل ا ق ... ا و ر خ آ ي ف و ة ا ل ص ل ا ط س و ي ف د ه ش ت ل ا

تَابِيَّ طَلَاوُتْ أَوْلَّ صِلَاوَهُ لَلْ تَائِيْحْتِ لَ : يَرْسُئِي لَ إِكْرَوَ يَلَعِ أَوْخَ آي فَوَ ةَ الِّ صِلَا  
 لَلَّ دَابِعِ يَلَعِ وَأَنْ يَلَعِ مُالِّ سِلَا ، هُتْ أَكْرَبَ وَهَلَّ لَ أَمَّحَ رَوَّ يَبِّنَ لَ أَهْيَا كُنِّي لَعِ مُالِّ سِلَا  
 نَ أَنْ إِيْمُتْ : لَاقِ ، هُوَ لُؤْسَرَوُ هُوَ دَبَعِ أَدْمُحُ مَّ نَأْ دَشْ أَوْ ، هَلَّ لَ إِهَلَّ إِالْ نَأْ دَشْ أَوْ ، نِيْحَ لَ صِلَا  
 هُوَ دَشْ تَدَعِبَ أَعْدَ أَوْخَ آي فَنَ أَنْ ، هُوَ دَشْ تَنَمُّعُ زَفِي نِيْحَ ضَهَنَ ةَ الِّ صِلَا طَسَوَ ي  
 مَّ لَسِيَّ مَّ ثُوْغُ دِي نَأْ هَلَّ لَ إِعَاشَ أَمَبَ

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга намознинг ўртасидаги ва охиридаги ташаҳҳудни таълим бердилар... У зот намознинг ўртаси ва охирида чап ёнбошларига ўтириб: **“Аттаҳийяту лиллааҳи вас солаваату ват тоййибаат, ассалааму ъалайка айюҳан набийю ва роҳматуллооҳи ва барокаатуҳ. Ассалааму ъалайнаа ва ъалаа ъибаадиллааҳис соолиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳуу ва росуулуҳ”**, дер эдилар... Кейин агар намоз ўртасида бўлсалар, ташаҳҳуддан фориғ бўлгач турардилар. Агар охирида бўлсалар ташаҳҳуддан кейин Аллоҳ хоҳлаганидек дуо қилардилар сўнгра салом берардилар”. Имом Аҳмад ривояти. Ҳадиснинг рижоллари сиқалардир. Мажмаъуз Завоид, 1/101. Буни Ибн Хузайма ҳам ўзининг “Саҳиҳ”ида ривоят қилган. Талхис, 1/198.

أَلَنْ أَكْ مَلَسُو هِيَ لَعِ هَلَّ لَ إِصْ هَلَّ لَ لُؤْسَرَنَّ : - إهْنَعِ هَلَّ لَ يَضُرُ - شَائِعٌ نَع-ع  
 دَشْ تَلَّ يَلَعِ نُنِّي تَعُ كَرَّ لَ يَفُ دِي زِي

2. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ракатда “Ташаҳҳуд”га қўшимча қўшмас эдилар”. Абу Яъло бу ҳадисни Абу Ҳувайрис ривояти билан келтирган. Абу Ҳувайрис Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган. Зоҳири шуки, бу Холид ибн Ҳувайрис бўлиб, у сиқадир. Ҳадиснинг бошқа рижоллари “Саҳиҳ”нинг рижолларидир. Мажмаъуз Завоид, 2/142.

### 31-Матн:

**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўртасидаги ташаҳҳуддан фориғ бўлганларида учинчи ракатга турардилар. Бунда ҳам ерга қўллари билан суйанмас эдилар. Қолган икки ракатда “Фотиҳа”нинг хос ўзини ўқирдилар.**

### 31-Матннинг далиллари:

أَنْكَ - مَلَسُو هِيَ لَعِ هَلَّ لَ إِصْ - يَبِّنَ لَ نَأْ : هِيَ بَأْ نَعِ ةَ دَاتَقِ يَبَّ نَبْ هَلَّ لَ دَبَعِ نَع-ع  
 يَفُ ، نُنِّي تَرُؤْسَوُ بَاتِ كَلَّ مُأَبِ نُنِّي لُؤَالِ نُنِّي تَعُ كَرَّ لَ يَفُ رُصَعِ لَ أَوْرُةَ طَلَّ يَفُ أَرْقِي  
 بَاتِ كَلَّ مُأَبِ نُنِّي رُحُ أَلِ نُنِّي تَعُ كَرَّ لَ







Оли Набий унга тобеъ миллатидир,

Ажам бўлсин, савдо бўлсин ёки араб,

Оли агар қариндошлар бўлса фақат,

Салот ости кириб қолар Абу Лаҳаб.

Аллоҳ таоло “Ғофир” сурасининг 46-оятида ҳам “Оли Фиръавн” деганда унинг тобеъларини зикр қилган.

### 33-Матн:

**Ўзлари учун, ота-оналари учун, мўъмин ва мўъминалар учун истиғфор айтардилар.**

### 33-Матннинг далиллари:

وَعَدَا عَادٍ نَمْلَعُ ، هَلْ لَوْ سَرَّ آي : لَأَقْ هَنْعُ هَلْ لَوْ سَرَّ قِيَصِّ لِرَكْبِ بَأَنْ وَ-١  
رَفْعِي الْو ، اريثك املظي سفن تم لظي نينم لال لاق " : لاق ؛ يتال ص ي ف و ب  
" مي ح ر ل ا ر و ف ل ل ا ن ا ك ن ي ن ح ر ا و ، ك د ن ع ن م ة ر ف ع م ي ل ر ف ع ا ف ت ن ا ل ا ب و ن ذ ل ا

1. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Менга бир дуо ўргатинг, ўша дуони намозимда қилай”, деди. У зот: “**Аллооҳумма иннии золамту нафсии зулман касиирон ва лаа яғфируззунууба иллаа анта, фағфирлиии мағфиротан мин индика варҳамнии, иннака антал Ғофуурур Роҳиим”, дегин”, дедилар**”. Бухорий ривояти 1/115.

### 34-Матн:

**Сўнгра маъсур дуолар ила дуо қилардилар.**

### 34-Матннинг далиллари:

ي ل ص ه ل ل ل ا ل و س ر ن ا : ه ت ر ب خ ا م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ل ا ج و ر ة ش ئ ا ع ن ع -١  
ذوع أو رب ق ل ل ا ب ا ذ ع ن م ك ب ذوع ا ي ن ا م ه ل ل ا ) ة ا ل ص ل ا ي ف و ع د ي ن ا ك م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ل ا  
م ه ل ل ا ت ا م م ل ا ة ن ت ف و ا ي ح م ل ا ة ن ت ف ن م ك ب ذوع ا و ل ا ج د ل ا ح ي س م ل ا ة ن ت ف ن م ك ب  
م ر ع م ل ا و م ث ا م ل ل ا ن م ك ب ذوع ا ي ن ا

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда: “**Аллоҳумма иннии ауузу бика мин азаабил қобри ва ауузу бика мин фитнатил масиихид дажжаал ва ауузу бика мин фитнатил**

**маҳя ва фитнатил мамаат, Аллооҳумма иннии ауузу бика минал маъсами вал мағром”,** дея дуо қилар эдилар”. Бухорий ривояти 1/115.

عَاءُ دَلَّ اَنْ مُمْ كُ دَحَا رِيَّ حَتَّ يَلِّ مُمْ ث «: رُوخَا ي فَوْ هَا نَعْمَ ضَعَبَ بُ هَرَ كَذَفٌ ، لَلَّ ا دَبَّ عَ نَ ع-٢  
رَا حُ بَّ ا لْ هَا وِر . «: هَبْ وُ عُدَيَّ فِ هِيَ لَّ ا بَّ عَ ا

2. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиснинг охирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **“Сўнгра дуодан ўзига ёққанини танлаб, ўша дуони қилсин”.** Бухорий ривояти 1/115.

Бу ўриндаги дуолардан мурод ҳадисларда ёки Қуръон оятларида келган ёхуд шуларга ўхшаган дуолардир.

رَمَّ عَ وِرْ كَبُّ وُ بَا وَا مَّ لَسَ وَا هِيَ لَعُ لَلَّ ا لَّ صَّ يَّ بَّ نَّ لْ ا وَا يَّ لَّ صُّ ا تُّ نُّ كَ لَ ا قَ لَّ لَّ ا دَبَّ عَ نَ ع-٣  
لَلَّ ا لَّ صَّ يَّ بَّ نَّ لْ ا لَّ عَ لَّ ا لَّ صَّ لَّ ا مُمْ ث . لَلَّ ا لَّ عَ ا نَّ ثَ لَّ ا بُّ تُّ ا دَبُّ تُّ سَ لَّ جَّ ا مَّ لَ فَّ هُ عَ م  
هَ طَّ عُ تُّ لَّ سَ مَّ لَسَ وَا هِيَ لَعُ لَلَّ ا لَّ صَّ يَّ Bَّ Nَّ Lْ a Qَ F ي سَ فَ نَّ لُّ تُّ وَّ عَ دُّ مَّ ثَ مَّ لَسَ وَا هِيَ لَعُ لَّ S  
هَ طَّ عُ T لَّ S

3. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Намоз ўқиётган эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар бирга эдилар. Ўтиргач Аллоҳ таолога сано айтиш (яъни ташаҳҳуд) билан бошладим. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот, сўнгра ўзим учун дуо қилдим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сўра, сўраганинг берилади, сўра, сўраганинг берилади”**, дедилар”. Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ деган. “Тайсирул вусул” 55-саҳифа.

م ل س و ه ي ل ع ل ل ا ل ل ص - ي ب ن ل ل ا ل ع ي ل ص ي م م ث ل ج ر ل ا د ه ش ت ي : ل ل ل ا د ب ع ل ا ق -٤  
و س ف ن ل و ع د ي م م ث

4. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳу айтади: “Киши ташаҳҳудни ўқийди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтади. Сўнгра ўзи учун дуо қилади”. Ҳоким кучли санад билан ривоят қилган. “Фатҳул Борий” 11/140.

### **35-Матн:**

**Қуръони Карим лафзларига ўхшаш лафзлар билан дуо қилардилар.**

### **35-Матннинг далиллари:**

Қуръони каримда келган **“Роббанаа аатиная фид дуня ҳасанатав ва фил аахироти ҳасанатав ва қинаа азаабан нар, Роббанаа лаа тузиг**

қулуубанаа баъда из ҳадайтанаа ва ҳабланаа милладунка роҳматан иннака антал Ваҳҳааб”, каби дуоларни қилиш мумкин. Булардан дуо қасд қилинганда уларни оят дейилмайди ва уларни ҳайз-нифосли ҳамда жанобатли кишилар ҳам дуо мақсадида ўқишлари мумкин.

### 36-Матн:

**Одамларнинг каломларига ўхшаш калом билан дуо қилмас эдилар.**

### 36-Матннинг далиллари:

هَلْ لَعَلَّ لَمْ يَلْصِقْ بِبَنِي لِقَاقِ مَثَلِ لِي وَطِثِي دَحْيِ فَيَمْ لَسْلَسَ لِمَ كَحْلًا نَبُوءَةً وَأَعْمًا-١  
وَحْيِي بِسُتَلَا وَهَامِنِ سَانِلَا مَالِكِ نَمَّيْ شَاهِي فَحَلْصِي الْاَلْصَلَا هَذِهِ نِمْ لَسْ  
نَأْرُقَلَا اَلْاَرْقُ وَرِي بِكُتَلَا

1. Муовия ибн Ҳакам Суллабий розияллоҳу анҳу ривоят қилган узун ҳадисда жумладан шундай дейди: “Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта бу намозда инсон сўзидан бирор нарса бўлиши дуруст эмас. Албатта бу тасбиҳ, такбир ва Қуръон қироатидир”**, дедилар. Муслим ривояти. 1/202.

Демак намоздаги дуолар тасбиҳ, такбир ва қироат қабилида бўлиши лозим. Ҳадиснинг далолатига кўра намозда: “Аллоҳим, мени кийинтир, Аллоҳим мен Фалончи аёлга уйланай” каби инсон сўзи билан дуо қилиш жоиз бўлмайди.

### →Эътироз:

Имом Термизийдан бошқа беш муҳаддис ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сўнгра дуодан ўзига ёққанини танлаб, ўша дуони қилсин”**, дедилар. Бухорий ривояти 1/115. Бу ҳадисга кўра киши намозда ўзи хоҳлаган дунё ва охиратга тегишли дуоларни қилиши мумкин.

Эътирозга жавоб:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: **“Албатта бу намозда инсон сўзидан бирор нарса бўлиши дуруст эмас”**, дедилар. Бу ҳадис эътироздаги ҳадисга қарши келиб қолди. Имом Бухорийнинг ҳадиси мубоҳликка далолат қилмоқда, Имом Муслимнинг ҳадиси эса инсон сўзи билан дуо қилишни ман этмоқда. Мубоҳ қилувчи ва ман этувчи ҳадис бир-бирига рўбарў келиб қолса, усулга кўра ман қилувчи олдинга сурилади. Демак бу мавзуда Имом Муслим ривоят



«مَلْسُومٌ هَآوِرٌ . «وَلَامٌ شَوِيحَةٌ وَوَنِي مَيَّ» .

4. Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинган узун марфуъ ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам жумладан шундай дедилар: **“Дарҳақиқат бирингизга қўлини сонига қўйиши сўнгра ўнг ва чапида турган биродарига салом бериши кифоя қилади”**. Муслим ривояти 1/181.

عَلَى مَلْسُومٍ نَّوْنٌ - مَلْسُومٌ هَآوِرٌ - لَلِإِلَى لَص - لَلِإِلَى لَوَسَّرَ أَنْ رَمَأَ : بَدَدُنْجَنْبَ رَمَسَ نَّوْنٌ وَو-۵  
اضْعَبْ أَنْضَعَبْ يُونِي نَّوْنٌ وَأُوَانَسْفَنَ

مَلْسُومٍ نَّوْنٌ ، بَحْتَنَنْوْنٌ وَأُوَامِإِلَى عَلَى دُرَنْوْنٌ أَنْ رَمَأَ : هُطْفَلَو دُوَادُ وَبَأُ وَدَمَحَ هَآوِرٌ  
بِضْعَبْ عَلَى أَنْضَعَبْ

5. Самура ибн Жундаб розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзимиз учун салом беришга ва баъзимиз бошқамизни ният қилишга бизни буюрдилар”. Аҳмад ривояти.

Абу Довуднинг лафзида: “Имомга қайтаришимиз ва ўзаро муҳаббатлашимиз ҳамда баъзимиз бошқамизга салом беришимизга бизни буюрдилар”, дейилган.

Бу ҳадиси шариф салом беришда ўнг ва чап томонидагиларни ҳамда имомини ният қилишга далолат қилмоқда. Баззорнинг лафзида: “Имомларимиз учун салом беришга ва баъзимиз бошқамизга салом беришига буюрдилар”, дейилган. Ҳадиснинг санади ҳасандир. “Ат-талхисул Ҳабир” 1/271.

Салом беришда икки елкадаги фаришталарни ва икки тарафдаги кишиларни ният қилса уларнинг барчасига салом берганинг ажрини олади. Чунки амаллар ниятлар билан баҳоланади. Имомга эргашувчи ўгирилган тарафида имом бўлса унга ҳам саломни ният қилади. Агар у имомнинг тўғрисида бўлса икки тарафдаги саломда ҳам имомни, кишиларни ва фаришталарни ният қилади.

Ёлғиз ўқувчи киши фақат фаришталарнинг ўзини ният қилади. Киши намозга киришгач, гўё дунёдан узулгандек бўлади. У намозда экан ҳеч кимга гапирмайди, гапирганларга жавоб ҳам қайтармайди. Намозини тугатгач эса ҳудди дунё ҳаётига қайтади ва шунда ҳаммага салом беради. Намоздан салом бериб чиқишнинг маъноларидан бири шудир. Валлоху Аълам...

Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим. У зот ўнг томонларига: “**Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ**” деб, чап томонларига ҳам: “**Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ**”, деб салом берар эдилар”. Абу Довуд ривояти.

Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний роҳимаҳуллоҳбу ҳадисни “Талхис”да иллатли эканини айтган: “Абу Довуд ва Табаронийлар Воил ибн Хужрнинг ҳадисини, Абдулжаббор ибн Воил отасидан ривоят қилади деб келтиришган. Ваҳоланки у ундан эшитмаган. Шунга кўра санад узулиб, ҳадис иллатли бўлиб қолган”. “Талхисул Ҳабир” 1/271.

Имом Нававий: “Ва барокаатуҳ” калимаси бидъат, бу борада саҳиҳ ҳадис келмаган балки уни тарк қилишлик саҳиҳдир”, деган. Имом Нававий роҳматуллоҳи алайҳнинг бу сўзида мулоҳаза бор. Чунки Ибн Ҳиббоннинг “Саҳиҳ”ида Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан “Ва барокаатуҳ” қўшимчаси ривоят қилинган. Бу зиёда Ибн Можда ҳам бор. Ибн Салоҳ роҳматуллоҳи алайҳнинг нима сабабдан: “Ушбу қўшимча ҳадис китобларининг бирортасида йўқ”, деганини билмаймиз. Лекин бу ривоятлар саҳиҳ бўлсада оз ҳолатларда унга амал қилинган деймиз. Шунинг учун амал юқоридаги ҳадисларга кўра бўлиб, уммат ҳам ўша ҳадисларга амал қилишда яқдилдир.

Айримларнинг “**ва барокаатуҳ**”ни айтиб, фақат бир томонга салом беришларини кўрамиз. Бу бидъат амалдан ошиб, жамоатдаги кишиларнинг орасини ажратишга ҳам киради. Бундайлар “Ихтилоф қилсанг машҳур бўласан” деган мақолга ихлос билан амал қиладиганлардир. Улар қаерда ихтилоф бўлса, ўшани топиб амалга оширишга қизиқишади. Далилларни атрофлича ўрганишга тоқатлари етмайди. Аллоҳ таоло умматни бирлаштирсин!

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар қироатни: “**Алҳамду лиллааҳи робил ааламийн**” билан бошлашар ва бир салом беришарди”. Мажмаъуз Завоид 1/202.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёлғиз бир салом берар эдилар”. Байҳақий ривояти. Зайлаъий ҳам буни келтирган. 11/225. Ҳадиснинг рижоллари сиқалардир.

Бу ҳадис юқорида зикр қилганимиз Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ҳадисига қарши келиб қолди. Унда: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг ва чап томонларига: **“Ассалааму алайкум ва роҳматуллооҳ”**, (дея) салом берардилар”, дейилган. Имом Термизий ривоят қилган ва: “Ҳасан саҳиҳ”, деган.

Ҳофиз Ибн Ҳажар “Фатҳ”да шундай дейди: “Сўнгра қачон Ибн Масъуд ва Анас розияллоҳу анҳумоларнинг қарашлари бир-бирига қарши келиб қолса, Ибн Масъуднинг қараши устун қўйилади. Чунки Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Анас розияллоҳу анҳудан кўра олимроқ, ишончлироқ, улуғроқ ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида кўпроқ бўлган, намозда у зотга мувофиқроқ бўлган”. 2/280.

Бу икки ҳадиснинг ўртасини жамлаш мумкин. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир томонга жаҳрий салом бериб, иккинчи томонга саломни пастроқ овозда айтганлари, бир марта салом берганларини ривоят қилганлар эса иккинчи саломни эшитмай қолган бўлишлари мумкин. Лекин икки томонга ҳам салом берганларини саҳиҳ ривоятлар таъкидлайди. Шунинг учун айрим уламолар шундай дейишади: “Саломнинг иккинчиси биринчисидан пастроқ бўлиши суннатдандир”. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли илм саҳобалари, тобеъийлар ва улардан кейингилар шунга амал қилишган. Бир томонга салом бериш борасидаги ривоятлар оз бўлиб, улар билан далил қоим қилиб бўлмайди. Валлоҳу Аълам.

Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли байти ва саҳобаларига салоту саломлар бўлсин!

13.05.2013. 0:27. Душанба.

**Аброр Мухтор Алий**

[\[1\]](#) Исро-110.